

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Умумий иқтисодиёт” кафедраси

**“ Қишлоқ хўжалиги корхоналар молияси ”
фанидан**

(Ўқув-услубий қўлланма)

Тузувчи: Маматкулов А.Х.

ГУЛИСТОН – 2011

Ўқув қўлланма Гулистон Давлат Унверситети Илмий кенгаши томонидан 2011 йил 28-августдаги 1 - сон баённома билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси» фанининг ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган.

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртларида «**5340400 - Бизнес ва иқтисод 5340100-Иқтисодиёт**» йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Қўлланмада Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясининг предмети, услуби, фаннинг моҳияти; Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромадлари ва уларни тақсимлаш; бюджет муассасалар билан молиявий муносабатлар; банк билан молиявий муносабатлар; пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан молиявий муносабатлар; асосий фондлар ва айланма маблағларни молиялаш; қисқа ва узок муддатли кредитлаш; Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари молияси ва уларни кредитлаш; молиявий (бизнес) режа; корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари каби мавзулар ёритилган.

Тақризчилар: Иқтисод фанлари номзоди, доцент Раимбердиева О.Р.

Иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Саттаркулов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНВЕРСИТЕТИ

“Тасдиқлайман”
Ў.И. проректори _____ Х.Қ.Қаршибоев
“ _____ ” _____ 2011 йил

**“Қишлоқ хўжалиги корхоналар молияси”
фанининг ишчи ўқув дастури**

**Таълим йўналиши: 5340400 - Бизнес ва иқтисод
5340100-Иқтисодиёт**

Кафедра: Умумий иқтисодиёт

Умумий ўқув соати: 100 соат
Шу жумладан: Маъруза - 24 соат
Амалий машғулот - 28 соат
Мустақил таълим - 48 соат

ГУЛИСТОН - 2011

“Қишлоқ хўжалиги қорхоналар молияси” фанининг ишчи дастури Гулистон Давлат Унверситети ўқув методик кенгашининг 2011 йил “29” 08 1- сонли мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Ишчи дастур –5340400 - Бизнес ва иқтисод 5340100-Иқтисодиёт таълим йўналиши учун олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва рўйхатга олинган (_____) намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ тайёрланди.

Фаннинг ишчи ўқув дастури иқтисодиёт факултети илмий кенгашининг 2011 йил “30” 08 1-сонли қарори билан тасдиқланди.

Факултет илмий кенгаши раиси _____доц. Қурбонов Э.

**Такризчилар: И. ф. н. доц Раимбердиева О.Р.
И. ф. н. доц О.Саттаркулов.**

**Келишилди:
Кафедра мудири: _____ доц. О.Саттаркулов**

Тузувчи: “Умумий иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

Маматқулов А.Х.

1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади – талабаларга бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини ташкил этиш асослари, уларнинг асосий ва айланма капитални ташкил этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг молия ва кредит муносабатларига доир амалдаги қонун-қоидалар тўғрисида тегишли билимларни беришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, кўникма ва маҳоратга эга бўлишлари лозим.

Талабалар умуназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда молиявий қонунчилик, оммавий – ахборот воситаларидаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий масалаларини тўла ва муваффақиятли ўзлаштириш билан талабалар молиявий ҳисобот тузишни, корхонанинг молиявий аҳволини ва тўлов қобилиятини аниқлаш, молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиб, унинг натижаларига баҳо бериш, молияни бошқаришда янги усулларни қўллашни билишлари лозим.

“Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси” фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишда қўл келади.

1.2. Фан бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига, ва кўникмасига кўйиладиган талаблар

Талабалар:

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиясини ташкил этиш асослари ҳақида;
- корхоналарда даромадларнинг шаклланиши ва уларни тақсимлаш йўналишлари ҳақида;
- асосий ва айланма капитални ташкил этиш ва улардан фойдаланиш ҳақида;
- корхоналарнинг бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари билан кредит муносабатлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлишлари керак;
- талабалар молияни бошқариш, режалаштириш ва прогноз қилиш ҳамда молиявий назорат усулларини;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиясини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- қишлоқ хўжалигига кредит беришнинг амалий масалаларини билишлари ва амалда қўллай билишлари керак.
- талабалар молиявий-режалаштириш ва бошқа молия-иқтисод ҳисоб-китоб ишлари;
- ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини маблағ билан таъминлаш ва назорат қилиш;
- кредиторлар олдидаги тўлов мажбуриятларини бажариш ва дебиторлардан тўловларни ундириш бўйича тезкор молиявий ишлар;
- банкдаги пул ҳисоблари орқали олиб бориладиган операциялар ҳамда кредит муносабатлари бўйича етарлича тажрибага эга бўлишлари керак.

1.3. Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Мазкур фан “Иқтисодиёт назарияси”, “Макро ва микроиқтисодиёт”, “Статистика”, “Бухгалтерия ҳисоби”, “Пул, кредит ва банклар”, “Суғурта иши”, “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Қимматли қоғозлар бозори” каби фанлар билан узвий боғлиқдир.

1.4. Фанни ўқитишда янги технологияларни қўллаш

Талабаларга фан бўйича дарс ўтилишида олдиндан маъруза матнларини тайёрлаш, улар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш, ҳар бир дарсни очиқ мулоқот асосида олиб борилади. Маъруза ва амалий машғулот дарслари мавзулар бўйича оргтехника воситалари, Интернет, мультимедиа тизимлари, махсус ва стандарт программалар пакети, диапроекторлар, видео ва аудиотехника ёрдамида тегишли жадваллар, диаграммалар, слайдлар, кўргазмали қурооллар, тарқатма-ўқув материаллари, методик кўрсатмалар, янги дарсликлар, маъруза матнлари, тегишли хўжалик субъектларининг йиллик иқтисодий кўрсаткичлари ва статистик маълумотлар асосида ўтказилади. Барча

маъруза ва амалий машғулотлар янги педагогик технологиялар асосида “Ақлий ҳужум”, “Инсерт”, “Кластер”, “Зигзаг”, “Дельфи”, “Пинбор” ва бошқа усуллар орқали олиб борилади.

1.5. Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий қўлланмалар

“Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молияси” фани бакалавр йўналишига 3-семестрда, мазкур дастурга мувофиқ ўқитилади. Фан бўйича дарслар ўтилиши ушбу дастурнинг “Фанни ўқитишдаги янги технологиялар” бандида кўрсатиб ўтилган материаллар, маълумотлар ва янги технологиялар услубий кўрсатмалар сифатида қабул қилиниши мумкин.

Талабаларга фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида аудиторияда ўтиш усули билан амалга оширилади. Талабалар аудиторияда олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш ва бойитишлари учун мустақил таълим бўйича топшириқлар берилиши кўзда тутилган. Уларнинг олган билимларини баҳолашнинг тест-синов, оралик, жорий ва якуний баҳолаш усуллари қўлланилади. Фан бўйича ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади ва улар ўқитувчилар томонидан баҳоланади.

1.6. Фан бўйича ўқув турларининг ҳажми

“Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молияси” фани “Агроиктисодиёт” бакалавр йўналиши талабаларига 3-семестрида ўқитилади. Фан учун “Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича жами 100 соат ажратилган бўлиб, шундан 24 соат маъруза, 28 соат амалий машғулот ва 48 соат мустақил таълим ташкил қилади

II. Фаннинг мазмуни:

2.1. Маъруза мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт

№	Мавзу	Кўриладиган масалалар мазмуни	Вақт соат
1	Фаннинг предмети, услуби ва вазифалари	1.Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиялаштиришнинг моҳияти ва вазифалари. 2.Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. 3. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини бошқариш тизими.	2
2	Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромадлари ва уларни тақсимлаш	1.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таркиби. 2.Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинadиган даромадлар 3.Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари ва уни тақсимлаш	2
3	Қишлоқ хўжалик корхоналарда иш ҳақи фондини ташкил этиш	1.Ишбай ишлар учун иш ҳақи фондини ташкил этиш 2.Вақтбай ишлар учун иш ҳақи фондини ташкил этиш	2
4	Бюджет муассасалар билан молиявий муносабатлар	1.Бюджетнинг моҳияти ва зарурияти. 2.Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлар 3.Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетга тўловлари.	2
5	Банк билан молиявий муносабатлар	1.Пул муомаласини ташкил этиш 2.Тижорат банклари билан молиявий муносабатлар 3. Касса операцияларини юритиш тартиби	2
6	Пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан	1.Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан молиявий муносабатлар. 2.Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига	4

	молиявий муносабатлар	ижтимоий суғурта тўловлари ва уларни сарфланиши 3.Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг «Йўл жамғармаси»га ва бошқа нодавлат ижтимоий ташкилотларга тўловлари	
7	Асосий воситалар ва айланма маблағларни молиялаштириш	1.Асосий восита ва уларни молиялаш манбалари 2.Айланма маблағлар ва уларни молиялаш манбалари	2
8	Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш	1.Кредитнинг аҳамияти ва зарурияти. 2. Кредитларни расмийлаштириш тартиби. 3. Кредитлаш устидан банк назорати.	2
9	Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари молияси ва уларни кредитлаш	1.Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларининг бюджетга тўловлари 2.Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига бюджетдан ташқари жамғармалардан кредит бериш тартиби 3.Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш тартиби.	2
10	Молиявий (бизнес) режа	1.Молиявий (бизнес) режанинг моҳияти. 2.Молиявий (бизнес) режадаги молиявий кўрсаткичлар 3.Бизнес режанинг хулоса қисми	2
11	Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари	1.Қишлоқ хўжалик корхоналар молия хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили 2.Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар	2
	Жами:		24

.2. Амалий машғулотлар мавзулари, бажариладигин ишлар ва вақт

№	Мавзунинг номи	соат
1	Фаннинг предмети, услуби ва вазифалари	2
2	Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромадлари ва уларни тақсимлаш	2
3	Қишлоқ хўжалик корхоналарда иш ҳақи фондиди ташкил этиш	4
4	Бюджет муассасалар билан молиявий муносабатлар	2
5	Банк билан молиявий муносабатлар	2
6	Пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан молиявий муносабатлар	4
7	Асосий воситалар ва айланма маблағларни молиялаштириш	2
8	Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш	2
9	Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари молияси ва уларни кредитлаш	2
10	Молиявий (бизнес) режа	2
11	Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари	4
	Жами:	28

2.3. Мустақил иш топшириқлари:

Мустақил иш топшириқлари хар бир мавзунинг охирида келтирилган.

I модулда 5 та	24 соат
II модулда 6 та	24 соат

Жами: 48 соат

Мустақил иш топшириқлари мавзулари:

I модулда

1. Фаннинг предмети, услуги ва вазифалари
2. Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромадлари ва уларни тақсимлаш
3. Қишлоқ хўжалик корхоналарда иш ҳақи фондини ташкил этиш
4. Бюджет муассасалар билан молиявий муносабатлар
5. Банк билан молиявий муносабатлар

II модулда

1. Пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан молиявий муносабатлар
2. Асосий воситалар ва айланма маблағларни молиялаштириш
3. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш
4. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари молияси ва уларни кредитлаш
5. Молиявий (бизнес) режа
6. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари

ИЗОХ: Хар бир талаба ҳамма мустақил ишини бажаради

Фан бўйича реферат мавзулари

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиялаштиришнинг моҳияти ва вазифалари.
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини бошқариш тизими.
4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таркиби.
5. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинадиган даромадлар
6. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари ва уни тақсимлаш
7. Ишбай ишлар учун иш ҳақи фондини ташкил этиш
8. Вақтбай ишлар учун иш ҳақи фондини ташкил этиш
9. Бюджетнинг моҳияти ва зарурияти.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлар
11. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетга тўловлари.
12. Пул муомаласини ташкил этиш
13. Тижорат банклари билан молиявий муносабатлар
14. Касса операцияларини юритиш тартиби
15. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан молиявий муносабатлар.
16. Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига ижтимоий суғурта тўловлари ва уларни сарфланиши

17. Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг «Йўл жамғармаси»га ва бошқа нодавлат ижтимоий ташкилотларга тўловлари
18. Асосий восита ва уларни молиялаш манбалари
19. Айланма маблағлар ва уларни молиялаш манбалари
20. Кредитнинг аҳамияти ва зарурияти.
21. Кредитларни расмийлаштириш тартиби.
22. Кредитлаш устидан банк назорати.
23. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларининг бюджетга тўловлари
24. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига бюджетдан ташқари жамғармалардан кредит бериш тартиби
25. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш тартиби.
26. Молиявий (бизнес) режанинг моҳияти.
27. Молиявий (бизнес) режадаги молиявий кўрсаткичлар
28. Бизнес режанинг хулоса қисми
29. Қишлоқ хўжалик корхоналар молия хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили
- 30.** Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар

“Тасдиқлайман”

Кафедра мудири _____

08.2011 йил

“Қишлоқ хўжалиги корхоналар молияси” фанидан ишчи дастур бажарилишининг календар тематик режаси

т/р	Модул ва мавзу номлари	машғулот тури	бажарилганлиги		Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни	хисобот шакли	бажарилганлиги		Ўқитувчи имзоси
			соат	ой ва кун			соат	ой ва кун	
I-модул									
1	Фаннинг предмети, услуги ва вазифалари	М	2		Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиялаштиришнинг моҳияти ва вазифалари	Оғзаки			
2	Фаннинг предмети, услуги ва вазифалари	А	2						
3	Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромадлари ва уларни тақсимлаш	М	2		Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таркиби	Оғзаки			
4	Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромадлари ва уларни тақсимлаш	А	2						
5	Қишлоқ хўжалик корхоналарда иш ҳақи фондини ташкил этиш	М	2		Ишбай ишлар учун иш ҳақи фондини ташкил этиш	Оғзаки			
6	Қишлоқ хўжалик корхоналарда иш ҳақи фондини ташкил этиш	А	2						
7	Бюджет муассасалар билан молиявий муносабатлар	М	2		Бюджетнинг моҳияти ва зарурияти	Оғзаки			
8	Бюджет муассасалар билан молиявий муносабатлар	А	2						
9	Банк билан молиявий муносабатлар	М	2		Пул муомаласини ташкил этиш	Оғзаки			
10	Банк билан молиявий муносабатлар	А	2						
11	Пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан молиявий муносабатлар	М	2		Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан молиявий муносабатлар	Оғзаки			
12	Пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан молиявий муносабатлар	А	2						
13	Асосий воситалар ва айланма маблағларни молиялаштириш	М	2		Асосий восита ва уларни молиялаш манбалари	Оғзаки			

14	Асосий воситалар ва айланма маблағларни молиялаштириш	A	2					
15	Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш	M	2		Кредитнинг аҳамияти ва зарурияти	Огзаки		
16	Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш	A	2					
17	Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари молияси ва уларни кредитлаш	M	2		Қишлоқ ва деҳқон хўжалиklarининг бюджетга тўловлари	Огзаки		
18	Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари молияси ва уларни кредитлаш	A	2					
19	Молиявий (бизнес) режа	M	2		Молиявий (бизнес) режанинг моҳияти	Огзаки		
20	Молиявий (бизнес) режа	A	2					
21	Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари	M	2		Қишлоқ хўжалик корхоналар молия хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили	Огзаки		
22	Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари	A	2					
	Жами Жумладан: Маъруза Амалий машғулот Мустақил иш	100 24 28 48						

III. “Қишлоқ хўжалиги корхоналар молияси” фанининг рейтинг ишланмаси ва баҳолаш меъзони

3.1. Рейтинг ишланмаси.

№	Назорат тури	Назорат сони		Битта назорат учун максимал бал	Жами балл	1 тур учун	2 тур учун
		Жами	Хафталик назорат сони				
Жорий баҳолаш (ЖБ)							
1	1.1.Семинар мавзуларини конспект килиш ва жавоб бериш	10	2	3	30	14	16
2	1.2.Талаба мустақил иши (ТМИ)						
	1.2.1.Белгиланган мавзуларни мустақил урганиш ва презентация килиш	1			20		20
	Жами:				50		
Оралик баҳолаш (ОБ)							
3	1.ТМИ: Реферат тайёрлаш	1		5	5		5
	2. Назорат иши (ёзма)	2		5	10	5	5
	3.Огзаки суров	1		5	5		5

	Жами:				20		
Якуний баҳолаш (ЯБ)							
4	1. Ёзма иш (3 та саволдан иборат вариантлар асосида)	1			30		
	2. тест усулида (30 тадан кам булмаган тест вариантлари асосида)						
	Жами:						

3.2. “Қишлоқ хўжалиги корхоналар молияси” фанидан баҳолаш меъзони

3.1 Амалий машғулотда қатнашиб, уни топшириқларини тўла сифатли бажарган талабага 2.5-3 балл берилади, агар тўла бўлмаса бажариш даражасига қараб 2-2.5 балларгача берилади.

3.2. Амалий ишлари бўйича берилган талабалар мустақил ишларнинг бажарилиши ҳажми ва сифатига қараб 10 дан 20 баллар берилиши мумкин (топшириқлар тўлиқ ва сифатли, ижодий тарзда бажарилган – 10-15 балл, сифатли ва меъёр талаблари даражасида – 10-11 балл, ўрта даражада – 10 балл).

3.2.1**Талабаларнинг мустақил иши – мавзу бўйича реферат тайёрланади:

- Рефератда мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлари бўлса – 4,6-5,0 балл
- Мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор – 4,1-4,5 балл
- Мавзу моҳияти ёритилган, аммо арзимас камчиликлари бор бўлса – 3-4 берилади.
- Мавзу моҳияти ёритилган, аммо айрим камчиликлар бор бўлса – 2,5-3 балл берилади.

3.2.2. Оралиқ баҳолаш ёзма тарзда ўтказилиб, ундан 3 та саволга жавоб бериши сўралади. Ҳар бир савол 5 баллгача баҳоланади.

- Агар савол моҳияти тўла очилган бўлса, жавобларни тўлиқ ва аниқ ҳамда ижодий фикрлари бўлса – 4,6-5,0 балл
- Саволнинг моҳияти умумий очилган асосий фактлар тўғри баён этилган бўлса – 4,1-4,5 балл
- Саволга умумий тарзда жавоб берилган, аммо айрим камчиликлари бўлса – 3,6-4,0 балл
- Саволга умумий жавоб берилган, аммо айрим фактлар тўлиқ ёритилмаган бўлса – 2,6-3,0 балл берилади.

3.3. Якуний баҳолашда талаба 3 та саволга ёзма ёки 30 та тест саволига жавоб бериши лозим.

- Ҳар бир ёзма саволга 10 балл ажратилади.
- Агар савол моҳияти тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса – 8.5-10 балл
- Саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилган бўлса – 7-8 балл
- Саволга тўғри жавоб берилган, лекин айрим камчиликлари бор бўлса – 6-7 балл
- Берилган саволда жавоблар умумий ва камчиликлар кўпроқ бўлса – 5-6 балл берилади
- Тест саволининг ҳар бири 1 баллик тизимда баҳоланади.

Эслатма: Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитлаб олинади.

Ўзлаштириш кўрсаткичлари:

86-100 балл – «аъло»,

71-85 балл – «яхши»,

56-70 балл – «қониқарли».

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
1-боб. Фаннинг предмети, услуби ва вазифалари.....	
1.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиялаштиришнинг моҳияти ва вазифалари.	
1.2. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.	
1.3. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини бошқариш тизими.....	
2-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромадлари ва уларни тақсимлаш	
2.1.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таркиби.	
2.2.Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинadиган даромадлар	
2.3.Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари ва уни тақсимлаш.	
3-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарда иш ҳақи фондини ташкил этиш.....	
3.1.Ишбай ишлар учун иш ҳақи фондини ташкил этиш	
3.2.Вақтбай ишлар учун иш ҳақи фондини ташкил этиш	
4-боб. Бюджет муассасалар билан молиявий муносабатлар.....	
4.1.Бюджетнинг моҳияти ва зарурияти.	
4.2.Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари.	
4.3.Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетга тўловлари.	
5- боб. Банк билан молиявий муносабатлар.....	
5.1.Пул муомаласини ташкил этиш	
5.2.Тижорат банклари билан молиявий муносабатлар.	
5.3. Касса операцияларини юритиш тартиби.	
6- боб. Пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан молиявий муносабатлар	
6.1.Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан молиявий муносабатлар.	
6.2.Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига ижтимоий суғурта тўловлари ва уларни сарфланиши.	
6.3.Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг «Йўл жамғармаси»га ва бошқа нодавлат ижтимоий ташкилотларга тўловлари	
7- боб. Асосий воситалар ва айланма маблағларни..молиялаштириш.....	
7.1.Асосий восита ва уларни молиялаш манбалари.	
7.2.Айланма маблағлар ва уларни молиялаш манбалари.	
8- боб. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш.....	
8.1. Кредитнинг аҳамияти ва зарурияти.	
8.2. Кредитларни расмийлаштириш тартиби.	
8.3. Кредитлаш устидан банк назорати.	
9- боб. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари молияси ва уларни кредитлаш	
9.1.Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларининг бюджетга тўловлари.....	

- 9.2.Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига бюджетдан ташқари жамғармалардан кредит бериш тартиби.
- 9.3.Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш тартиби.
- 10- боб. Молиявий (бизнес) режа.....**
- 10.1. Молиявий (бизнес) режанинг моҳияти.
- 10.2.Молиявий (бизнес) режадаги молиявий кўрсаткичлар.....
- 10.3.Бизнес режанинг хулоса қисми.
- 11-боб. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари
- 11.1.Қишлоқ хўжалик корхоналар молия хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили
- 11.2.Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар
- Фойдаланиладиган адабиётлар**

Кириш

Хукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни янги босқичда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритиш субъектлари сақлаб қолинган ҳолда Қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантириш муҳим йўналиш этиб белгиланган. Қишлоқ хўжалик корхоналар бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритишнинг энг мақбул шакли эканлигини қисқа муддат ичида исботлай олди. Янгидан ташкил этилган Қишлоқ хўжалик корхоналарида биринчи йилнинг ўзидаёқ пахта ни ҳосилдорлиги 6,4 центнерга, доннинг ҳосилдорлиги 5,3 центнерга ошди. Рентабеллик даражаси пахтада-12,8 фоиздан 18,9 фоизга, дончиликда-1,9 фоиздан 19,8 фоизга етди. Қишлоқ ларда маҳсулот бирлигига кетадиган моддий ресурслар сарфи сезиларли даражада камайди.¹

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожда молиявий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Молиявий муносабатлар, хусусан Қишлоқ хўжалик корхоналари молияси иқтисодий категория сифатида пул муносабатларининг йиғиндиси бўлиб, унинг ёрдамида яратилган жами ижтимоий маҳсулот ва Қишлоқ хўжалик корхоналар даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан марказлашган ва марказлашмаган жамғармаларни ташкил этиш асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва халқимизни моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришни таъминлашдан иборатдир.

«Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси» фани иқтисодий фанлар қаторида бўлиб, бу фан ёрдамида бозор иқтисодиёти шароитида Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий муносабатлари ўрганилади. Қишлоқ хўжаликларнинг маблағларини тақсимлаш жараёни, пул фондларини (амортизация фонди, капитал қўйилмалар, айланма маблағларни молиялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш фондлари ва шу кабилар)ни ташкил этиш ва бошқа молиявий муносабатлар кўриб чиқилади. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини ўрганиш фаннинг мақсадидир.

Товар, пул, баҳо, нарх ва бошқа шу каби иқтисодий муносабатлар бозор иқтисодиёти шаклланаётган даврда хўжалик субъектлари иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг бирдан бир йули, бу Республика миқёсида молиявий муносабатларни тўғри йўлга қўйишдан иборатдир. Бунинг учун барча ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, хўжалик юритишни иқтисодий ислохот талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш лозим бўлади. Қишлоқ хўжалик корхоналарда айниқса пул маблағларини тўғри ташкил этиш ва уларни тақсимлаш, айланма маблағларни меъёрлаштириш, шунингдек ижтимоий шароит ва ихтисослаштириш билан мувофиқ ҳолда молиявий манбаларни зарур соҳаларни ривожлантиришга қаратиш, буларни молия (бизнес) режа тузаётганда инобатга олиш фаннинг асосий вазифасидир.

¹ О.Олимжонов ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент, «Университет» 2005 йил, 8-9 бетлар.

1-боб. Фаннинг предмети, услуги ва вазифалари

Режа

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиялаштиришнинг моҳияти ва вазифалари.
2. Қишлоқ хўжалик корхоналарда молиявий ишларни ташкил этишнинг хусусиятлари.
3. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини бошқариш тизими.

1. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясининг моҳияти ва вазифалари.

Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси фаннинг асосий моҳияти бу фаннинг бошқа иқтисодий фанлар орасида тутган ўрни, фаннинг предмети ва услуги нималардан иборат эканлигини ўрганишдир. Ушбу мақсадда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;

молияни бошқариш тизими;

Қишлоқ хўжалик корхоналар даромадларини ташкил этиш ва тақсимлаш;

Қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқа корхоналар билан молиявий муносабатлари;

бюджет, банк ва шу каби молиявий институтлар билан олиб бориладиган молиявий муносабатлар;

одавлат ижтимоий жамғармалари билан бўладиган молиявий алоқалар;

Қишлоқ хўжалик корхоналар молиявий мониторингини таҳлил қилиш усуллари ўрганишдан иборатдир.

Давлат молиясининг таркибий қисмидан бири - бу Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа мулк шаклидаги корхоналарнинг тармоқ молиясидир. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини тўғри ташкиллаштириш: маблағларнинг узлуксиз айланишини, қиймат формаларининг силлиқ ўзгаришини, пул даромадларининг ўз вақтида тушимини, пул даромадлари тўғри тақсимланишини ва фойдаланилишини, давлат буюртмаларини вақтида бажарилишини таъминлаш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларнинг пул формасида намоён бўлиб, асосий воситалар ва айланма маблағларнинг айланишида, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда, пул даромадларининг ташкил этилиши ва самарали фойдаланилишида ўз аксини топади.

Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси ҳар бир Қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий муносабатларининг мажмуи бўлиб пул даромадларининг режали ташкил этилиши, тақсимланиши ва фойдаланилишида, шунингдек ишлаб чиқаришни назорат қилиш, корхона даромадини ташкил қилишда яққол намоён бўлади.

Ушбу курсда Қишлоқ хўжалик корхоналари билан давлат ўртасидаги молиявий муносабатлар ҳам ўрганилади. Давлат ва корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар қуйидаги ҳолларда содир бўлади:

а) хўжалик ҳисобидаги даромаднинг ташкил этилишида, фойда ва турли хил жамғармаларни вужудга келишида, даромаднинг бир қисмини юқори ташкилотлар ихтиёрида жамлашда;

б) Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархида, сифатли маҳсулот етиштиришда ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичларида;

в) давлат муассасалари билан турли хил мулк формасидаги корхоналарнинг молиявий муносабатларида ёки турли хил мулк формасидаги корхоналарнинг ўзаро муносабатларида, улар ўртасидаги моддий техника ресурсларини етказиб беришда, капитал қурилишда, шунингдек қурилиш, йўл қурилиши ва ҳоказолар бўйича ҳиссадорлик уюшмаларини ташкил қилишда;

г) юқори ташкилотлар ихтиёрига корхона даромадининг бир қисмини ўтказишда;
д) молия тизимига ялпи даромаддан тўлов, солиқлар тўлаш, ижтимоий суғурта муносабатларида;

е) нодавлат ижтимоий муассалари ва банклар билан ўзаро алоқаларда.

Ушбу молиявий муносабатларнинг тўғри ташкил этилиши такрор ишлаб чиқариш самарадорлигининг юқори даражада ўсишига замин яратади.

Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси ҳам давлат молияси сингари қуйидаги тамойилларга амал қилади:

- 1) Режалилик (жамғармаларни режалаштириш);
- 2) Маблағларнинг маълум мақсадларга қаратилганлиги (жамғармалардан фойдаланиш);
- 3) Қайтариб бермаслик (бюджетга тўловлар);
- 4) Иқтисодий тежам (самарадорликни ошириш);
- 5) Назорат қилиш (юқори ташкилотлар, банклар ва ш.к.лар томонидан хўжалик маблағларидан қандай фойдаланаётганлигини назорат қилиш).

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг истеъмолга бўлган талаби кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги эҳтиёжларни қондириш ва бошқа ижтимоий маҳсулотлар тўғридан-тўғри тақсимлаш орқали эмас балки пул даромадлари ва пул жамғармаларини ташкил этиш ва уни тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Пул-товар муносабатларининг мавжудлиги, унинг фаолият кўрсатишини асосий сабаби кўп укладлилиқдир, яъни турли хил мулк формаларининг (ширкат хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, деҳқон хўжалиги ва ҳ.к.) ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар (бошқа корхоналар ва хорижий ҳамкорлар) олиб боришнинг мавжудлигидир. Булар ўртасида товарларнинг олди-сотди ишлари амалга оширилганда улар учун эквивалент бўлиб пул бирлиги хизмат қилади.

Пул ҳаракати билан пул жамғармаларини ташкил этиш муносабатлари чамбарчас боғлиқдир. Умуман, пул ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш жараёнида иштирок этиб беш хил вазифани бажаради:

- 1) Қиймат ўлчови;
- 2) Тўлов воситаси;
- 3) Муомала васитаси;
- 4) Жамғариш воситаси;
- 5) Жаҳон пуллари.

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг кўзга кўринган иқтисодчи-олимлари ушбу вазифаларнинг дастлабки учтасини тан олишмоқда. Бироқ, пул ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш вазифасини бажармайди, балки у фақат қиймат шаклида тақсимлаш учун шароит яратиб беради. Ижтимоий маҳсулотни пул жамғармалари ва ундан фойдаланиш орқали тақсимлаш иқтисодий муносабатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу муносабатлар корхона ичида ҳамда унинг юқори ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясининг иқтисодий категория сифатидаги асосий белгилари қуйидагилардир:

1) Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси ёрдамида қишлоқ хўжалик тармоғида ижтимоий маҳсулотни тақсимлашнинг зарурлиги билан боғлиқ бўлган иқтисодий (жамғарма ва тақсимлаш) муносабатлар;

2) Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси – Қишлоқ хўжалик корхоналарида яратилган маҳсулот қийматининг пул шаклидаги ҳаракати билан ифодаланган пул муносабатларидир;

3) Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси иштирокида Қишлоқ хўжалик корхоналар пул жамғармалари ҳосил бўлади ва фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси - бу маблағларни тақсимлаш жараёнида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар миқёсида пул жамғармаларини (амортизация фонди, моддий рағботлантириш фондлари, суғурта фондлари ва бошқалар) ташкил қилишдаги ижтимоий муносабатларда қатнашади. Умуман, Қишлоқ хўжалик корхоналар молияси ялпи ижтимоий маҳсулотни, миллий даромадни ташкил этилиши ҳамда пул маблағлари жамғармаларини ташкил бўлиши ва фойдаланиш куралидир. Молия ёрдамида давлат, корхона ва аҳолининг пул даромадларини ташкил бўлишигина эмас, балки бу маблағлардан фойдаланиш ҳам амалга оширилади. Демак, молия ёрдамида давлат, корхона ва ҳ.к.ларнинг пул даромадлари ва жамғармалари режа асосида ташкил этилади, тақсимланади ва фойдаланилади.

Пул даромадларининг асосий манбаи бу давлатнинг миллий даромадидир. Ялпи ички маҳсулотдан материал харажатлар чегирилиб миллий даромад ҳосил қилинади. Миллий даромаднинг ташкил этилиши энг аввало ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида вужудга келади, бу миллий даромаднинг дастлабки тақсимланишидир. Миллий даромаднинг дастлабки тақсимланиши натижасида корхоналар даромадининг бир қисми бюджетга ўтказилади ва улар ёрдамида жамғармалар ташкил этилади.

Жамғарма ёки фондлар ташкил қилиниш ўрнига қараб:

а) *марказлаштирилган* (давлат бюджети, давлат ижтимоий суғурта фонди, мол-мулк ва шахсий суғурта фонд ива бошқалар);

б) *марказлаштирилмаган* (меҳнат ҳақи фонди, иқтисодий рағботлантириш фонди, амортизация фонди, айланма маблағлар фонди, бюджет тўловлари ва ҳ. к.) фондлар шаклида бўлади. Бозор муносабатлари шароитида марказлаштирилмаган фондларнинг аҳамиятига катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, мудоффа фонди, маданий-маиший эҳтиёжлар фонди, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот фондлари ва бошқа фондлар ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясининг моҳияти унинг вазифаларида ўз ифодасини топади, яъни унинг вазифалари қуйидагилардир:

а) тақсимлаш, б) молиявий назорат.

Тақсимлаш вазифаси юқорида тақидланганидек миллий даромадни ташкил бўлишида яққол кўринади, яъни ялпи ички маҳсулот, ялпи даромад, иш ҳақи фонди, файда (тўловлар, турли хил фондлар ташкил қилиш) кабиларни пайдо бўлишида.

Молиявий назорат молия-бизнес режаларни тузишда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблашда, банк, бюджет ва бошқа юқори ташкилотлар билан бўладиган ҳисоб китобларни назорат қилишда ўз аксини топади. Шунингдек молия ёрдамида Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий-иқтисодий аҳволи мунтазам иқтисодий таҳлил қилиб борилади ва керакли хулосалар чиқарилади. Молиянинг назорат қилиш вазифасида ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши, режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилиши, пул маблағлари, моддий ресурслардан фойдаланиш, маҳсулотнинг сони ва сифати ва ҳ.к.ларнинг фойдаланилиши устидан назорат ўрнатилади. Молиявий назорат ишлари молия муассаса ходимлари ва корхона бухгалтер-иқтисодчилари томонидан амалга оширилади.

1.2. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини ташкил этишнинг хусусиятлари

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари Қишлоқ хўжалик корхоналарда молиявий ишларни ташкил этилишига ҳам ўз таъсирини ўтказади, бу қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири ишлаб чиқариш жараёнидаги фарқлар, яъни *ишлаб чиқариш жараёни билан иш даври ўртасидаги ўзгариш*. Бу ўз навбатида маблағларнинг айланишига, тугалланмаган ишлаб чиқариш

ҳажмининг ошишига таъсир этади. Ушбулар Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини ташкил этишда инobatга олиниши зарур.

2. Қишлоқ хўжалигида *айрим маҳсулотлар натурал кўринишида ишлаб чиқариш жараёнида айланади*. Масалан, ўсимликчиликда етиштирилган маҳсулотлар чорвачилик тармоғида ем-хашак сифатида фойдаланилади ёки айланма маблағлар таркибидаги ёш чорва моллари асосий подага ўтказилади. Бундай тартибда хўжалик ичида натурал кўринишда маҳсулотларнинг ички айланиши кўшимча равишда маблағ жалб қилмасдан ишлаб чиқаришни қайтадан ташкил этишга имконият яратади.

3. Қишлоқ хўжалик *ишларининг мавсумийлиги* йил давомида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини бир маромда ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятини бермайди. Бу пул тушумини йил давомида бир текис тушмаслигига олиб келади. Бундай мавсумий нотекисликни қоплаш учун Қишлоқ хўжалик корхоналар четдан жалб қилинган қарз ёки кредит ресурсларидан фойдаланишга эҳтиёж сезади.

4. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни *табиий иқлим шароитга боғлиқ*, яъни турли хил табиий офатлар содир бўлиши туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бир маромда ёки кўзланган мақсаддагидек ҳосил, даромад олаолмаслик эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун бундай табиий ҳодисалар келтирган зарарни қоплаш мақсадида Қишлоқ хўжалик корхоналарда пул ва натурал кўринишда суғурта фондлари ташкил қилиниши керак.

5. Молиявий ишларни ташкил қилишга таъсир этувчи омиллардан яна бири қишлоқ хўжалигида *мулкка бўлган эгаликдаги кўп укладлик*, яъни ширкат хўжаликлари, Қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари ва қисман давлат мулкчининг мавжудлигидир. Бундай хусусий корхоналар асосий ва айланма маблағларини ўз маблағлари ҳисобига ташкил этишади. Меҳнатни рағбатлантириш ҳам ўз даромадларининг кўп ёки камлигига қараб ўзгаради. Бундай Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни рағбатлантиришда давлат фақат тавсия бера олади, холос, яъни, иш ҳақининг энг кам миқдори, иш ҳақи разрядларининг минимал чегараси ва бошқа шу кабиларни тавсия этади. Иш ҳақининг энг юқори даражаси Қишлоқ хўжалик корхоналарининг олган даромадига ва фондларнинг ташкил этилишига боғлиқ бўлиб қолади.

Хусусий мулкчиликка асосланган Қишлоқ хўжалик корхоналари олган даромадларини ўз хоҳишлари, эҳтиёжлари асосида тақсимлайди, улар умумдавлат фондларини ташкил этишда даромад солиғи, ягона ер солиғи ва бошқа солиқ турларини тўлаш орқалигина қатнашади ва давлат бюджетини ташкил бўлишда ўз ҳиссасини кўшади. Шу йўл билан Қишлоқ хўжалик корхоналари маблағининг бир қисми умумдавлат мулкига айланади.

Ҳозирги кунда ҳукуматнинг аграр соҳада олиб бораётган сиёсатининг негизиде мулкчиликни хусусийлаштириш асосий ўринда турибди. Жумладан, Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолият кўрсатишига қонуний ва ҳуқуқий томондан кенг имкониятлар яратилмоқда. Бундай хусусий корхоналарнинг айланма маблағлари, асосий воситалари ва устав фонди корхона аъзоларининг қўшган ҳиссаси асосида ташкил этилади. Хусусий мулк шаклидаги корхоналарда пул маблағларидан, моддий ва меҳнат ресурсларидан, ер-сув ресурсларидан энг юқори даражада самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини ташкил этишда ва ундан ишлаб чиқариш жараёнида самарали фойдаланишда албатта эътиборга олинади ва бу ўз самарасини беради.

Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини бошқариш тизими

Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини бошқариш тизимини кўриб чиқишдан олдин Республикамизда давлатни бошқариш тизими тўғрисида тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўзбекистон Республикасида давлатни бошқариш тизими қуйидагича:

1. *Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси.* У ўзининг фаолиятини 1994 йил 22 сентябрда чиқарилган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонунга биноан бошлаган. Олий Мажлис давлатнинг қонун чиқарувчи олий органи бўлиб ҳисобланади, унга депутатлар Республика ҳудудий органларидан кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланади.

2. *Президент.* Президентни 1991 йил 18 ноябрда чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида»ги ва кейинчалик қўшимчалар киритилган қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси фуқоралари яширин овоз бериш йўли билан сайлашади.

3. *Вазирлар маҳкамаси.* Вазирлар маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ фаолият кўрсатади, у ижро этувчи орган бўлиб Олий Мажлис қонунларини, Президент фармонларини ижроси билан шуғулланади.

4. *Суд ҳокимияти.* «Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди ҳақида»ги қонунга (1993 йил 6 май) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди фаолият кўрсатади. У Ўзбекистон Республикасида конституциянинг устиворлигини амалга оширади.

5. *Давлатни бошқариш маҳаллий органлари.* Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Жойлардаги давлат органлари тўғрисида»ги қонунга биноан вилоят, туман ва шаҳарларда маҳаллий органларни бошқаришни Халқ депутатлар кенгаши олиб боради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бошқариш тизимини самарали ташкил этилиши оқибат натижада рентабеллик даражасига, фойданинг ошишига олиб келиши лозим. Шунингдек, бюджетга тўловлар, мол етказиб берувчилар ва банк билан, молиявий институтлар билан олиб бориладиган ишлар яхши йўлга қўйилади, ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланилади, молиявий захиралардан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилади.

Ушбу мақсадда, яъни бошқарув ишлари самарадорлигини оширишда молиявий ишлар уч йуналишда олиб борилади: 1) молиявий режалаштириш, 2) молиявий режа бажарилишини таъминлаш, яъни тезкор молиявий ишлар, 3) назорат-таҳлил ишлари.

Молиявий режалаштиришда бизнес-режа, кредитлаш, касса операциялари ва бошқа шу каби пул маблағлари билан таъминлаш ишлари режалаштирилади. Бундай молиявий режалаштириш негизида қўшимча молиявий захираларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш ва корхона рентабеллигини ошириш ётади.

Молиявий режа бажарилишини таъминлаш учун Қишлоқ хўжалик корхоналарининг меҳнаткашлар билан иш ҳақи тўлаш ва моддий рағботлантириш каби турли-туман молиявий муносабатлари, бюджет билан, банк билан, юқори ташкилотлар билан бўлган молиявий муносабатларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш тушунилади.

Молиявий ишларнинг муҳим қисми, бу молия режасининг бажарилиши устидан *назорат қилиш ва таҳлил* ўтказишдир. Асосий эътибор тезкор назоратга қаратилади, бундай назорат натижасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилади мавжуд молиявий захиралар аниқланади. Тезкор назорат ҳозирги кунда ишлар автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган шароитда юқори самара бермоқда.

Бундай тезкор назорат натижасида ва мунтазам равишда маълумотлар билан таъминлаш оқибатида корхоналар фаолиятини бошқариш тизимида кўплаб энгилликлар ҳамда қулайликлар туғилади.

Шу ўринда молияни бошқариш тизимига тўхталадиган бўлсак бу давлат ва корхоналарнинг пул маблағлари фондиди режа асосида ташкил этиш ва фойдаланиш тизимидир.

Молия тизимини бошқариш Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Молия Вазирлиги зиммасига юклатилган. Ушбу вазирлик 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз низоми асосида фаолият кўрсатади. Молия Вазирлигининг жойлардаги органлари вилоят молия бошқармаси, туман ва шаҳар молия бўлимларидан иборатдир. Шаҳар ва туман молия

бўлимлари жойлардаги бюджет лойиҳаларини тузади, корхона ва ташкилотларнинг молия режасини бажарилиши устидан назорат ўрнатади, молиявий тартиб интизомни мустаҳкамлаш чора тадбирларини амалга оширади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий ишлар билан Молия маркази ёки бухгалтер-иқтисодчилар шуғулланади.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Тармоқ молияси, пул жамғармалари, ялпи ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, пул даромадлари, жамғарма фонди, истеъмол фонди, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондлар, бизнес режа, кредитлаш, молиявий муносабатлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини нима?
2. Давлат ва корхоналар ўртасида молиявий муносабатларни содир бўлиш ҳоллари.
3. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини ташкил этиш тамойиллари (принциплари).
4. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини иқтисодий категория эканлиги.
5. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясининг вазифалари.
6. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиялари.
7. Молиявий ишларни олиб бориш йўналишлари.
8. Молиявий ишларни олиб бориш тизими.
9. Ўзбекистон Республикасида давлатни бошқарув тизими.
10. Қишлоқ хўжалик корхоналар молиясини бошқарув тизими.

2-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромадлари ва уларни тақсимлаш

Режа

- 2.1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таркиби.
- 2.2. Қишлоқ хўжалик корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинadиган даромадлар.
- 2.3. Қишлоқ хўжалик корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари ва уни тақсимлаш.

2.1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига 2003 йил 15 октябрда 444-сонли қарор билан киритилган ўзгартиришлар асосида «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тартиби тўғрисида Низом» бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишида пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш ушбу мавзунинг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари - бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлигини, солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш учун маҳсулот (иш,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлардир.

Харажат моддалари қуйидагилардан иборат:

А. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1). Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

2). Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар:

а) сотиш харажатлари;

б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф- харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

3). Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлар:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

Фавқулодда зарарлар, у даромад (фойда)дан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Маҳсулот (ишлар,хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги **элементлар** билан гуруҳларга ажратилади:

1. Ишлаб чиқариш моддий харажатлари;

2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

4. Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

5. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга: ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинмайдиган хом-ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентарлар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғилар, энергия ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига: амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи; устамалар; компенсация тўловлари (тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлиги учун; оғир, зарарли табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун ва бошқалар); ишламаган вақти учун ҳақ тўловлар (навбатдаги ва қўшимча таътиллари, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, мажбурий таътилда бўлган ходимларга, ҳарбий йиғинларда бўлган вақти учун) киради.

Ижтимоий суғурта ажратмаларига қуйидагилар киради: қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар, нодавлат пенсия жамғармасига ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар *амортизацияси* бўйича харажатлар таркиби асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларнинг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммасидан иборатдир.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларга ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш-таъмирлаш харажатлари, асосий ишлаб чиқариш фондларини сақлаш харажатлари, ёнғиндан сақлаш-қўриқлаш харажатлари, техник хавфсизликни таъминлаш харажатлари, текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафари харажатлари, ишлаб чиқариш жароҳатлари харажатлари ва бошқалар киради.

Б. Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушинилади, яъни маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган харажатлардир.

Сотиш харажатлари деганда товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари тушинилади. Бундан ташқари транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланадиган жарималар, савдо ва умумовқатланиш корхоналари сотиш харажатлари, савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари, дастурхон, сочиқ ва ошхона идиш-тавоғи эскириши, савдо реклама харажатлари ва сотиш бўйича бошқа харажатлар тушинилади.

Маъмурий харажатларга қуйидагилар киради: бошқарув харажатларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари; бошқарув харажатларига тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари; хизмат енгил автотранспорти ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари; алоқа тармоқлари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказлари ва бошқа техник воситаларни сақлаш-хизмат кўрсатиш харажатлари; маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш: вазирликлар, идоралар ва бошқа шу каби харажатларга ажратмалар; атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқитларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари ва бошқа бошқарув харажатлари.

Бошқа операция харажатларига қуйидагилар киради: кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари; лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни баргараф этиш харажатларини қоплаш; маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш; қишлоқ хўжалигини ободонлаштириш; бир йўла тўланадиган мукофот ва тақдирлашлар; ходимларга маҳсулотларни бепул бериш; ходимларнинг саёҳатларга, спорт секцияларига, маданий-кўнгилочар тадбирларига қатнашиш харажатлари; икки ёшга тўлгунча болани парвариш қилиш учун ойлик нафақалар; ходимларга тўланадиган моддий ёрдам; қариялар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, халқ таълими муассасалари ва уларни таъмирлаш ишлари харажатлари; банк ва депозитарий хизматлари; зарарлар; жарималар; пенялар; суд харажатлари; табиий офатлар туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар; ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик ва рационализаторлик харажатлари ва бошқа харажатлар.

Ҳисобат даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажат турларига янги технологияларни яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича, шунингдек, илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар киради.

В. Молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар ҳисобга олинади.

Г. Фавкулудда зарарлар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган

ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажат моддаларидир. Бунга фавкулудда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган давр харажат моддалари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавкулудда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;

бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги лозим;

бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавкулудда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

2.2. Қишлоқ хўжалик корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинadиган даромадлар

Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга оширилиши натижасида олинadиган даромадлари қуйидаги асосий бўлимлар бўйича ҳисобга олинади:

а) сотишдан олинган соф тушум;

б) асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

в) молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

г) фавкулудда даромадлар.

Сотишдан олинган соф тушум маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, ундан кўшилган қиймат, акциз солиғи ва экспорт банк поштинаси чегирилган тушум сифатида аниқланади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

ундирилган ёки қарздор томонидан этироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек, етказиладиган зарарларни ундириш бўйича даромадлар;

ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;

ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар;

хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;

даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш;

давлат субсидияларидан даромадлар;

холисона молиявий ёрдам ва бошқа операциялардан даромадлар.

молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қуйидагилардан иборатдир:

олинган роялтилар ва сармоя трансферти;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш кўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидентлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

мол-мулкни узоқ муддат ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

валюта счетлари, шунингдек, чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари;

сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳ.к.ларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар ва бошқа молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.

Фавқулодда фойда моддалари – бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромаднинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлмасида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

2.3. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари ва уни тақсимлаш.

Қишлоқ хўжаликлар молиявий натижалари олинган фойда миқдори ва рентабеллик даражаси билан характерланади. Фойда миқдори қанчалик кўп ва рентабеллик даражаси қанчалик юқори бўлса, корхона шунчалик самарали фаолият кўрсатади, унинг молиявий ҳолати шунчалик барқарор бўлади. Шунинг учун фойда миқдори ва рентабелликни ошириш имкониятларини қидириш ҳар қандай бизнес соҳасида асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Молиявий натижаларни бошқариш жараёнида иқтисодий таҳлил муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажаради:

молиявий натижаларнинг шаклланиши устидан мунтазам назорат юритиш;

объектив ва субъектив омилларнинг молиявий натижаларга таъсирини аниқлаш;

фойда миқдори ва рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш, ҳамда уларни истиқболли режаларини тузиш;

фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларидан фойдаланиш бўйича Қишлоқ хўжалик корхоналари ишини баҳолаш;

аниқланган имкониятларни тадбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Таҳлил этиш жараёнида қуйидаги фойда кўрсаткичлари ишлатилади:

ялпи маржинал фойда - сотилган маҳсулот бўйича тушум ва ишлаб чиқариш харажатлари орасидаги фарк;

маҳсулот, товар ва хизматлар сотилишидан олинadиган фойда - маржинал фойда ва ҳисобот йилидаги доимий (бошқарув ва тижорат) харажатлар миқдорлари орасидаги фарк;

солиққа тортилганга қадар умумий молиявий натижа - (брутто-фойда) маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинadиган молиявий натижалар, инвестициявий ва молиявий фаолиятдан олинadиган даромад ва харажатлар, сотишдан ташқари ва фавқулодда даромад йиғиндисидан иборат;

одатдаги фаолиятдан олинувчи фойда-солиққа тортилганга қадар умумий молиявий натижадан даромад (фойда) солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнгги фойдадир;


соф фойда – бу ҳамма солиқлар, иқтисодий жарималар, фавқулодда харажатлар ва бошқа мажбурий тўловлардан сўнг Қишлоқ хўжалик корхоналари ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми;

истеъмолдаги фойда-дивидентларни тўлаш, корхона ходимлари ёки ижтимоий дастурлар учун сарфланувчи фойданинг бир қисми;

капиталлаштирилган (тақсимланмаган) фойда – бу активларни кўпайтириш учун йуналтирилган фойданинг бир қисми.

Таҳлил этиш жараёнида балансдаги фойда таркиби унинг тузилиши ўзгариши ва ҳисобот йилида белгиланган миқдорга эришганлигини ўрганиш лозим. Фойданинг ўзгаришини ўрганишда инфляцион омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда

фойда кўрсаткичларини шакиллантиришнинг таркибий чизмасини қуйидаги 1-чизмада қуйидагича ифодалаймиз:



1-чизма. Фойда кўрсаткичларини шакиллантиришнинг тузилиши



2-чизма. Фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

тушумни тармоқ бўйича корхона маҳсулотига нархларнинг ўсиши солиштирма индекси асосида харажатларни эса таҳлил этилаётган йилда истъёмол қилинган ресурслар нархининг ошиши натижасида эришилган ўсиш суръати баробарида камайтириш асосида қайта аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналар фойдасининг асосий қисми маҳсулот ва хизматларни сотишдан олинади. Таҳлил этиш жараёнида маҳсулотни сотишдан олинувчи фойданинг ўзгариши ўрганилиб, унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланиши лозим. (2-чизма).

Корхона бўйича маҳсулот сотишдан олинувчи фойда биринчи даражали бир-бирига боғлиқ 4 омилга боғлиқдир: Маҳсулотни сотиш ҳажми; унинг таркиби; таннарх ва ўртача сотиш нархлари даражаси.

Маҳсулотни сотиш ҳажми фойда миқдорида ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Рентабеллик даражаси юқори бўлган маҳсулотни сотиш ҳажмининг оширилиши фойданинг купайишига олиб келади. Агар маҳсулот зиён келтирувчи бўлса, сотиш ҳажмининг купайиши билан фойда камаяди.

Товар маҳсулот таркиби фойда миқдориға ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Агар нисбатан рентабелли маҳсулот турлари улуши умумий сотиш ҳажмидан ошса фойда миқдори купаяди. Аксинча, кам рентабелли маҳсулот ёки зиён келтирувчи маҳсулот улуши ошса фойданинг умумий миқдори камаяди.

Маҳсулот таннархи фойдаға тескари пропорционал: таннархнинг пасайиши фойданинг купайишиға олиб келади ва аксинча.

Ўртача сотиш нархлари даражасининг ўзгариши фойдаға тўғри пропорционалдир.

Соф фойда корхонанинг уставига асосан ишлатилади. Унинг ҳисобидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш инвестицияланади, корхона акциядорларига дивидент тўланади, заҳира ва суғурта фондлари ташкил этилади ва бошқалар. Соф фойдани тақсимлаш жараёнида қуйидаги мақсадларға эришиш учун капиталлаштириладиган ва ишлатиладиган суммалар ўртасидаги тенгликни оптималлаштиришға эришиши лозим:

- Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарурий миқдордаги инвестициялар;
- корхона мулкдорларига инвестициялашган маблағ учун фойдалиликнинг зарурий миқдори.

Фойдани тақсимлаш тенгликиға таъсир этувчи омиллар ички ва ташқи омилларға бўлинади.

Ички омилларға Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий фондлар ва айланма маблағларни молиялаш, моддий рағбатлантириш фондлари, маданий-маиший ишлар, спорт ишлари ва бошқаларға фойдадан ажратмалар ажратиш кабилар киради.

Ташқи омиллар:

- ҳуқуқий чекланмаган (фойда солиғи ставкалари, заҳира жамғармаларига фоиз ажратмалар ва бошқалар.)
- фойдани қайта инвестициялашдаги солиқ имтиёзлари тизими ва бошқалар.

Таҳлил жараёнида солиққа тортиладиган фойда суммаси ҳажмининг ўзгариб туриши омиллари, туланган дивидендлар суммаси, фоизлари, фойдадан олинладиган солиқ, соф фойда ҳажми, корхона жамғармаларига ажратмаларни ўрганиш зарурдир.

Солиқ органлари ва корхоналарда солиққа тортиладиган фойда миқдори катта қизиқиш уйғотади.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар.

Таянч иборалар: Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари; моддий харажатлар, меҳнатға ҳақ тўлаш харажатлари; ижтимоий суғурта ажратмалари; давр харажатлари; сотиш харажатлари; маъмурий харажатлар; фавқулудда зарарлар; сотишдан олинган соф тушум; фавқулудда фойда; соф фойда, капиталлаштирилган фойда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Харажат моддалари нима?
2. Харажат элементлари нима?
3. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари.
4. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларға нималар киради?
5. Давр харажатлари ва унинг асосий элементлари ҳақида тушунча беринг.
6. Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳақида тушунча беринг.
7. Даромадларнинг асосий бўлимлари нималардан иборат?
8. Фойдани қанақанги турлари (кўрсаткичлари)ни биласиз?
9. Фойданинг ўзгаришиға таъсир этувчи омиллар.

3-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарда иш ҳақи фондини ташкил этиш

Режа

3.1. Ишбай ишлар учун иш ҳақи фондини молиялаш.

3.2. Вақтбай ишлар учун иш ҳақи фондини молиялаш.

3.1. Ишбай иш тури учун иш ҳақи фондини молиялаш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тавсияга биноан Қишлоқ хўжалик корхоналар иш ҳақи фонди (даромад) хўжаликда ишлаб чиқиладиган технологик харита асосида аниқланади.

Хўжаликларда иш якунларини, экинлар ҳосилдорлигини ва бошқа сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда таъриф ставкаси 25-50 фоизга оширилиб, етиштириладиган маҳсулотлар қийматидан иш ҳақи фонди молиялаштирилади ва бу фонд Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг даромади улуши ҳисобланади ва 100 сўмлик маҳсулот қийматидан иш ҳақи фонди миқдорида белгиланади.

Узил-кесил ҳисоб-китоб қилгунга қадар маҳсулот учун ҳисобланган иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида бунақ ишчиларга маҳсулот сотишдан олинадиган даромад ҳисобидан бериб борилади. Бу бунақ суммаси хўжаликларда ишлаб чиқилган технологик харитадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган тариф фондининг умумий суммасидан оширилмаган ҳолда белгиланади.

Мисол: Самарқанд вилояти Жомбой туман «Хумо» Қишлоқ хўжалигидаги оила бошлиғи Б.Холмурзаевга 2008 йилда 9.0 га ер майдони пахта етиштириш учун бириктириб берилган, ҳосилдорлик гектаридан 25 центнер, жами ер майдонидан 22,5 тонна ҳосил олиш шартнома асосида белгиланган. Яппи маҳсулот қиймати пахтанинг навларини ҳисобга олган ҳолда 7650 минг сўмни ташкил этган. Тариф бўйича иш ҳақи фонди умумий ишлаб чиқариш харажатларини бирга ҳисоблаганда 1530 минг сўмни ташкил этган. Маҳсулот учун қўшимча 25% (382,5 минг сўм) ҳисобланган, натижада жами иш ҳақи фонди (даромад) 1912,5 минг сўмни (1530 минг сўм + 382,5 минг сўм) ташкил этади.

100 сўмлик маҳсулот қийматидан иш ҳақи фонди (даромад) 25 сўмни ташкил этади $(1912,5 : 7650) * 100$. Шундан йил давомида 70 фоиздан ёки 1338,75 минг сўмдан $(1912,5 * 70) / 100$ ошмаган миқдорда бунақ тариқасида ишловчиларга тўлаб борилади.

Агар Қишлоқ белгиланган миқдорга нисбатан қўшимча пахта маҳсулоти етиштириб уни топширса қўшимча маҳсулотнинг ҳар 100 сўмига 17,5 $(25 * 70\%)$ сўм иш ҳақи (даромад) суммаси қўшилиб боради.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш шартномасига аъзо бўлмаган (ёлланма) ишловчилар билан маълум ишларни бажариш учун меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Бундай ишловчиларнинг иш ҳақи Қишлоқ ишчиларининг меҳнат ҳақи фонди (даромад) ҳисобидан тўланади. Меҳнат ҳақи Қишлоқ ва ёлланма ишчи келишуви бўйича белгиланади ва у Қишлоқ хўжалик корхоналари ишловчиларига тариф бўйича белгиланган маошдан кам бўлмаслиги керак.

Бажариладиган ишларнинг сифати кўп жиҳатдан ишчининг тажрибасига, қобилиятига, билими ва малакасига боғлиқ бўлади. Иш ҳақи ишловчиларнинг малакасини акс эттириш ва улардан энг яхшиларини ажратиш кўрсатиш учун I ва II класс "Уста сувчи", "ўсимчилик устаси" унвони бўлган ишловчиларга класслик учун маошларига нисбатан қуйидаги миқдорда қўшимча ҳақ белгиланади: II класс учун-10 фоиз, I класс, учун-20 фоиз. Топшириқ сифатсиз бажарилганда ва маҳсулатнинг сифати пасайиб кетган ҳолларда мазкур қўшимчалар берилмайди.

Класслик ва унвон учун қўшимчани ойлик бунакга қўшиб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ, хўжалик ишларига жалб қилинган мавсумий (ёлланма) ишловчиларга йил якунида қўшимча ҳақ ва мукофот ҳисобланмайди.

Пудратчилар ва бошқа ички хўжалик бўлинмалари билан узил- кесил ҳисоб ишлари ҳисоб-китоб маркази томонидан тўлиқ қабул қилинганидан кейин соф даромад миқдорини аниқлайди.

Соф даромадни аниқлашда миёрдан ортиқча қилинган харажатлар мавжуд бўлса қўшимча харажат ҳисобдан чегириб ташланади. Агар харажатлар меъёрдан кам бўлса умумий даромад суммасидан ҳақиқатда қилинган харажат чегирилади, яъни соф даромадда иқтисод қилинган харажат ҳам ўз аксини топади.

Ҳар бир ички бўлинма бўйича аниқланган даромад ушбу булинмага маҳсулот учун қўшимча ҳақ ва мукофот қилиб тўланади.

3.2.Вақтбай ишлар учун иш ҳақи фондини молиялаш

Раҳбар ходимлар ва мутахассисларга ҳақ тўлаш. Раҳбар ходим ва мутахассисларга сотилган (ишлаб чиқилган) қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматиغا нисбатан белгиланган меъёр асосида ҳақ тўлаш тавсия этилади.

Меъёр (норматив) барча раҳбар ходимлар ва мутахассисларга олдинги 3 йилда хўжалик томонидан сотилган (ишлаб, чиқарилган) қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўртача қийматиغا нисбатан белгиланади ва 1000 сўмлик маҳсулот учун ҳақ тўлаш меъёри ишлаб чиқилади ва шу асосида йил якуни бўйича маҳсулот учун қўшимча ҳақ тўланади.

Бунинг учун олдинги 3 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори натурал ҳолда олиниб, охириги йилда йиллик ҳисобот бўйича аниқланган сотиш баҳосига (сотилмаган маҳсулотлар таннархи бўйича) кўпайтирилиб ўртача бир йиллик сотиш (ишлаб чиқариш) қиймати аниқланади ва жорий йил "Бизнес-режа"си бўйича раҳбар ходимлар ва мутахассисларни ойлик лавозим маоши бўйича йиллик иш ҳақи ҳисобланади ҳамда 1000 сўмлик маҳсулот учун меъёр ишлаб чиқилади.

Мисол: Хўжаликда олдинги 3 йилдаги (2005-2007 йил) ўртача йиллик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳажми 2007 йилдаги ҳақиқий баҳо билан ҳисобланганда 7650 минг сўмни ташкил этган. 2008 йил "Бизнес-режа"да раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг белгиланган муддатга ҳақ тўлаш гуруҳ бўйича лавозим маошидан келиб чиқиб, ҳисобланган йиллик иш ҳақи фонди 1920 минг сўмни ташкил этади.

Барча ходимларнинг иш ҳақи маҳсулот учун баҳо белгилашда ҳисобга киритилган бўлса сотилган 1000 сўм қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун режадаги баҳо 251,0 сўмни (1920 минг сўм: 7650 минг сўм x 1000) ташкил этади.

Йил якуни бўйича ҳисоб - китоб қилинганда давлат томонидан белгиланган харид нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ушбу аниқланган меъёрга тузатиш киритилади.

2008 йил нархларида 2005-2007 йилларда олинган маҳсулот 9225 минг сўмга қайта баҳоланди. Бу ҳолда раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг йил якуни бўйича иш ҳақи фондини 1000 сўмлик маҳсулот қийматида 208 сўм деб ҳисобланади. (1920 : 9225 x 1000). Йил охиригача, яъни маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилгунга қадар, раҳбар ходимлар ва мутахассисларга разряд бўйича белгиланган ойлик лавозим маошидан 80 % тўлаб борилади.

Йил якуни бўйича олинган барча маҳсулотни сотиш нархлари (сотилмаса таннарх) бўйича қиймати аниқланиб, унда раҳбар ва мутахассисларнинг иш ҳақи фонди ҳисоблаб чиқилади.

Мисол: 2008 йил хўжалик етиштирган маҳсулот 10500 минг сўмга тенг. Йил охиридаги иш ҳақи фонди қайта ҳисобланганда 2184 минг сўм. (208 сўм x 10500 минг сўм : 1000) тенг бўлади. Бундан 1536 минг сўми йил давомида маош ҳисобидан олинган 80 фоиз бунақни, 384 минг сўми маошнинг қолган 20 фоизини ва 264 минг сўми утган 3

йилдаги олинган маҳсулотга жорий йилда олинган ялпи маҳсулотнинг қўшимча қисми учун қўшимча иш ҳақи фондини ташкил қилади. $1920 \times 80 \% = 1536 \text{ м.с.}$ $1920 \times 20 \% = 384$; $2184 - 1920 = 264$ минг сўм. Ёйил якуни бўйича маҳсулот учун қўшимча ҳақ тўлаш рўйхатига киритилган раҳбар ва мутахассисларга тўланади.

Йил якуни бўйича аниқланган иш ҳақи фонди жорий йилда маҳсулот миқдорини кам олганлиги сабабли лавозим маош фондидан камайиб кетса қўшимча ҳақ аниқланган иш ҳақи фонди миқдоридан ошмаган ҳолда тўланади.

Мисол: Юқорида лавозим маош фонди 1920 минг сўмлиги аниқланган. Қишлоқ хўжалиги корхонаси бизнес-режада таннархи 8400 минг сўмлик, сотиш баҳоси 10500 минг сўм бўлган ўсимчилик маҳсулоти (пахта) етказилган, яъни рентабеллик даражаси 25,0 фоизга етказиш кўрсатилган. Жорий йилда ўсимликчиликда таннархи 9500 минг сўм, сотиш баҳоси 10500 минг сўмлик маҳсулот етиштирилган. Рентабеллик даражаси 26,3 ёки ўтган йилга нисбатан 1,3%га ошган. Бу кўрсаткич учун раҳбар ва мутахассисларни мукофотлаш учун иш ҳақи фонди $430,9$ минг $(1920 \times 25 : 100) + (1920 \times 10 \times 1,3 : 100)$ сўмга қўшимча аниқланади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси иш ҳақи фонди базис иш ҳақи фонди ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишига ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш натижасида иқтисод қилинган маблағларга қараб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 21 февралдаги 407- сонли давлат рўйхатидан ўтказилган «Иш ҳақи учун маблағлар бериш тартиби»га кўра тижорат банклари томонидан назорат қилинади.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Давлат бюджети, бюджет даромадлари, давлат молияси, солиқлар, фискал солиғи, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ имтиёзлари, эмиссия, давлат заёмлари, бюджет тақчиллиги, давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат бюджетининг тақчиллиги, субвенция, акциз солиғи, ягона ер солиғи, иш ҳақидан даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Технологик харита ҳақида тушунчангиз қандай?
2. Ишбай иш тури учун иш ҳақи фонди қандай ҳисобланади?
3. 100 сўмлик маҳсулот қийматига нисбатан иш ҳақи лимити қандай ҳисобланади?
4. Режадан ортиқча етиштирилган маҳсулот қиймати учун қўшимча иш ҳақи қандай ҳисобланади?
5. Вақтбай ишлар учун иш ҳақи фондини молиялаш тартиби.
6. Минг сўмлик маҳсулот иш ҳақи меъёри нима учун ҳисобланади?
7. Режадан ортиқча етиштирилган маҳсулот қийматидан раҳбар ва мутахассисларга қўшимча иш ҳақи қандай ҳисобланади?

4-боб. Бюджет билан молиявий муносабатлар

Режа

- 4.1. Бюджетнинг моҳияти ва зарурияти.
- 4.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари.
- 4.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетга тўловлари.

4.1. Бюджетнинг моҳияти ва зарурияти

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетга тўловларини кўриб чиқиш, жумладан ягона ер солиғини ҳисоблаш усулларини ўрганиш мавзуни мақсадидир. Ушбу мақсадда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- давлат ва маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва уларнинг вазифаларини билиш;
- мустақиллик даврида солиқ тўловларининг такомиллашиши;

- ҳозирги кунда бюджетга тўланадиган солиқ турлари;
- бюджетга тўланадиган турли хил тўловлар ва уларнинг ставкалари;
- ягона ер солиғи ва уни ҳисоблаш тартиби.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тизимини муайян мақсадда ривожлантириш учун турли марказлашган жамғармаларни ва аввало умумдавлат пул маблағлари жамғармаси-давлат бюджетини тузиш йўли билан таъминланади.

Давлат бюжети мамлакатнинг асосий молиявий режаси, молия тизимининг марказий бўғинидир. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида давлат бюджетининг маблағлари аввало иқтисодиёт таркибини қайта қуришга, муайян мақсаддаги комплекс дастурларни молия билан таъминлашга, илмий техника қудратини кучайтиришга, ижтимоий соҳани ривожлантиришга, мамлакатни мудофаа қобилятини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Республика бюджетида ва маҳаллий бюджетларда тўпланган пул ресурсларининг марказлашган жамғармалари халқ хўжалигининг ва айрим худудларнинг манфаатини демократик марказлашиш тамойилларида уйғунлаштиришнинг молиявий асосини вужудга келтиради. Тамойилни халқ хўжалигини бошқа-бошқа соҳасида амалга ошириш давлат, тармоқлар, корхоналар (бирлашмалар), маҳаллий органларнинг молиясини аниқ, алоҳида-алоҳида ажратишни талаб этади.

Режали равишда иш кўрувчи ягона хўжалик тизими доирасида айрим бўғинларга ишлаб чиқариш ресурсларини, муайян қоидаларга мувофиқ шу бўғинларга бириктириб бериладиган пул маблағларини тасарруф қилишда иқтисодий мустақиллик таъминланади.

Бозор иқтисодиётига ва бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтиш молиявий сиёсатга бўлган талабни анча ўзгартирди, давлат бюджетининг ўрни масаласини янгича усулларда юритиш талабини кўйди. Бошқаришнинг иқтисодий усуллари шароитида режалаштириш тизими халқ хўжалигини ва унинг бўғинларини иқтисодий ривожлантириш режаларининг таркибий қисми бўлган йиллик ва бир неча йиллик режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни назарда тутди. Молиявий режалар хўжаликнинг ҳамма поғоналаридаги молиявий фаолиятининг йириклашган кўрсаткичларини ўз ичига олиши керак. Назорат рақамларни, лимитларни ва давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш молиявий маблағларнинг манбаларини узоқ даврга мўлжалланган иқтисодий меъёрларини, баҳоларини белгилаш билан боғлаб олиб бориш керак.

Молиявий режалаштиришнинг ўзаги давлатнинг йиғма молиявий баланси бўлиб, у ҳам мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг режаси билан бир вақтда унинг таркибий қисми сифатида ишлаб чиқилади. Баланс ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг моддий, ашёвий ва пул-молиявий нисбатларини бир-бирига мувофиқлигини акс эттириши керак.

Мамлакатнинг йиғма молиявий балансини ишлаб чиқиш давлат бюджетига янги мақом беради - уни мамлакатнинг марказлашган пул фондиди ижтимоий иқтисодий ҳаётнинг барча иштирокчиларига қарашли молиявий маблағларнинг ва пул ресурсларининг ҳаракати билан ўзаро боғлаб ҳосил қилинадиган ва сарфланадиган бош ўзак-балансга айлантиради.

Юқорида таъкидлангандик, ҳар бир давлат бир қатор ижтимоий –иқтисодий ва сиёсий вазифаларни бажариш учун унинг ихтиёрида пул маблағлари бўлиши шарт ва унга давлат молияси орқали эришилади.

Давлат молияси - миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини, унга қарашли банк, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлардир.

Давлат молияси таркибан :

1. давлат бюджетидан;
2. бюджетдан ташқари уюштирилган пул фондлари;
3. давлат кредити;
4. давлат корхоналари молиясидан иборат.

Ушбуларда бюджетдан ташқари пул фондлари тўғрисида (5-бобда), давлат кредити тўғрисида (7-бобда), корхоналар молияси тўғрисида (8-бобда) кейинги бобларда тўхталамиз.

Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар каби икки қисмдан иборат. Давлат даромадлари – бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга тегишли қисмидир. У бевосита давлат ихтиёридаги ва давлат корхоналари кўлидаги даромаддан иборат бўлади. Давлат даромадлари ички ва ташқи иқтисодий муносабатлардан тушади, аммо асосийси ички манбадир. Ички манбанинг 3 шакли мавжуддир:

1. солиқлар;
2. заёмлар;
3. эмиссия.

Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқлар уч хил вазифани адо этади :

1. *фискаль*, яъни давлат бюджетига муҳим равишда пул тушириб туриш ;
2. хўжалик фаолиятини *рағботлантириш* ;
3. аҳолини айрим тоифаларини *ижтимоий химоя қилиш*.

Солиқлар молия таркибида кичик бир тизимни ташкил этади. Солиқ бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги , аниқроғи солиқ ундирувчи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатдир. Солиқ **субъектларига** солиқ инспекцияси, фирма, компания, ташкилот, Қишлоқ хўжалик корхоналари ва айрим фуқоралар киради. Уларнинг алоқаси даромаднинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш пайтида юз беради. **Солиқ объекти** солиқ солинадиган даромад, мол-мулк ёки иқтисодий фаолият бўлади. Унга фойда, экспорт суммаси, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ер, иморат, транспорт воситаси кабилар киради. Ундирилган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажми **солиқ меъёри** деб юритилади. Солиқ меъёри даромад суммаси, мол-мулк қиймати ёки унинг моддий миқдорига қараб белгиланади. Масалан даромад солиғи ушбу даромаднинг маълум улишига тенг бўлади (5 %, 10 %, 15% ва х.к). Солиқ меъёри олдиндан қаътий, яъни ўзгармас миқдорда ёки прогрессив, яъни солиқ объект миқдорига қараб ортиб боровчи шаклларда белгиланади.

Давлат молияси **солиқ имтиёзларини** ҳам ўзичига олади, унга солиқдан озод этиш, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш кабилар киради. Солиқ имтиёзлари ишлаб чиқариш жараёнини рағботлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Солиқ хўжалик субъекти билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Солиқлар молия ресурслари миқдорига таъсир этади. Агар давлатнинг молия ресурсларини оширишга зарурат пайдо бўлса, солиқлар кўпайтирилади ва аксинча, бошқа ташкилотларнинг фаоллигини ошириш зарур бўлса, солиқ имтиёзлари берилади. Шу сабабдан,

солиқларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси ўзгариб туради. Солиқлар хилма-хил бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида қуйидаги асосий солиқлар киритилган: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, даромад соф (фойда) солиғи, экспорт ва импорт солиғи, мол – мулк солиғи, аҳолидан олинадиган даромад солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ва х. к.

Давлат заёмлари давлатнинг аҳоли, фирма ва ташкилотлардан қарз олиши ҳисобига ўз молия ресурсини ҳосил этиш воситасидир. Давлат харажати даромаддан ошиб кетган шароитда орадаги камомад заём билан ҳам қопланади. Давлат Марказий ва маҳаллий заёмлар чиқариб, уларни сотади ва заём ҳисобидан фоиз, яъни қарз ҳақи тўлашни зиммасига олади. Заёмлар мудати тугагач, давлат уни қайта сотиб олади ёки янги заёмларга алмаштиради.

Эмиссия давлат томонидан қўшимча қоғоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредитни уюштиришдир. Шу сабабли пул ва кредит эмиссияси мавжуд бўлади. Давлат солиқлари ва заёмлар ҳисобидан ўз харажатларини қоплай олмаган шароитда эмиссияга қўл уради. Заёмларни сотиб туриш қулай усул, аммо заёмлар ўтмай қолиб молиявий аҳвол танглашиши мумкин. Шунда эмиссия нажод йўли деб қаралади, аммо у инфляцияни чуқурлаштирувчи омил ҳисобланади.

Юқорида айтилган 3 турдаги тушумлардан ташқари давлат сотиб олган акциядан келган дивидент, давлат пулини банкга қўйишдан тушган фоиз, давлат мол – мулкидан келган ижара ҳақи, давлат мол – мулкни сотишдан келган пул кабилар ҳам молия ресурсига киради.

Ҳозирги кунда Республикамизда амалда қулланилаётган солиқ ва бошқа йиғимлар қуйидагилардан иборат:

Солиқ кодексида назарда тутилган:

а) солиқлар:

1. юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
2. жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
3. қўшилган қиймат солиғи;
4. акциз солиғи;
5. ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
6. сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7. мол-мулк солиғи;
8. ер солиғи;
9. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
10. жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

б) бошқа мажбурий тўловлар:

1. ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар;
 - ягона ижтимоий тўлов;
 - фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
2. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:
 - Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
 - Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

3. давлат божи;

4. божхона тўловлари;

5. айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Юқоридаги «Бошқа мажбурий тўловлар» тўлов турлари тўғрисида кейинги бобларда тўхталамиз.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ҳар йили давлат бюджетнинг асосий кўрсаткичлари режалаштирилади. Шунингдек вилоят, шаҳар ва туман Халқ депутатлари кенгашлари йиғилишларида маҳаллий бюджет параметрлари белгиланади. Одатда бюджетнинг харажатлар қисми даромадлар қисмидан 1-2 фоизга юқори бўлади, бу бюджет тақчиллиги деб юритилади.

Бюджет тақчиллигини қоплаш учун қуйдагилар молиялаштиришга йўналтирилади:

– давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган даромадлар, давлат хазина мажбуриятларини жойлаштириш ва бошқа ноинфляция манбалари:

-Марказий Банкнинг кредити ва бошқа манбалар.

Юқорида такидлаганидек, солиқ ва йиғим турлари 2 қисмдан иборат:

1. Умумдавлат солиқлари;

2. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Умумдавлат солиқлари қуйдагилардан ташкил этилади:

- юридик шахслар даромад (фойда) солиғи;

- жисмоний шахслар даромад солиғи;

- кўшилган қиймат солиғи;

- акциз солиғи;

- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар қуйдагилардан ташкил этилади:

- мол-мулк солиғи;

- ер солиғи;

- ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктура солиғи;

- жисмоний шахслар бензин, дизель ва газ истеъмоли солиғи;

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилардан йиғим;

- автотранспорт тўхташ жойидан олинадиган йиғим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сонли қарорига асосан солиқ солиш тартибига киритилган ўзгаришлар:

1. Фойда солиғи бўйича ўзгаришлар

а) Умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғи ставкаси 2008 йилда 2007 йилдаги каби 10 фоиз миқдоридан сақланиб қолди. Тижорат банклари учун солиқ ставкаси 17 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди.

б) Фойда солиғи ставкаси тижорат банклар учун 15 фоиз, ташкилотлар учун 10 фоизни ташкил этган.

в) Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-325-сонли қарорига мувофиқ суғурта ташкилотлари фойда солиғини имтиёз даври тугагандан сўнг тўлайди.

Даромад (фойда) ставкаси пасайиши динамикаси

Даромад (фойда) солиғи кейинги ўн йилликда мунтазам камайиб келмоқда ёки 1996 йилдаги 38 фоиздан 2007-2008 йилларда 10 фоизгача туширилган.

2. Микрофирма кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича ўзгаришлар:

а) Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 2007 йил амалдаги 10 фоизли солиқ ставкаси 2008 йилда 8 фоизга туширилди.

б) Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъий назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси кўйидаги микдорларни ташкил этадиган корхоналар учун амалда белгиланган солиқ ставкаси: сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгачани ташкил этганда 30 фоизга пасайтирилади; сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этганда 50 фоизга пасайтирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўхатда келтирилган хом-ашё маҳсулотларига ушбу қоида тадбиқ этилмайди.

3. Жисмоний шахсларнинг мулкидан олинадиган солиқ:

а) 2008 йилда жисмоний шахсларга тегишли тураржойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотларнинг қийматидан келиб чиқиб 0,5% ставкада мол-мулк солиғи ундирилиши;

б) солиққа тортиладиган мол-мулкга эга бўлган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича умумий майдони 60,0 кв.метрга тенг бўлган солиққа тортилмайдиган минимумни ажратиш;

в) жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органларнинг инвентаризация баҳоси бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 2100,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 920,0 минг сўм микдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилиниши сақланиб қолинди.

4. Жисмоний шахслар даромад солиғи:

Аҳолининг даромадидан солиқ юқини камайитириш мақсадида *жисмоний шахслар даромад солиғининг* 13 фоизли ставкасида солиққа тортиладиган даромадлар микдори 5 минимал иш ҳақидан 6 минимал иш ҳақиға оширилди:

6 минимал иш ҳақиғача – 13%;

6 дан 10 минимал иш ҳақиғача – 18%;

10 минимал иш ҳақидан юқори - 25%; қилиб белгиланади.

Фуқароларни жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг амалдаги бир фоизли ставкаси ва ҳисоблаш тартиби сақлаб қолинди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкасининг динамикаси

2007-2008 йилларда жисмоний шахслар даромадидан солиқ ставкасининг қуйи ставкаси 13 фоиз микдорида ўзгаришсиз келмоқда аммо, ўрта ставкаси 25 фоиздан 18 фоизгача, юқори ставкаси 36 фоиздан 25 фоизгача туширилган.

5. Ташқи иқтисодий фаолиятга солиқ солишдаги янгиликлар:

а) Ташқи иқтисодий фаолиятнинг қатнашчилари бўлган жисмоний шахслар учун ягона божхона тўловини тўлаш тартиби бекор қилиниб, 2008 йил 1 январдан бошлаб

уларга юридик шахслар учун назарда тутилган божхона тўловларини тўлаш тартиби киритилди.

б) Республикамиз ички бозорини ёғоч-тахта материаллари билан тўлдириш улар нархини арзонлаштириш ҳисобига аҳолини қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, 2008 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари учун божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сонли Фармони бўйича қуйидаги имтиёзлар яратилди:

а) Уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдоридан, ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шarti билан фойдадан олинган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилди.

б) Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилди.

в) Ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган Янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилди.

4.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетга тўловлари.

Қишлоқ хўжалигидаги барча фаолият кўрсатувчи корхона, ташкилот ва муассасалар бюджет маблағларини ташкил этишда турли хил солиқ ва тўловлар тўлаш йўли билан ўз ҳиссасини қўшиб келишади.

Давлат бюджетини ташкил этишда турли мулк формасида фаолият кўрсатувчи корхоналарда турли хил фондларга маблағ ажратиб жамғармалар ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Қишлоқ хўжалик корхоналари асосан хусусий мулкчилик шаклида фаолият кўрсатишмоқда ва хўжалик ҳисобида иш юритишмоқда. Шу сабабли пул жамғармаларининг ақсарият қисми марказлаштирилмаган фондлар ҳиссасига тўғри келиши лозим. Бироқ бу фондларни ташкил қилишдан олдин, энг аввало давлат бюджети ва маҳаллий бюджет олдидаги тўловлардан қутилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик экинларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди.

Ягона ер солиғи амалдаги барча умумдавлат солиқлари (алқағолли маҳсулотга ақциз солиғидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган қуйидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этилди.

1. Даромад (фойда) солиғи:
2. Қўшилган қиймат солиғи:
3. Экология солиғи:
4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ:
5. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ
6. Мол-мулк солиғи:
7. Ер солиғи:
8. Ижтимоий инфратўзилмани ривожлантириш солиғи:

9. Бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари булмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун банк тўлови, давлат банки, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), Қишлоқ хўжалик корхоналари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланадилар, деҳқон хўжаликлари бундан мустаснодир. Деҳқон хўжаликларига Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунида кўзда тутилган солиққа тортиш шартлари тадбиқ этилади,

Қишлоқ хўжалигини юртиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солиғига тортиш объекти ҳисобланади: Ягона ер солиғи маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги фармонида асосан:

а) Ер ягона ер солиғи ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар ставкалари 2007 йилдагига нисбатан 1,2 бараварга индексацияланди.

б) Ягона ер солиғи 2008 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё, Андижон, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Навоий ва Фарғона вилоятлари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сирдарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳам қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиқиб солиқ тўлашга ўтказилди.

в) Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиқиб ягона ер солиғининг ставкаси 2,3 фоиздан 2,8 фоизга кўпайтирилди.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: бюджет, солиқ, давлат молияси, эмиссия, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ ставкалари, ягона ер солиғи

такрорлаш учун саволлари:

1. Давлат бюджетининг моҳияти ва вазифалари.
2. Маҳаллий бюджетлар ва уларнинг вазифалари.
3. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида бюджетга тўловларни такомиллашиши.
4. 2001 йил ва бундан қуйинги йилларда бюджетга тўланадиган тўлов турлари ва уларнинг ставкалари.
5. Меҳнат ҳақидан дорамад солиғи тўлаш ва ҳисоблаш тартиби.
6. Давлат бюджетига тўланадиган солиқ турлари
7. Маҳаллий бюджетларга тўланадиган солиқ турлари.

5-боб. Банк билан молиявий муносабатлар

Режа

5.1. Пул муомаласини ташкил этиш.

5.2. Тижорат банклари билан молиявий муносабатлар.

5.3. Касса операцияларини юритиш тартиби.

5.1. Пул муомаласини ташкил этиш

Ушбу мавзунинг моҳияти Қишлоқ хўжалик корхоналарида пул муомаласини ташкил этиш, банкларда ҳисоб рақамини очиш ва уни юритиш тартибларини ўрганишга қаратилган. Шу мақсадда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши мўлжалланган:

- корхоналарда пул муомаласини ташкил этиш;
- нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб китоблар;
- тижорат банкларда ҳисоб рақами очиш ва улардан фойдаланиш тартиби;

-корхоналарда касса операцияларини олиб бориш тартибини ўрганиш.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий усулларни тадбиқ этишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан пул муомаласининг, пул харид қобилиятининг барқарорлигига боғлиқ. Муомалада пулнинг қанча миқдорда бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- сотиш учун таклиф этилаётган товар ва хизматлар ҳажми;
- товар ва хизматларнинг баҳоси;
- кредит учун тўланадиган сумма;
- кредитнинг қайтарилиб берилиши;
- пул айланишининг тезлиги.

Пул муомаласини ташкил этишда пул айланиши ката эътиборга молик.

Пул айланиши деб жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган пул ҳисоб китоблари йиғиндисига айтилади. Пулни айланиши икки усулда амалга оширилади; а) нақд пули; б) нақд пулсиз.

Нақд пулли ҳисоб-китоблар деганда товар олувчи ва сотувчи ўртасида ҳисоб-китоб нақд пул билан амалга ошади.

Халқ хўжалигида нақд пулларнинг ҳаракати аҳолининг пул даромадлари манбаини билдиради ва у қуйидаги йўналишларда амалга оширилади.

1) корхона ва ташкилотлар томонидан ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳаққи берилиши;

2) пенсия, нафақа ва суғурта тўловлари тўланиши;

3) давлат, ширкат, Қишлоқ ва бошқа корхоналар томонидан сотиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва моллари учун тўловлар;

4) аҳолининг чакана савдо корхоналаридан сотиб олган товарлари учун тўловлар;

5) ҳар хил кўрсатилган хизматлар учун тўловлар (уй жой ҳақи, маиший хизматлар, транспорт ва бошқалар);

6) солиқларнинг нақд пул билан тўланиши;

7) алоҳида фуқаролар ўртасида бўладиган ҳисоб-китоблар;

8) корхоналар ўртасида айрим нақд пул билан бўладиган ҳисоб-китоблар.

Банк томонидан муомалага чиқарилган пуллар муомаладаги *пул массаси* деб юритилади. Пулнинг муомалага чиқарилиши эса *пул эмиссияси* деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасида пулни ишлаб чиқариш, уни муомалага киритиш ва муомаладан четлатишни ташкиллаштириш Республика Марказий Банки зиммасига юклатилган. Корхоналар ва ташкилотларга нақд пулларнинг берилиши улардан пулларнинг қабул қилиниши банкда ташкил этилган алоҳида кассалар орқали амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда эса харидор ва сотувчи (таъминотчи) иккита ташкилотни банк бўлимида ташкил этилган ҳисоб-китоб счетларидан ҳисоб-китоб операциялари бўйича бирининг ҳисоб рақамидан иккинчисининг ҳисоб рақамига пулни кўчириш тушунилади, Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар икки хил йўл билан амалга оширилади:

1) товарлар асосида бўладиган ҳисоб-китоблар;

2) товарсиз бўладиган ҳисоб-китоблар.

Товарлар бўйича бўладиган ҳисоб-китобларга товарлар, моддий бойликлар ва хизмат кўрсатишларни тушуниш мумкин.

Товарсиз бўладиган ҳисоб-китобларга эса бюджет тўловлари, кредит оперециялари, юқори ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар, суғурта компаниялари билан суғурта тўловлари бўйича, ижтимоий суғурта ва пенсия жамғармасига ажратмаларни ажратиш бўйича ҳисоб-китобларни тушиниш мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий тамойиллари (принциплари) қуйидагилардир:

1) корхона, ташкилот, бирлашмалар ўз пул маблағларини банк ва жамғарма кассаларида сақлаши шарт;

2) корхона, ташкилот ва бирлашмалар ҳисоб-китобларини банк бўлимлари орқатли амалга оширишлари шарт;

3) товар-моддий бойликлар бўйича ҳисоб-китоблар шартномага мувофиқ товар келиб тушгандан кейин ёки олдин амалга оширилиши керак;

4) ҳисоб-китоблар харидор розилиги билан амалга оширилиш лозим;

5) ҳисоб-китоблар хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобига, ўз маблағлари бўлмаганда эса банк кредитлари ёки бошқа қарзлари ҳисобига амалга оширилиши керак.

Нақд пулсиз ҳисоб китоблар – хўжалик механизмининг ажралмас қисми бўлиб, муайян тартиб қоидалар асосида амал қилувчи мураккаб тизимдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида **шартномавий муносабатларга** асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасидаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари кенгайди. Шартномада иқтисодий муносабатлардаги ҳар бир иштирокчининг мақсадини аниқлаш имконини беради. Шартнома бу фуқаролик ҳуқуқи ёки мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёхуд тугатиш тўғрисидаги икки ёки бир неча шахс келишувидир.

Белгиланган тартибда юридик шахс мақомига эга бўлиш товар ишлаб чиқарувчилар учун мажбурий талаб бўлиб, жисмоний шахслар шартнома тузишда давлат рўйхатидан ўтиши ва тадбиркор мақомини олиши лозим.

Қишлоқ хўжалик фаолияти жараёнида товар ишлаб чиқарувчилар (Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлар) таъминотчилар (турли хил таъминот ташкилотлари) ва сотиб олувчилар (қайта ишлаш, озиқ-овқат, енгил саноат, умумовқатланиш, савдо тизимидаги корхоналар ва бошқалар) билан шартномалар тузади.

Таъминотчилар билан тузиладиган асосий турдаги келишув бўлиб хард қилиш, сотиш ва етказиб бериш шартномалари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва сотиб олувчилар ўртасида контрактация шартномалари тузилади. Уларга асосан қишлоқ хўжалик маҳсулоти қайта ишлаш ёки сотиш учун етказиб берилади. Тамонлар қонунда кўзда тутилган турли шартнома бўғинларини ўзида қамраб олган аралаш шартномаларини тузиши мумкин.

Шартноманинг молиявий қисми кўпроқ унинг тури ва у қандай тузилганлигига боғлиқ, бунда унинг қиймати, ҳисоб-китоблар шакли, босқичлари, жарималар, тўлов ёки пул олиш муддатига катта этибор берилади.

Шартномавий муносабатлар тизими, тавар пул муносабатларини кенг кўламда қўллаш асосида ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда доимий тартибда такомиллашиб бориши талаб этилади.

Ҳисоб-китобнинг ҳар қандай шаклида мол етказиб берувчидан сотиб олувчигача бўлган товар ҳаракати ҳужжатлари асосида рўй беради: *ишончнома, ҳисоблар, йўл варақалари, далолатномалар, талабномалар*. Уларнинг тўғри расмийлаштирилиши банк томонидан хатосиз хизмат кўрсатилишининг кафолати бўлиб ҳисобланади.

Қайд этилган ҳужжатларда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади: мол етказиб берувчининг номи, манзили, мол етказиб берувчи банкининг корреспонденцияланувчи ҳисоби, унинг номи ва жойлашган ўрни: мол жўнатувчи ва қабул қилувчининг номи, манзили.

Агар ҳисоб-китоблар маълум бир шартномага мувофиқ амалга оширилган бўлса, ҳисобда ушбу ҳужжатнинг реквизитлари (рақами ва тузилган санаси, счёт фактура рақами ва санаси, тўловчининг номи, банк реквизитлари, йўл хати ёки чипта рақами) кўрсатилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳуқуқий тартибга солиш уларни пул тўловчи розилиги билан амалга ошириш тамойиллари, белгиланган шаклда ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш ва фуқаровий мажбуриятларни бажарилишига асосланади.


Улар тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари, аккредитив, чек, вексел, инкасса топшириқномалари ёрдамида банклар орқали амалга оширилади.

Ҳисоб-китоблар шакли деганда кредитор ҳисобида акс эттириш усули, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури ва ҳужжат айланмаси тартиби бўйича фарқланувчи, ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шартлари тушинилади.

Тўлов шартномалари пул тўловчи ҳисоб рақамида маблағ бўлган ҳоллардагина банклар томонидан қабул қилинади. Томонлар келишувига кўра топшириқномалар тезкор, узоқ муддатли ва муддати узайтирилган бўлиши мумкин. Тезкор ҳисоб-китоблар куйидаги ҳолларда амалга оширилади: олинган товарлар, иш ва хизматлар учун ҳисоб-китобларда; олинмаган товар, кўрсатилмаган хизматлар учун дастлабки тўлов ёки бажарилмаган ишлар учун бўнак тўловлари ва бошқалар.

Узоқ муддатли ҳисоб-китоблар йирик битмлардаги тўловлар асосида бажарилади. Муддати узайтирилган тўловлар шартномавий муносабатлар доирасида томонлар молиявий ҳолатига зарар етказмаслик шarti асосида амалга оширилиши мумкин. Тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилувчи ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланмаси куйидаги тартибда амалга оширилади.

1-чизма. Тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилувчи ҳисоб-китоблар тартиби



1. Счет-фактурани тақдим этиш билан бирга хизмат кўрсатиш, маҳсулотни жўнатиш;
2. Сотиб олувчи банкка 4 ёки 5 нусхада тўлов топшириқномасини топширади ва охириги нусхасини банкдаги тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қайтариб олади;
3. Сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи банк тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси асосида сотиб олувчи ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқаради;
4. Сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи банк сотувчига хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномасининг икки нусхаси ва пул маблағларини жўнатади;
5. Сотувчига хизмат кўрсатувчи банк, тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасига асосланиб пул маблағларини сотувчи ҳисоб рақамига олади;
6. Банклар ўз мижозларига ҳисоб рақамларидан кўчирмани тақдим этади.


Агар тўлов ёки акцепт олинмаган бўлса, ижрочи банк бунинг сабаблари ҳақида банк – эмитентни хабардор этиши лозим.

Товар етказиб берилгандан сўнг, сотиб олувчи томонидан пул ўтказилмаган ёки ўтказиш муддати кечиккан ҳолларда мол етказиб берувчи инкасса топшириқномаси орқали пул маблағини олиши мумкин. Инкасса топшириқномалари ёрдамида амалга оширилувчи ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланмаси 2-чизмада келтирилган.

1. Товар
2. Инкасса топшириқномалари ва ҳисоблар

3. Инкассага топширик
4. Тўлов ёки акцепт талабномаси

2-чизма. Инкасса топширикномалари ёрдамида амалга




5. Акцепт
6. Пул маблағларини ҳисобдан чиқариш
7. Маблағлар ўтказилганлиги ҳақида ҳужжат
8. Пул маблағларини ҳисобга олиш

Мол етказиб берувчига тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлай бермаганлиги ҳисоб-китобнинг ушбу шаклини камчилиги бўлиб ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳаракати товар ҳаракатидан ортда қолган ҳолларда, сотиб олувчи ҳақи тўланмаган товар-моддий бойликлардан фойдаланиши мумкин.

Мол етказиб берувчи томонидан товар етказиб берилгандан сўнг унинг ҳаққини қисқа муддатда ва ишончли ундириб олиш учун тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Тўлов талабномалари билан амалга оширилувчи ҳисоб-китоблардаги ҳужжат айланмаси қуйидаги 3-чизмада келтирилган.

3-чизма: Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар тартиби.




1. Сотувчи томонидан маҳсулотни жўнатиш .
2. Юклаш-жўнатиш ҳужжатлари билан бирга тўлов талабнома-топширикномаларини сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи банкга тақдим этиш.
3. Юклаш-жўнатиш ҳужжатларини 1 картотекага жойлаштириш.
4. Тўлов талабнома-топширикномасини сотиб олувчига тақдим этиш.

5. Сотиб олувчи томонидан тўлов талабномани расмийлаштириш ва унинг ҳисоб рақамида маблағ мавжуд бўлгандагини қабул қилувчи банкка тақдим этиш.
6. Юклаш-жўнатиш ҳужжатларини сотиб олувчига тақдим этиш.
7. Сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи банк, миждоз ҳисоб рақамидан тўлов суммасини ҳисобдан чиқаради.
8. Сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи банк, сотувчига хизмат кўрсатувчи банкка тўлов талабномани йўллайди.
9. Сотувчига хизмат кўрсатувчи банк тўлов миқдорини қабул қилувчининг ҳисоб рақамида ҳисобга олади.
10. Банклар ўз миждозларига ҳисоб рақамидан кўчирмаларни тақдим этади.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли товар сотиб олинганга қадар сотиб олувчидан дастлаб пул қўйилмаларини амалга оширишни талаб этади, бу билан товарнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи ошиб боради. Ҳисоб-китобнинг ушбу шакли шартномаларга мос равишда, уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Савдо амалиётлари бўйича ҳисоб-китоблар шакли сифатида аккредитив сотувчи ва харидорга ҳам қўлай бўлиши мумкин, чунки аккредитив шартларини тўғри тушуниб етган ҳолларда сотувчи товарни шартнома шартларига мос равишда қабул қилишга ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Аккредитив ёрдамида амалга оширилувчи ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланмаси қўйидаги 4-чизмада келтирилган

4-чизма. Аккредитив ёрдамида ҳисоб-китоблар тартиби



1. Товар етказиб бериш бўйича шартнома тузиш;
2. Сотиб олувчи унга хизмат кўрсатувчи банкка аккредитив очиш тўғрисида топшириқ бериш;
3. Аккредитив очиш тўғрисида сотувчига хизмат кўрсатувчи банкни авизолаш;
4. Аккредитив очилганлиги тўғрисида сотувчини хабардор этиш;
5. Товари етказиб бериш;
6. Ҳужжатларни тақдим этиш (ҳисоб реестрлари, товар транспорт ҳужжатлари);
7. Сотувчига кредит бериш;
8. Ҳужжатларни жўнатиш;
9. Тўлов;
10. Сотиб олувчига ҳужжатларни тақдим этиш;
11. Ҳужжатлар акцепти;
12. Аккредитив очиш учун кредит берилган ҳолларда сотиб олувчи ҳисоб рақамидан пулни ҳисобдан чиқариш.


Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисоб-китобларда чекларни қўллаши мумкин. Чек бу уни тақдим этувчи топшириғи билан кўрсатилган пул маблағини банк томонидан чек эгасига ўтказиб беришни белгилаб берувчи қимматли қоғоздир. Чек бўйича тўловчи сифатида фақатгина чек берувчи маблағи сақланадиган банк эътироф этилиши мумкин.

Ушбу қимматли қоғоз пул эквивалентидир, чунки чек эгаси уни бошқа бир шахсга тўлов ҳужжати сифатида тақдим этиши мумкин.

Ўтказишлар миқдори қонунчиликда чегараланмаган, лекин у жуда катта бўлиши мумкин эмас, чунки ҳужжат банк муассасасига 10 кун муддат давомида тўлов учун тақдим этилиши шарт.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш механизми схемаси 5-чизмада келтирилган.

5-чизма. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш механизми схемаси.



1. Сотиб олувчи унга хизмат кўрсатувчи банкка чек олиш учун ариза ёки тегишли пул маблағини депонентлаш учун тўлов топшириқномасини ёки тўланиши банк томонидан қафолатланган чекларни олиш учун аризани икки нусхада тақдим этади;

2. Сотиб олувчи унга хизмат кўрсатувчи банкда мустақил ҳисобда маблағ бронлаштирилади ва чеклар тўлдирилади (банк номи, ҳисоб рақами, чек берувчи номи ва чек суммасининг лимити);

3. Сотиб олувчига чек ва карточка берилади;

4. Сотувчи жўнатилган маҳсулот ҳужжатларини сотиб олувчига тақдим этади;

5. Сотиб олувчи чекни сотувчига беради;

6. Сотувчи унга хизмат кўрсатувчи банкка чекни топширади;

7. Сотувчи унга хизмат кўрсатувчи банкда пул маблағлари мижоз ҳисобига қабул қилинади;

8. Сотувчига хизмат кўрсатувчи банк чек бўйича тўловни амалга ошириш учун уни сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этади;

9. Сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи банк чек суммасини депонент маблағларидан ҳисобдан чиқаради;

10. Банклар ўз мижозларига ҳисоб рақамидан кўчирмаларни тақдим этадилар.

Қишлоқ хўжалик субъектлари орасидаги ўзаро маблағ айланишида санаб ўтилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар барчаси аниқ шароитдан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин. Асосий этиборни ҳисоб-китоблардан олдин тузилувчи шартномаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузилишига қаратиш лозим.

5.2. Тижорат банклари билан молиявий муносабатлар

Ҳар бир Қишлоқ хўжалик корхоналари юридик шахс мақомини олиб ташкил этилгандан сўнг пул маблағларини банкда очилган ҳисоб рақамида сақлайди. Ҳисоб рақамини қайси банкда очиши ўз ихтиёрига биноан танланади ва қуйидаги ҳужжатлар тўплами тақдим этилади:

1) банк бошқарувчисининг номига ҳисоб рақами очиш учун рухсат берилишини сўраб ёзилган хат;

2) корхонанинг юридик шахс сифатида ташкил этилганлиги тўғрисидаги туман ёки шаҳар ҳоқимият қарори;

3) ҳисоб рақами очиш тўғрисида ариза;

4) корхона низомидан бир нусха (нотириал тасдиқланган ҳолда);

5) корхона раҳбари, бош ҳисобчи имзоси ва муҳр наъмунаси туширилган карточка;

6) солиқ инспекциясидан идентификация рақами тўғрисида маълумотнома;

7) статистика бўлимининг гувоҳномаси.

Ушбу ҳужжатлар тақдим этилиб банкда ҳисоб рақами очилгандан сўнг банк бошқарувчиси ва мижоз ўртасида банк хизмати тўғрисида *шартнома* тузилади ва ушбу шартнома асосида банк хизмат кўрсатади.

Мижознинг ҳисоб рақамига қуйидаги ҳолларда пул келиб тушиши мумкин:

1) тайёрлов ташкилотларидан;

2) суғурта компаниясидан;

3) банк ссудаси;

4) дивидентлар;

5) аҳолидан;

6) бошқалар.

Ҳисоб рақамидан қуйидаги ҳолларда пул чиқарилиши мумкин:

1) мол етказиб берувчиларга;

2) ишчи ва хизматчиларга иш ҳаққи ва бошқаларга;

3) турли хил солиқ ва тўловлар;

4) банк фоизи;

5) бошқаларга.

Мижоз банкга ҳар йилнинг чорагида бир марта ҳисобот топширади ва бу ҳисоботга қуйидаги ҳужжатлар илова қилади:

1) бухгалтерия баланси (1-шакл);

2) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл);

3) асосий воситаларни ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-шакл);

4) пул оқими тўғрисида ҳисобот (4-шакл);

5) хусусий капитал тўғрисида ҳисобот (5-шакл);

6) дебитор ва кредиторлар тўғрисида маълумот.

Бу ҳисоботлардан ташқар яна қуйидаги маълумотномалар ҳам илова қилинади

1) касса буюртмаси;

2) ҳисобланган ва олинган иш ҳаққи тўғрисида маълумотнома;

3) ишлаб чиқариш ҳажми ва иш ҳаққининг базавий даражаси ҳақида маълумотнома;

4) иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг қайдномаси (расшифровкаси);

5) касса режаси.

5.3. Касса операцияларини юритиш тартиби.

Қишлоқ хўжалик корхоналар ҳам бошқа юридик шахслар сингари Ўзбекистон Республика Марказий банки томонидан чиқарилган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га асосан касса операцияларини амалга оширади.

Қишлоқ хўжалик корхоналар томонидан банк муассаларидан олинган нақд пуллар қандай мақсадлар учун олинган бўлса фақат шу мақсадга сарфланади. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотларнинг нақд пул тушумидан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаш учун фойдаланиши ман этилади.

Кассадаги нақд пул қолдиғининг белгиланган лимитдан ортиқча бўлган қисмининг ҳаммаси Қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатувчи банк

муассасаси билан келишган тартибда ва муддатларда ўз ҳисоб рақамларига киритиш учун банкга топширишлари шарт.

Нақд пуллар:

- а) банк муассаларининг кундузги ва кечки кассаларига ,
- б) инкассаторларга-кейинчалик банк муассасаларига топшириш учун,
- в) ташкилотлар қошидаги бирлашган кассаларга, кейинчалик банк муассасаларига топшириш учун,
- г) алоқа муассасаларига - банк муассалари ҳисоб рақамларига ўтказиш учун топширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналар ўз кассаларида нақд пулни белгиланган лимитларидан ташқари, фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлар, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендиялар, пенсиялар бериш учун банк муассасасидан олинган кунни кўшиб ҳисоблаган ҳолда 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида (банк муассаларидан узоқ масофада жойлашган Қишлоқ хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва башқа корхоналар эса -5 иш кунигача) сақлаш ҳуқуқига эга. Ташкилотлар кассалари нақд пулларни бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс имзо чеккан *кирим касса ордери* бўйича қабул қилади.

Пул қабул қилинганлиги тўғрисида бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс ва кассир томонидан имзоланган, кассирнинг муҳри (тўртбурчак муҳри) билан тасдиқланган ёки касса аппаратининг изи (оттиски) туширилган *квитанция* берилади.

Ташкилотлар кассаларидан нақд пулларни бошқа ташкилотлар эҳтиёжлари учун бериб юбориш ман этилади. Нақд пуллар ташкилотлар кассаларидан *чиқим касса ордери* ёки тегишли равишда расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (*тўлов қайдномаси, пул бериш тўғрисида аризалар, счётлар* ва б.) бўйича бу ҳужжатларга *чиқим касса ордерининг* реквизитлари туширилган тўртбурчак муҳри босилиб берилади. Пул бериш учун расмийлаштирилган ҳужжатларга корхона раҳбари ва бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахслар имзо чекишлари шарт.

Чиқим касса ордерида илова қилинадиган ҳужжатлар, аризалар, тўловномалар ва бошқаларда корхона раҳбарининг рухсат берувчи ёзуви бўлса, чиқим касса ордерида раҳбар имзо қуйиши шарт эмас.

Алоҳида шахсга чиқим касса ордери ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжат бўйича пул берилаётган вақтда кассир пул олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади, бу ҳужжатнинг номи ва тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилганлигини ёзиб қўяди ҳамда пул олувчидан тилхат олади. Агар чиқим касса ордери ёки унинг ўрнига ўтадиган ҳужжат бир неча кишига пул бериш учун тузилган бўлса у ҳолда ҳам пул олувчилар ўз шахсларни тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатадилар ва тўлов ҳужжатларнинг тегишли устунига имзо чекадилар.

Ташкилотда пул бериш мазкур ташкилот томонидан берилган гувоҳнома бўйича унинг эгаси фотосурати ва шахсий имзоси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Пул олинганлиги тўғрисида тилхат фақат олувчи дастхати билан сиёҳ ёки шарикли ручкада сумма сўзлар билан тийин рақамлар билан кўрсатилган ҳолдагина ёзилиши мумкин. Пул тўлов қайдномаси бўйича олинаётган вақтда сумма сўзлар билан ёзилмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ва мукофотларни бериш учун белгиланган муддат тугаганда кассир қуйидаги ишларни амалга оширади:

а) иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, пенсия ва мукофотларни тўлаш амалга оширилмаган шахсларнинг фамилиялари қаршисига "Депонентга ўтказилган" деган тўрт бурчак муҳр босиш ёки қулда ёзиши шарт;

б) депонентга ўтказилган суммалар реестри тузилади;

в) тўлов қайдномасининг охирида меҳнатга ҳақ тўлаш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, пенсия ва мукофотлар учун амалда тўланган сумма билан

олинмаган ҳамда депонентга ўтказилиши лозим бўлган сумма миқдорини ёзиб қўйиш, бу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича умумий якун билан солиштириши ва ўз имзоси билан тасдиқлаши зарур. Агар пуллар кассир ўрнига бошқа шахс томонидан берилса, тўлов қайдномасида: «Пулларни тўлов қайдномаси бўйича -----(имзо) берди» деган қўшимча ёзув қайд этилади.

г) касса дафтарида амалда тўланган суммани ёзиши ва тўлов қайдномага «Чиқим касса ордери №-----» тўртбурчак муҳрини босиш лозим.

Бухгалтерияда тўлов қайдномаларидаги кассир томонидан қайд этилган ёзувлар текширилади ҳамда улар бўйича берилган ва депонентга ўтказилган суммалар ҳисоблаб чиқилади.

Депонентга ўтказилган суммалар банк муассасаларига топширилади ва топширилган суммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади. Буларни касса ордерлари бўйича қабул қилиш ва топшириш фақат улар тўзилган куни амалга оширилиши мумкин.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни олиш вақтида кассир қуйидагиларга эътиборни қаратади:

а) ҳужжатларда бош бухгалтернинг имзоси борлиги ва унинг ҳақиқийлигини, чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатда эса корхона раҳбари ёки у ваколат берган шахсларнинг рухсат берганлиги ҳақидаги имзоси мавжудлигини:

б) ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштиришини:

в) ҳужжатларда санаб ўтилган иловаларнинг мавжудлигини текшириши шарт.

Бу талабларнинг бирортасига риоя қилнмаган ҳолда кассир ҳужжатларни тегишли равишда расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар, улар асосида пул олинганлиги ёки берилганидан кейин, дарҳол кассир томонидан имзоланади, унга илова қилинган ҳужжатлар устига эса «Тўланди» деган тўртбурчак муҳр босилиб ёки шундай ёзув қайд этилиб, санаси (йил, кун ва ой) кўрсатилади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар кассага топширилгунга қадар бухгалтерия томонидан кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш дафтарида рўйхатга олинади. Иш ҳақини тўлашга доир тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномаларига расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари у берилганидан кейин рўйхатга олинади. Қишлоқ хўжалигига барча тушумлар ва нақд пуллар берилиши *касса дафтарида* ҳисобга олинади.

Ҳар бир Қишлоқ хўжалик корхоналари фақат битта касса дафтари юритади, бу дафтар варақлари рақамланган, ип ўтказилган ва унга сурғучли ёки мастикали муҳр босилган бўлиши лозим. Касса дафтаридаги варақлар сони мазкур ташкилот ёки юқори орган раҳбари ва бош бухгалтери имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтарида ёзувлар икки нусхада шарикли ручка, кимёвий қалам ёки сиёҳ билан нусха кўчирувчи қоғоз орқали қайд этилади. Варақларнинг иккинчи нусхалари йиртиб олиндига бўлиши керак, улар кассир ҳисобот бериши учун хизмат қилади. Варақларнинг биринчи нусхалари касса дафтарида қолади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил рақам билан рақамланади.

Касса дафтарида ўчириб - ёзиш ва изоҳсиз тузатишлар киритиш ман этилади. Тузатишлар корхона кассири, шунингдек, бош бухгалтери ва унинг ўрнини босадиган шахснинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтарида ёзувлар ҳар бир ордер ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжат бўйича пул берилганидан ёки пул олинганидан кейин кассир томонидан дарҳол қайд этилади. Ҳар куни иш куни охирида кассир бир кунлик операциялар якунини ҳисоблайди, кассада қолган пуллар қолдиғини кейинги кун санасига ўтказди ва бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида йиртиб олинган иккинчи варақни (касса дафтаридаги бир кунлик ёзувлар нусхасини) кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан биргаликда касса дафтарида имзо чекиб топширади.

Агар Қишлоқ хўжалик корхоналарда ҳар куни умумий суммаси 200 сўмгача бўлган операциялар бажарилса, касса ҳисобатлари 3-5 кунда бир марта тузилиши мумкин.

Касса дафтари тўғри юритилишини назорат этиш ташкилот бош бухгалтери зиммасига юкланади. Олувчининг имзоси билан тасдиқланмаган чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат билан кассада берилган пул кассада нақд пуллар қолдиғи ҳисоблашда этиборга олинмайди. Кассадаги кирим касса ордерлари билан тасдиқланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул ҳисобланади ва даромадга киритилади.

Ҳар бир ташкилот нақд пуллар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўз кассасига эга бўлиши лозим. Нақд пуллар қабул қилиш, бериш ҳамда вақтинча сақлаш учун мулжалланиб алоҳида ажратилган ва махсус жиҳозланган хона *касса* деб аталади. Ташкилот раҳбарлари кассанинг тегишли равишда жиҳозланиши ва пулларнинг касса хонасида сақланиши, шунингдек, уларни банк муассасасидан олиб, ташиш, етказиб бериш ҳамда банк муассасасига топшириш вақтида бут сақланишини таъминлашлари шарт; раҳбарларнинг айби билан пул маблағларини сақлаш ва ташиш вақтида уларни бут сақланиши учун зарур шарт шароитлар яратилмаган ҳолларда, улар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Қишлоқ хўжаликлар кассалари зарур бўлган ҳолларда суғурта ташкилотлар томонидан суғурта қилиниши мумкин. Касса хонаси алоҳида ажратилган бўлиши, эшиклари эса операцияларни амалга ошириш вақтида ичкаридан қулфланиши шарт. Касса ишига алоқодор бўлмаган шахсларнинг бу хонага кириши ман этилади. Корхонанинг касса ханаларини техник жиҳатдан мустаҳкам ва уларни қўриқлаш, ёнғиндан сақлаш, сигнализация воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Кассир ўзига топширилган ишни бошқа шахсларга топшириши ман этилади.

Бухгалтерлар ва касса ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқидан фойдаланидиган бошқа ходимлар кассирлар вазифасини бажаришлари мумкин эмас.

Касса дафтари автоматлаштирилган ҳолда юритиладиган шароитларда касса ҳужжатларига ишлов бериш дастурий воситалари ишининг тўғрилиги текширилиши зарур.

Юқори ташкилотлар идораларига қарашли барча ташкилотларда ҳужжатли тафтишлар ўтказётган вақтда мажбурий тартибда касса ҳам тафтиш қилинади ва касса интизомига риоя этилиши текширилади. Тафтиш ўтказлаётган вақтда пуллар ва бойликларнинг бут сақланишини таъминлаш масаласига этибор берилиши лозим.

Касса интизомининг бузилишида айбдор бўлган шахслар амалдаги қонунларда жавобгарликка тортиладилар.

Касса интизомига риоя этиш учун жавобгарлик ташкилот раҳбари, бош бухгалтери, молия хизмати раҳбари ҳамда кассир зиммасига юкланади.

Мазкур қоидалар мулкчилик шаклларида қатъий назар, барча ташкилотларнинг касса фаолиятига тааллуқлидир. Мижозларга касса хизматини кўрсатадиган банк муассасалари бунга кирмайди.

Республика ҳудудида мижозларга касса хизматини кўрсатадиган банк муассасасарида касса операцияларини амалга ошириш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Банк муассасалари корхоналар томонидан амалдаги касса операцияларини юритиш қоидаларига қандай риоя қилаётганлигини текширадилар.

Бюджет ҳисобидаги ташкилотларда касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига риоя этилишини текшириш тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида кассалар ва касса тармоқларининг техник жиҳатдан мустаҳкамлигини, пуллар ва бойликларни бут сақлаш учун шарт-шароитлар яратилганлигини текширадилар. Уларнинг ўғирлик содир этилишига имкон берувчи сабаблар ва шароитларининг олдини олишга доир кўрсатмалари бажарилиши шарт.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Нақд пулли ҳисоб китоблар, нақд пулсиз ҳисоб китоблар, ҳисоб рақами, муомаладаги пул массаси, пул эмиссияси, таъминотчининг ҳисоб рақами, идентификация рақами, банк ссудаси, банк фоизи, Чек дафтарчаси, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, банк кучирмаси, касса буюртмаси, касса режаси, касса дафтари, касса кирим ордери, касса чиқим ордери, депонент, тўлов ведомости, касса дафтари.

Такрорлаш учун саволлари:

1. Пул айланиши нима?
2. Нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.
3. Пул эмиссияси деганда нимани тушунаси?
4. Корхоналарни банкларда ҳисоб рақами очиш тартиби.
5. Ҳисоб рақамига пул келиб тушиш ва пул сарфланиш каналлари.
6. Банкга топшириладиган ҳисобот шакллари.
7. Нақд пулларни кассага қабул қилиш тартиби.
8. Касса дафтари расмийлаштириш тартиби.

6-боб. Пенсия жамғармаси ва бошқа нодавлат жамғармалари билан молиявий муносабатлар

Режа

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан молиявий муносабатлар.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ижтимоий суғурта тўловлари ва уларни сарфланиши.

Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг «Йўл жамғармаси»га ва бошқа нодавлат ижтимоий ташкилотларга тўловлари

6.1. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан молиявий муносабатлар.

Мавзуни мақсади: Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ижтимоий ташкилотлар: давлат бюджетидан ташқари пенсия жамғармаси, касаба уюшмалари Федерацияси, Республика йўл жамғармаси, меҳнат бандлик жамғармаси ва бошқа ижтимоий ташкилотлар билан молиявий муносабатларини ўрганиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун куйидаги вазифалар белгиланган:

- давлат бюджетидан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган тўлов турлари ва ставкалари;

- пенсия жамғармасига топшириладиган ҳисоботлар;

- пенсия жамғармасидан бериладиган пенсия ва нафақалар;

- касаба уюшмаси Федерацияси Кенгашига тўланадиган тўловлар ва бу жамғарманинг ишлатилиши;

- «Республика йўл жамғармаси»га тўловлар ва унинг аҳамияти;

- меҳнат бандлик жамғармасига, мактабни ривожлантириш жамғармасига тўловлар ва улардан фойдаланиш.

Пенсия жамғармаси ёки ижтимоий таъминот кенг маънода молиянинг ташкилий бир қисми бўлиб, давлат томонидан жамиятнинг меҳнатга қобилтасиз

аъзоларини моддий таъминлаш мақсадида маблағларни тақсимлаш учун иқтисодий механизм сифатида фойдаланилади.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

-фуқораларнинг ижтимоий таъминотга ва ижтимоий суғуртага давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларини амалга ошириш;

-бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадаллар ва ажратмаларни йиғиш ва жамлаш;

-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бадалларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назоратни таъминлаш;

-«Фуқораларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ пенсияларнинг ўз вақтида тўпланишига, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тўлаш ва харажатларни маблағ билан таъминлаш;

-бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш устидан назорат этиш;

-бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадини амалга ошириш.

Республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча Қишлоқ хўжалик корхоналари Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига қуйидаги тўловларни тўлаб боради:

-меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мажбурий суғурта бадаллари;

-фуқораларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари;

-сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳақиқий ҳажми қийматидан мажбурий ажратмалар;

-суғурта бадаллари ва ажратмаларни ўз вақтида тўламаганлик учун солинган жарималар ва пенялар суммаси, тўлаш муддати ўтган кундан кейин ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг белгиланган фоизи миқдоридан;

-муддатидан олдин пенсия тайинлаш билан боғлиқ қопланадиган маблағлар, шунингдек «Фуқораларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ регрес талаблар бўйича иш берувчилар ва фуқоралардан ундириладиган маблағлар;

-ихтиёрий бадаллар.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фондига маблағ тўплаш ва маблағ тўлиқ тушиши устидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси ҳудудий бўлимлари томонидан назорат олиб борилади.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг сарфланиши:

А. Ижтимоий суғурта бўйича бериладиган нафақалар;

а) вақтинча меҳнатга қобилсизлик бўйича;

б) ҳомиладорлик ва туғиш бўйича;

в) бола туғилганда;

г) дафн маросими учун.

Умумий қоидага кўра нафақа, агар уни олиш ҳуқуқи иш вақтида пайдо бўлса синов даври ҳамда бўшатиш кунни ҳам қўшиб берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланганда, бола туғилганда, ишдан олдин ёки ишдан бўшагандан сўнг вафот

этганда, бу агар низомда бошқа қоида кўзда тутилмаган бўлса нафақа берилмайди. Агар меҳнат қобилияти тикланган, ногиронлик белгиланган, хомиладорлик ва туғиш таътили тугаган, бола туғилган ёки вафот этган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилинган бўлса нафақа тайинланади. Бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси унга мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

1. Меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда;
2. Санаторий, курортда даволанганда;
3. Оила аъзоси касалланганда уни парваришlash зарур бўлган ҳолларда;
4. Карантинда ;
5. Сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда.

Ушбу нафақани тайинлашда белгиланган тартибда берилган меҳнатга қобилиятсизлик (касаллик) варақаси асос бўлади. Нафақа меҳнат қобилияти йўқолган биринчи кундан то у тиклангунга қадар ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан ногиронлик белгилангунга қадар, хатто бу даврда ходим ишдан бўшатилган бўлса ҳам берилади.

Қуйидаги ҳолларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилмайди:

- 1) ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган, ёхуд ўзини касалликка солган ходимларга. Уларга илгари тўланган нафақа пуллари суд тартибида ундириб олинади;
- 2) мастлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида шунингдек алкогольни истеъмол қилиш оқибатида белгиланган касалликлар ёки жароҳатлар туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизликда;
- 3) жиноят содир қилиш вақтида олинган жароҳатлар оқибатида бошланган ходимларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлигида;
- 4) суд қарори билан мажбурий даволаш вақти учун, (руҳий касалликлардан ташқари);
- 5) ҳибсда бўлган давр учун ва суд тиббиёт экспертиза вақти учун.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда ҳисобланади:

А. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил, онкологик касалликлар, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, ОИТС, мохов, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўланишининг давомийлигига (умумий иш стажига) боғлиқ ҳолда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажига 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга – иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажига 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажига 5 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида;

Б. Ходимларнинг қолган тоифаларига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда ҳисобланади:

а) умумий иш стажига 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга, шунингдек 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга– иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажига 8 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида;

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақаҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ишловчи аёлларга жами 126 календар кун учун берилади. Туғиш қийин кечган ёки икки ёхуд ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда нафақа 140 календар кун учун берилади. Белгиланган тартибда берилган касаллик варақаси ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тайинлаш учун асос бўлади. Касаллик варақаси йўқотиб қўйилганда унинг дубликати бўйича нафақа берилади. Ҳомиладорлик нафақаси иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида ҳисобланади, ходимнинг иш стажидан қатъий назар.

Бола туғилганда бериладиган нафақа. Ишлаётган аёлларга шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ёки ўрта махсус ўқув юртларида, аспирантура, клиник ординатурада ёки касб-ҳунар коллежларида, кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва тайёрлаш курсларида ва мактабларда таҳсил олаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ойлик минимал иш ҳақининг икки баробари миқдорида берилади. Боланинг онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган ҳолларда нафақа боланинг ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган ёхуд ота-она ўрнини босувчи шахсларга иш ҳаққи ёки стипендиянинг миқдоридан қатъий назар тўланади.

Дафн қилиш учун нафақа. Дафн қилиш учун нафақа ходим вафот этганда ёки ходимнинг қарамоғида бўлган қуйдаги оила аъзолари вафот этганда берилади:

-турмуш ўртоғи ;

-18 ёшга тўлмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қабий назар) болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари;

-ота-онаси;

-бобоси ва бувиси.

Яшаш учун мустақил маблағ манбайига эга бўлган оила аъзолари қарамоғида турган ҳисобланмайди. Ходим вафот этганда дафн қилиш учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафнни ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга берилади. Дафн қилиш учун нафақа энг кам иш ҳақининг учламчи миқдорида берилади.

Ташкилотлар суғурта қилувчи сифатида ўзлари рўйхатдан ўтган давлат солиқ инспекцияси билан ижтимоий суғурта бадаллари бўйича ҳисоб китоблар ҳисобини олиб боришлари лозим.

Ташкилотлар ҳар чорақда ҳисоблаб қўшилган бадаллар суммасини ва бошқа тушимларни, шунингдек пенсия ва нафақага сарфланган суммаларни кўрсатган ҳолда бюджетдан ташқари пенсия фонди маблағлари бўйича икки нусхада ҳисоб-китоб қайдномасини тузадилар.

Ҳисоб-китоб қайдномаларининг барча нусхалари ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади.

Қайднома яъни ҳисобот ҳар чорақда чорақдан кейин келувчи 15-кунгача бадал тўловчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ инспекцияси вакилига тақдим этилади. Ҳисоботнинг иккинчи нусхаси тўловчининг бухгалтериясида қолади.

6.2.Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига ижтимоий суғурта тўловлари ва уларни сарфланиши

Мулк ва хўжалик юритишдан қатий назар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек шартномалар бўйича фуқароларни ёлловчи шахслар, юридик шахсга айланмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган шахслар амалдаги қонунчилик асосларида қуйидаги суғурта бадалларини тўлашлари шарт:

- меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан белгаланган фоиз миқдоридида мажбурий суғурта бадали;
- ташкилотларни мансабдор шахсларига солинган жарималар ва бадаллар;
- белгиланган муддатда тўланмаган ҳолларда ҳисобланган пенялар суммалари;
- ходимларга дам олиш ва даволаниш учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобга олинган йўлланмаларнинг ходимлардан олинган қисми.

Ижтимоий суғурта бадаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида тўланади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ажратилаётган суғурта бадалларининг миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш умумий суммасига нисбатан фоизларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Шартномалар бўйича фуқароларни ёлловчи шахслар, шу жумладан юридик шахсга айланмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, Қишлоқ ёки деҳқон хўжалигида шуғулланувчи шахслар умумий белгиланган тартибда суғурта бадалларини касаба уюшма органларига тўлайдилар.

Юқорида тақидланган барча ташкилотлар ва шахслар солиқ органларида рўйхатда ўтиш билан бир вақтда суғуртачилар сифатида касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, вилоят Марказий Қўмиталарида, улар бўлмаган жойларда эса касаба уюшмалари кенгашларида рўйхатдан ўтишлари шарт. Суғуртачи касаба уюшмаси органларига рўйхатдан ўтиши учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этишлари лозим. Ҳар бир суғуртачига рўйхатдан ўтгандан сўнг рўйхатга олинганлик номери берилади ва суғурта бадалларини тўлаш муддатлари тўғрисида ёзма хабарнома топширилади. Қайтадан ташкил топган бадал тўловчилар ўзлари ташкил топган кунларидан бошлаб ўн кунлик муддатда рўйхатдан ўтишлари шарт.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ижтимоий суғурта жорий қилинадиган ишловчиларнинг барча тоифаларини меҳнатга ҳақ тўлаш фондига белгиланган тарифидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Суғурта бадаллари ушланадиган солиқларни ҳисобга олмасдан, молиялаштириш манбаларидан қатъий назар амалдаги қонунчиликка мувофиқ низомлар, уставлар, қарорлар билан аниқланадиган барча турдаги даромадга ҳисобланади.

Суғурта бадаллари қуйидаги тўлов турларига ҳисобланмайди:

1. Фойдаланилмаган таътил компенсациясига;
2. Ишдан бўшаётган чоғда бериладиган нафақага;
3. Моддий ёрдам сифатида бериладиган ҳар хил турдаги пул нафақаларига;
4. Компенсация тўловларига;
5. Бази тоифадаги ходимларга бепул бериладиган уй-жой, коммунал хизматлар, иссиқлик, йўл чипталарининг қийматлари ёки уларни қоплаш қийматларига;
6. Берилган махсус кийим бош, оёқ кийими ва бошқа якка ҳимоя воситалари, совун, ёғсизлантирувчи воситалар, сут ва даволаш профилактика овқатларини қийматларига;
7. Бепул овқат қийматларига;
8. Тушлик учун берилган дотациялар, ташкилот ва ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг қийматлари, стационар ва амбулатория даволаш тўловларига;

9.Йўлда юриш, бошқа жойда ишга ўтилиши ёки ўтиб кетиш чоғида хоналарни ижарага олиш ва юкларни ташиш харажатларини қоплашларга;

10. Доимий иш йўлда тугайдиган ёки бориб келиш харажатларига эга бўлган ёки хизмат кўрсатиладиган участкалар доирасида хизмат сафарлари билан боғлиқ бўладиган ҳолларда суткаликлар ўрнига иш ҳақига қўшиб бериладиган устама ҳақлар ва қўшимча тўловларга;

11. Меҳнатга ҳақ тўланмайдиган иш кунлари учун тегишли бюджетга ёки хайрия фондларига ўтказиладиган иш ҳақларига;

12. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан амалга ошириладиган юбилей кунлари, туғилган кунлар, кўп йиллик ва нуқсонсиз меҳнат фаолияти, фаол ишлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳоллар муносабати билан бериладиган тақдирлов тўловларига;

13. Мусобақалар, кўриклар, конкурслар ва бошқалардаги мукофотли ўринлар учун бериладиган пул мукофотларига;

14. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган ўқувчиларга корхоналар ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендияларга;

15. Олий ёки ўрта махсус билим юртини тугатгандан кейинги таътил вақти учун мутахасисларга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳисобидан тўланадиган нафақаларга;

16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий нафақалар ва пенсияларга.

Суғуртачилар ҳисобланган суғурта бадалларини тегишли суммаларини банк муассасаларидаги ўзларини жорий счётлари рўйхатга олинган жойдаги касаба уюшмалари органларининг счётларига нақдсиз ҳисоб китоб ўтказиш йўли билан тўлайдилар. Ҳисобланган суғурта бадаллари ҳеч қандай чиқариб ташлашларсиз, тўлиқ ҳажмда ўтказилади. Суғуртачилар банк муассасаларига тегишли давр учун иш ҳақи пул талаб қилиш билан бир вақтда, бадалларни ва бошқа ажратмаларни ўтказиш тўғрисида *тўлов топшириқномасини* тақдим этадилар.

Бюджетдан молиялаштирилладиган ташкилотлар бадалларини ойнанинг иккинчи ярими учун иш ҳақи тўлашга белгиланган муддатда ойнага бир марта тўлашлари лозим. Қолган ташкилотлар мулк шаклидан қатъий назар бадалларни ойнанинг биринчи ва иккинчи ярими учун иш ҳақини тўлашга белгиланган муддатларда тўлашлари лозим. Ташкилотлар ойнанинг иккинчи ярми учун иш ҳақи суммаларини талаб қилиш чоғида банк муассасасига бутун тугаган давр учун аниқлаштирилган ҳисоб-китоб бўйича бадалларни ўтказиш тўғрисида *тўлов топшириқномасини* тақдим этадилар. Бадаллар бўйича қарздорлик бўлмаган чоғда суғуртачиларга пул олиш чекини орқа томонига кредит тақсимловчиларнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган *«ижтимоий суғурта бадаллари бўйича қарз йўқ»* деб ёзилган белги кўйилади.

Ходимларига иш ҳақини банк муассасалари орқали тўлашга ўтган ташкилотлар ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ва бошқа тўловларни иш ҳақини банк муассасасига ўтказиш кунда тўлайдилар.

Суғуртачилар банк муассасасига бадалларни ўтказилганлиги тўғрисида тақдим этадиган тўлов топшириқномаларини суғуртачини жорий счётида маблағлар мавжудлигидан қатъий назар ҳисобланадиган суммаларда тўлиқ ёзишлари шарт.

Бадаллар бўйича тўлов топшириқномалари банклар томонидан умумий белгиланган тартибда бажарилади. Бадалларни ўтказиш бўйича тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тўлов топшириқномалари банк муассасасида қолади ва суғуртачини ҳисоб китоб ёки жорий счётига навбатдаги маблағлар тушиши биланоқ улар томонидан бажарилади.

Ташкилот тугатилаётган чоғда суғуртачи ўзини суғуртачи сифатида рўйхатдан ўтган жойнинг касаба уюшмасига ҳисобдан чиқариш тўғрисида билдириши шарт. Суғурта тўловларини тўғри ва ўз вақтида тушиши учун жавобгарлик, белгиланган тартибда тузиладиган тугатиш комиссиясига юклатилади.

Тугатилаётган ташкилот ҳисобланган тўловларни тўлаш муддати келмаган ҳолларда тугатиш комиссияси бу суммани тугатилаётган ташкилотни қабул қилувчи балансига киритиши шарт ва буни *далолатнома* билан расмийлаштириб қўяди. Далолатномада тугатилаётган ташкилотни қабул қилувчи, ҳисобланадиган сумма ва бу тўловлар тўланиши лозим бўлган сана кўрсатилади.

Тугатиш комиссияси ва қабул қилувчи томонидан имзоланган далолатноманинг нусхалари тугатилаётган ташкилот ва қабул қилувчи рўйхатдан ўтган жойнинг касаба уюшма органига тақдим этилади. Агар тугатиладиган ташкилотга ҳисобланадиган тўлов суммаси далолатномада кўрсатилган суммадан ортиқ бўлса, у ҳолда қабул қилувчи ҳисобланадиган суммани тўлиқ киритиши ва бир вақтнинг ўзида тугатиш комиссиясидан олинган балансга тузатиш киритиши лозим.

Қишлоқ хўжалиklarини ўзгартириш чоғида касаба уюшмалари органларига шу Қишлоқ хўжалиги тўловлари, шу жумладан кечиктирилган тўловлари ва тўлов муддати етган жорий йилнинг бадаллари бўйича боқимандаликлари Қишлоқ хўжалиги фаолиятини тугатиши бўйича тегишли комиссияга Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзгартирилган ва шундан бошлаб беш кунлик муддатдан кечикмасдан тақдим этилади. Комиссия бадалларни тўлаш бўйича мажбуриятни юклаш тўғрисидаги масалани ечиши шарт.

Ижтимоий суғурта маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ тушиши устидан назорат қилишни касаба уюшмаси органлари солиқ органлари билан биргаликда амалга оширадilar. Бадал тўловчи томонидан бадаллар ҳисобланмаган иш ҳақи суммасини текширишда тўланмаган бадаллар маълум бўлиб қолганда *текшириш далолатномаси* бўйича бу бадаллар қўшиб ҳисобланади. Бунда тўловчи бу бадалларни тўлаши шарт бўлган кундан бошлаб ўтган бутун давр учун пенялар ҳисобланади. Текшириш тугагандан кейин уч нусхада далолатнома тузилади, улардан бир нусхаси маъмуриятга, иккинчиси бадал тўловчи ҳисобда турадиган касаба уюшмаси органига, учинчи нусха эса назорат учун касаба Қўмитасига берилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоятлари ва таклифлари тегишли касаба уюшма органи томонидан ўн кунлик муддатда кўриб чиқилади.

6.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг «Йўл жамғармаси»га ва бошқа ижтимоий ташкилотларга тўловлари

Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил йўллар тўғрисида»ги қонуни 1993 йилда тасдиқланди. Ушбу қонунга биноан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги 334-сонли «Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда «Йўл жамғармаси»га маблағ йиғиш тартиби, маблағ тўловчилар ва йиғувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Бугунги кунда «Республика йўл жамғармаси» ўз тизимидаги вилоят, туман йўл жамғармаси бошқармалари билан биргаликда «Йўл жамғармаси»га маблағ йиғиш ва бажарилган йўл қурилиш ишларини молиялаштириш билан шуғулланиб келмоқда.

«Йўл жамғармаси»га маблағ ажратиш миқдори Вазирлар Маҳкамисининг 1996 йил 30 декабр 466-сонли, 1997 йил 5 декабр 540 сонли, ҳамда 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарорлари билан қайта кўриб чиқилган. Шунга мувофиқ қурилиш ташкилотлари, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат

кўрсатиш корхоналари, Қишлоқ хўжалик корхоналари, хусусий корхоналар, тижорат банклари ва уларнинг бўлимлари кўрсатилган хизматлар бажарилаган ишлар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми қийматининг 1993-1996 йилларда –1%, 1997 йил 1,2%, 1998-1999 йилларда 1,4%, ва 2000 йил 1 январдан бошлаб 1,5% миқдорида «Йўл жамғармаси»га маблағ ажратилиши белгиланган. Бундан ташқари автотранспортга эга бўлган барча корхоналар ва ташкилотларнинг автомобил транспорти ва автотранспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича олган даромадларининг 1998-1999 йилларда 2 фоизи миқдорида ажратиш белгиланган бўлса, 2000 йил 1 январидан бошлаб 2,5 фоиз ажратилади. 2000 йил 1 январидан бошлаб енгил автомашиналарни сотиб олишда унинг қийматидан 6 фоизи ва юк машиналари сотиб олишда эса қийматининг 20 фоизи миқдорида «Йўл жамғармаси»га маблағ тўланиши белгиланган. «Йўл жамғармаси»га маблағларни тўғри ҳисоблаш ва уларнинг ўз вақтида тўланиши учун ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчи маъсулдорлар. Шу билан бирга уларга тўланган маблағлар ҳисобини олиб бориш, маблағ йиғиш билан шуғулланувчи инспекторларга маблағни ҳисоблаш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этиш ва банк реквизитларини аниқ маълум қилиш маъсулиятлари юклатилади.

«Йўл жамғармаси»га ажратмаларни белгиланган муддатларда тўлашдан бош тортилган ҳолларда бу маблағларни автомобил йўллари ҳудудий давлат акциядорлик бирлашмалари ёки туман автомобил йўллари бошқармалари ва туман «Йўл жамғармаси» бўлимлари томонидан шак-шубҳасиз ундириб олинади. Муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг белгиланган фоиз миқдорида жарима ундирилади. «Йўл жамғармаси»га маблағларни ҳисоблаш, тўлаш корхона ва ташкилотларнинг молия хўжалик фаолияти натижаларидан қатъий назар амалга оширилади. Республика ҳукумати томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, янги фаолият кўрсата бошлаган хусусий корхоналар, фирмалар, Қишлоқ хўжалик корхоналарига маълум муддатгача берилган имтиёзлар моҳиятини тўғри тушиниш керак. «Йўл жамғармаси» Давлат бюджетидан ташқари жамғарма бўлиб, уни шакллантириш учун тўланадиган ажратмалар солиқлар туркумига кирмайди ва шу сабабли барча солиқлардан озод этиш тўғрисида имтиёзлар ушбу жамғарма учун тарқатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қуйидаги корхоналар ва хўжалик ташкилотлари «Йўл жамғармасига» маблағ ажратишдан озод қилинади:

- давлат бюджетда бўлган ташкилотлар ва муассасалар;
- тамоша корхоналари;
- санаториялар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;
- умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш, тузатиш, қайта қуриш ва сақлашни амалга оширувчи йўл хўжалиги ташкилотлари;
- уй жойлардан фойдаланиш идоралари ва уй бошқармалари;
- Марказий банк муассасалари;
- давлат суғурта органлари;
- маҳаллий бошқарув органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ва Ички ишлар Вазирлигининг корхоналари ва ташкилотлари (уларга буйсинувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан ташқари).

Бундан ташқари сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан олинандиган йиғимлардан қуйидагилар озод қилинади:

-мотоколяскалар ва автомобилларга эга бўлган ҳамда уларнинг сотиб олувчи барча гуруҳларига тегишли ногиронлар, транспорт воситалари орқали йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар (таксидан ташқари);

-умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш, қайта қуриш, тузатиш ва сақлашни амалга оширувчи корхоналар;

-40 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган автосамосвалларни сотиб олувчи корхоналар.

Тижорат банклари эса «Йўл жамғармаси»га маблағ йиғишда қонунда белгиланган тартибда ўз амалий ёрдамини беради. Агар қарздор ҳисобида маблағ бўлмаса белгиланган тартибда каротекага кўйади ва бу ҳақда «Йўл жамғармаси» бўлимидини хабардор этади. «Йўл жамғармаси»га маблағларни тўғри ҳисоблаш ва тўлашни назорат қилиш мақсадида барча корхона ва ташкилотлар ўзлари фаолият кўрсатаётган ҳудуддаги йўл жамғармаси бўлимига ҳар чорак якуни билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган 544 - ҳисобат шаклини топширади. Ушбу ҳисобат йўл жамғармаси ва тўловчи ўртасидаги ҳисоб-китоб аниқ бўлишига амалий ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалик корхоналар ҳозирги кунда «Йўл жамғармаси»дан ташқари яна «Мақтабларни ривожлантириш» жамғармасиги сотилган маҳсулот қийматидан 1 фоиз, «Меҳнат бандлик жамғармасига» иш ҳақи фондидан 0,3 фоиз миқдорда мажбурий тўлов тўлашлари ҳам белгиланган.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Давлат бюджетидан ташқари пенсия жамғармаси; вақтинча меҳнатга қобилитсизлик нафақаси; ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа; бола туғилганда бериладиган нафақа; дафн маросими учун нафақа; касаба уюшмаларига тўловлар; «Йўл жамғармаси»га тўловлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг вазифалари.
2. Ижтимоий суғуртадан бериладиган нафақа турлари.
3. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг тўловлари.
4. Пенсия жамғармасига ҳисобатлар топшириш тартиби.
5. Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясига тўланадиган тўловлар.
6. «Йўл жамғармаси»га тўланадиган тўловлар ва ҳисобатлар топшириш».
7. «Мақтабларни ривожлантириш жамғармаси»га тўланадиган тўловлар ва ҳисобатлар топшириш.
8. «Меҳнат бандлик жамғармаси»га тўланадиган тўловлар ва ҳисобатлар топшириш.

7-боб. Асосий воситалар ва айланма маблағларни молиялаштириш

Режа

7.1. Асосий восита ва уларни молиялаш манбалари.

7.2. Айланма маблағлар ва уларни молиялаш манбалари.

7.1. Асосий восита ва уларни молиялаш манбалари

Мавзуни мақсади. Асосий воситалар ва айланма маблағларни иқтисодий тарифлаш ва уларни ташкил этишдаги молиявий манбаларни ўрганишдир. Шу мақсадда олдинга қўйилган *вазифалар*:

асосий фонд (восита)ларни иқтисодий аҳамияти;

асосий фондларни молиялаштириш манбалари;

айланма маблағларни иқтисодий моҳияти;

айланма маблағларни молиялаштириш манбаларини кўриб чиқишдан иборатдир.

Ижтимоий жамиятда ишлаб чиқариш воситалари икки гуруҳга бўлиб ҳисобга олинади:

а) меҳнат воситалари;

б) меҳнат қуроллари.

Меҳнат воситалари қиймат ҳолида асосий фондлар ёки натурал шаклида асосий воситалар деб юритилади. Меҳнат қуроллари эса айланма маблағлар дейилади. Баъзи асосий воситалар қиймат шаклида айланма маблағлар таркибида ҳисобга олинади. Масалан, паррандалар, қуёнлар, асалари уялари ва шу кабилар шулар жумласидандир. Кўп йиллик мевали дарахтларнинг кўчат материаллари меҳнат қуроллари дидир, бироқ, буларга қилинган харажатлар капитал қўйилмалар ҳисобидан сарфланганлиги учун, айланма маблағлар таркибига киритилмайди.

Асосий воситалар деб ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат қатнашадиган, ўзининг қийматини маҳсулот таннархига амортизация суммаси ҳисоблаш орқали ўтказадиган ва натурал ҳолатини сақлаб қоладиган воситаларга айтилади. Барча иқтисодий – молиявий кўрсаткичларни ҳисоблашда энг аввало асосий воситаларнинг туркумларга ажратилиши ва уларнинг тўғри ҳисобга олиниши муҳим бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг туркуми. Асосий воситалар энг аввало:

1) ишлаб чиқариш асосий воситалари;

2) ноишлаб чиқариш асосий воситаларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари ўз навбатида яна икки гуруҳга бўлинади:

а) қишлоқ хўжалик асосий воситалари;

б) қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган ишлаб чиқариш асосий воситалари.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши, тайинланишига қараб, *қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воситалари* қуйидагилардан иборат:

-*иморатлар* – маҳсулот, техника ва чорва молларини сақлашга мўлжалланган иморатлар (омборлар, машина-тракторларни сақлашга мўлжалланган иморатлар ва бостирмалар, молхоналар ва ш.к.);

-*иншоотлар* – сув тақсимловчи ва оқизувчи иншоотлар, қуритиш-навларга ажратиш жиҳозлари, иссиқхоналар, ем-хашак сақлаш хандақлари, қудуқлар, ички хўжалик йўллари, сув сақлаш миноралари ва ш.к;

-*куч узатиш қурилмалари* – сув, электр энергия, газ кабиларни бир жойдан иккинчи жойга узатиб берувчи қурилмалар (сув, газ қувурлари, электр тармоқлари) ва бошқалар;

-*машина ва ускуналар* – а) куч узатиш машиналари, б) ишчи машиналар, в) турли хил ускуналар. Куч узатиш машиналарига асосан ғилдиракли ва ўрмаловчи тракторлар киритилади. Ишчи машиналар асосан, қишлоқ хўжалик машиналари, яъни плуг, чизел,

мола, борона, сеялка ва ҳ.к. Ускуналар таркибида турли хил ўлчов ва ростловчи лаборатория асбоблари ҳисобга олинади.

-*транспорт воситалари* – юк автомобиллари, автобуслар, от аравалардан иборат.

-*иш хайвонлари* – тирик жонли тортувчи кучлар: от, хўкиз, қўтос ва бошқалар;

-*маҳсулдор моллар* – асосан катта ёшдаги йирик шохли моллар, яъни маҳсулот берадиган моллар;

-*ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган капитал сарфлар* – ерларни текислаш, туқайзорларни ўзлаштириш ва бошқа ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган маблағлар;

-*бошқа асосий воситалар* – хизмат муддати бир йилдан юқори бўлган турли хил қўл меҳнатига мўлжалланган машиналарга тиркаладиган жиҳозлар ҳисобга олинади.

Юқоридаги қишлоқ хўжалик асосий ишлаб чиқариш воситалари, шунингдек:

а) ўсимликчилик;

б) чорвачилик;

в) умумхўжалик аҳамиятидаги асосий воситаларга ҳам ажратилади.

Қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган асосий ишлаб чиқариш воситалари асосан қишлоқ хўжалигига ёрдамчи тармоқ бўлган қурилиш, савдо ва умумовқатланиш, тайёрлов ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларнинг асосий воситаларидан иборат.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари корхона ишчи ва аҳолисини яшаш шароитини таъминлашга қаратилган уй-жой, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш, спорт ва жисмоний тарбия, маориф, илм-фан ва бошқа соҳаларнинг асосий воситаларидан таркиб топади. Масалан, уй-жой, клуб, сарторошхона, ҳаммом, пайафзал таъмирлаш устахонаси, шифохона, дорихона, спорт майдончалари, спорт жиҳозлари, биолобораториялар ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилган асосий воситаларни туркумига шароитга қараб, хўжаликнинг иш юритиш фаолиятига қараб ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қисман ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Асосий воситаларни баҳолаш турлари. Асосий воситалар турлича баҳоланади:

1) *бошланғич тўла қиймати бўйича* – бунда, сотиб олинган ёки янгидан қурилган асосий воситаларнинг дастлабки баҳосига ўрнатиш харажатлари қўшиб баҳоланади;

2) *қолдиқ баҳоси* – бу баҳолашда бошланғич тўла қийматидан фойдаланилган давр мобайнидаги эскириш суммаси айрилиб, капитал тамирлаш харажатлари қўшиб аниқланади;

3) *қайта тиклаш баҳоси* бўйича асосий воситаларни баҳолашда, сўнгги даврдаги баҳо ўзгаришлари ҳисобга олиниб, қайтадан баҳоланади.

4) *эскириш суммасини ҳисобдан чиқарган ҳолда қайта баҳолаш* усулида асосий воситаларнинг қайта тиклаш баҳосидан эскириш суммаси чегириб ташланади. Бу усулда баҳолаш корxonанинг фойдаланаётган техника ёки иморатларини ижарага бераётган вақтда ёки бошқа корхонага сотаётган вақтда муҳим аҳамиятга эга.

Асосий воситаларни ташкил этишга корхоналарнинг каттагина маблағи сарфланади, шу сабабли улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Асосий воситалардан ёки асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

1) асосий фондлар билан таъминланиш даражаси;

2) асосий фондлар билан қуролланиш даражаси;

3) фонд қайтими;

4) фонд сиғими.

Асосий фондлар билан таъминланиш даражасини ҳисоблашда қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларига (одатда 1 ноябрга бўлган майдон олинади) бўлиниб натижа 100 га кўпайтирилади.

Асосий фондлар билан қуролланиш даражасини аниқлашда эса қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати ўртача йиллик ишчилар сонига бўлинади.

Фонд қайтимини ҳисоблаш учун қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қийматини (таққослаш баҳосида) қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига бўлиш керак.

Фонд сизими фонд қайтимининг акси бўлиб, бунда қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати ялпи маҳсулот қийматига бўлинади ёки бир сўмлик ялпи маҳсулот қийматига неча сўмлик асосий фонд тўғри келишлиги аниқланади.

Корхоналарга ушбу меъёрдан 2 марта кўп амортизация ажратмаси ҳисоблашга рухсат берилади (маънавий эскирган техникаларни унумли фойдаланиб ҳисобдан чиқариш мақсадида).

Қуйидаги асосий фондларга амортизация суммаси ҳисобланмайди:

- маҳсулдор молларга;
- кутубхона фондига;
- вазирлар маҳкамасининг қарорига асосан узоқ муддат ишлатилмасдан сақлашга кўйилган асосий фондларга;
- тўлиқ амортизация ҳисоблаб бўлинган асосий фондларга.

Асосий фондларни ташкил этиш учун умумий тарзда олиб қаралганда бир қанча молиявий манбалари мавжуд, жумладан:

- амортизация фонди ташкил этиш;
- фойдадан ажратма;
- дивидентлар;
- юқори ташкилот ёки ҳомий корхоналарнинг беғараз ёрдами;
- ижтимоий жамғарма ёки банк кредитлари;
- бошқа манбалар.

Асосий фондларни сотиб олиш ёки қайта тиклаш учун корхона ихтиёрида қолган соф фойдадан ҳам маблағ ажратилади. Бунда соф фойданинг 30 фоизигача бўлган қисми устав фондга ажратилади ва хўжаликнинг умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланади.

Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш натижасида олинган дивидентларнинг ҳам бир қисми умумий йиғилиш қарорига асосан асосий фондларни ташкил этишга сарфланади.

Ижтимоий ташкилотлар ёки банкнинг узоқ муддатли кредитлари тўғрисида кейинги бобларда алоҳида тўхталиб ўтилади.

Аграр соҳада фаолият юритаётган Қишлоқ хўжалик корхоналари учун асосий фондларни молиялаштириш манбаларини энг умумий тарзда қисқача қилиб қуйидаги шаклларда ифодалаш мумкин:

- Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ўз маблағлари;
- қарзга олинган маблағлар;
- бюджет маблағлари;
- ҳомийлик ёрдамлари;
- халқаро фондларнинг маблағлари;
- халқаро кредит линиялари томонидан ажратилаётган маблағлар; - бошқа маблағлар.

Демак, бозор иқтисодиёти шароитида Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг фаолияти, кўпчилик тасаввур этганидек, бир ёки икки молиявий манба ҳисобидан эмас, балки бир неча молиявий манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин экан. Бундай далилнинг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида фикрлар билдирилаётган пайтда биринчи навбатда инобатга олиниши керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз маблағлари, умумий тарзда, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- а) тушум;
- б) амортизация ажратмалари;
- в) фойда;
- г) қатъий пасивларнинг ўсган қисми;
- д) бошқа ўз маблағлари.

Ўз навбатида, шу хўжаликларнинг қарз маблағлари ёки қарзга олинган маблағларининг таркиби, умумий кўринишда, қўйидагилардан иборат бўлади:

- а) тижорат банкларидан олинган кредитлар;
- б) қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан олинган маблағлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини молиялаштириш манбаларини ташкил этиш жойларига қараб шартли равишда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Қишлоқ хўжаликларининг ўз маблағлари ёки ички маблағлар;
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан қарзга олинган ёки ташқи маблағлар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш манбаларининг барчасини юқоридаги шарт асосида ана шу икки гуруҳга киритишимиз мумкин. Шунга мос равишда, бизнинг фикримизча, Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳам шу икки гуруҳга кирувчи молиявий манбалар доирасида амалга оширилмоғи лозим.

Бундай шароитда қўйидаги саволларнинг туғилиши табиийдир. Қишлоқ хўжаликлари фаолиятини қайси молиявий манбалар ҳисобидан молиялаштириш мақсадга мувофиқ? Молиялаштиришнинг қайси манбаларидан фойдаланилганда энг юқори самарага эришиш мумкин?

Мамлакатимиз амалиётидаги реал вазиятни юқоридаги саволлар нуқтаи-назаридан таҳлил қилар эканмиз, Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маълум бир қисми ўзларининг фаолиятини фақат ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини афзал кўришлари маълум бўлади. Тегишли жараёнларнинг фақат ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши, албатта, маълум афзалликларга эга. Ҳеч бўлмаганда, бундай шароитда хўжаликларнинг иқтисодий мустақиллиги нисбатан юқори даражада бўлиб, улар эркин ҳаракат қилиш имконига эга бўладилар, уларнинг ўзгаларга боғлиқлиги эса, аксинча, паст даражада бўлади. Фаолиятни молиялаштиришнинг бундай усули хўжалик раҳбари ва Қишлоқ томонидан бозор иқтисодиётининг ўзига хос бўлган қонунлари ва тамойиллари тўғри ва тўлиқ идрок этилган ҳоллардагина ўзининг маълум даражадаги афзаллигини намоён этади. Акс ҳолда фаолиятни молиялаштиришнинг бу усули маблағлардан фойдаланиш даражаси пасайишига, хотиржамликка берилиш ҳолларининг содир этилишига ва ҳ.к.ларга олиб келиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бошқа бир қисми ўз фаолиятларини юритишда қарзга олинган маблағлардан фойдаланишни афзал кўрадилар. Тегишли жараёнларни молиялаштиришнинг қарз маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши ҳам маълум афзалликларга эга.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджет маблағлари ҳам иштирок этади. Бу, ўз навбатида, пахта, буғдой ва гуруч каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат бюртмасининг мавжудлиги билан белгиланади. Давлат бюртмасининг мавжудлиги Қишлоқ хўжалик корхоналарининг олдида бозорда истеъмолчини излаш ва маҳсулотларни сотиш муаммоси минимал даражада бўлишини таъминлайди ҳамда тўловларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Шу билан биргаликда юқорида номлари келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси исталганича юқори даражада бўлмаслиги ва асосли ҳамда асоссиз харажатлар ёрдамида шакилланаётган таннархнинг ҳам исталганча юқори бўлиши мумкин эмаслиги кафолатланади. Бу ерда ана шу маҳсулотларнинг мувозанат баҳонинг даражасидан ошмаслиги лозим. Таҳлиллар давлат бюртмаси мавжуд бўлган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи харажатларнинг асоссиз равишда орттирилиши натижасида жаҳон бозоридаги мувозанат баҳо даражасидан ҳам анчагина ошганлигини кўрсатмоқда. Табиийки,

бундай шароитда бу маҳсулотларни жаҳон бозоридаги мувозанат баҳодан ортик даражада сотиб олиш ва уни сотиш бирор маънога эга эмас. Шунинг учун давлат бюртмаси бўйича белгиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ва сотувчи хўжаликлар давлат бюджети имкониятларининг ҳам чекланганлигини сира назардан четда қолдирмасликлари керак.

Ҳомийлик ёрдами кўрсатиш Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш йўналишларидан бири ҳисобланади. Аммо, ҳомийлик ёрдами суммаси шундай ёрдамни кўрсатаман деган субъектларнинг молиявий жиҳатдан бақувватлик даражасига бевосита боғлиқ. Афсуски, иқтисодийликда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий бақувватлик даражаси ҳавас қиладиган даражада деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳомийлик ёрдамларига молиялаштиришнинг манбаи сифатида ортикча умид билдириш ўзининг иқтисодий (молиявий) маъносига эга эмас.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши молиявий манбаларни диверсификациялаштириш (манбаларни хилма-хиллаштириш, уларнинг ранг-баранглигини таъминлаш) томонга қаратилганлиги билан белгиланиши керак.

Айланма маблағлар ва уларни молиялаш манбалари.

Айланма маблағлар кенг маънода фақат меҳнат қуролиларидан иборт бўлиб қолмасдан бундан ташқари баъзи меҳнат воситалари (ёш йирик шохли чорва моллари ёки мевали дарахтлар ва ҳ.к.) ва айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади. Буларни янада аниқ тасаввур қилиш учун айланма маблағларнинг туркуми ўрганилади.

Айланма маблағлар ишлаб чиқариш жараёнинг қайси босқичида иштирок этишига, режалаштириш тамойилларига ва ташкил этиш манбаларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- 1) ишлаб чиқариш жараёни ва муомала жараёнидаги айланма маблағлар;
- 2) меъёрлаштирилмаган ва меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағлар;
- 3) хусусий ва четдан жалб қилинган айланма маблағлар.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги маблағлар ва муомала жараёнидаги айланма маблағлар ҳисоб китоб ишларини аниқ юритилиши учун яна ўз навбатида 6 та гуруҳларга ажратилади:

1) *ишлаб чиқариш заҳиралари* – уруғлик ва кучат материаллари, ем-хашак ва тушамалар, нефт ёқилғилари, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, биоперепаратлар ва заҳарли химикатлар, турли хил идишлар, қаттиқ ёқилғилар, кам баҳоли ва тез тузувчи буюмлар;

2) *тугалланмаган ишлаб чиқариш* – ўсимликчиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, чорвачиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлардаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари;

3) *боқувдаги ва ўстиришдаги чорва моллари* – барча турдаги ёш чорва моллари, асосий подадан брак қилиниб боқувга қўйилган катта ёшдаги чорва моллари, қўй, эчки, паррандалар, қуёнлар, асалари уяси;

4) *товар маҳсулоти* – ўсимликчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлардаги сотишга ва иш ҳақи учун беришга ажратилган товарлар;

5) *муомаладаги ҳисоб китоб маблағлари* – тайёрлов ташкилотлари, айрим шахслар ва бошқаларнинг корхона асосий фаолияти бўйича дебиторлик қарзлари;

6) *пул маблағлари* – касса, ҳисоб китоб счётидаги пул маблағлари, аккредитивлар, лимитланган чеклар ва бошқалар.

Булардан биринчи уч гуруҳдагилар ишлаб чиқариш айланма маблағлари таркибига, кейинги уч гуруҳдаги муомаладаги маблағлар гуруҳига киради. Ишлаб чиқариш айланма маблағлари асосий ҳиссани ташкил этади, шунингдек корхона

ишлаб чиқаришининг ихтисослашишига қараб айланма маблағлар таркиби турлича бўлади. Масалан, Ўсимликчиликда: пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик. Чорвачиликда: сутчилик, қўйчилик, чучқачилик ва ҳ.к. Йил мавсумларига қараб ҳам ўзгариб туради.

Меъёрлаштирилган айланма маблағлар илмий асосланган ва ҳақиқий маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда меъёрлаштириладиган маблағлар бўлади. Бу меъёрлаштириладиган айланма маблағлар ёрдамида корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз равишда бир маромда давом этиши таъминланади, сотиш ва муомала жараёнлари ташкил этилади. Меъёрлаштириладиган айланма маблағларга – ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва тайёр маҳсулотлар киради. Бу маблағлар жами айланма маблағларнинг 80 фоизини ташкил этади.

Меъёрлаштирилмаган айланма маблағларга ҳақи тўланмаган йўлдаги товарлар, хўжалик ҳисоб рақами, касса ва бошқа пул маблағлари киради.

Хусусий ёки хўжаликнинг ўз маблағлари. Бу айланма маблағлар хўжаликнинг минимал эҳтиёжини қондириши лозим, яъни хом-ашё сифатида ёки ишлаб чиқариш ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва келгуси давр харажатлари кабилар сифатида хўжаликнинг ўз маблағлари ҳисобига ташкил этилади.

Четдан жалб қилинган маблағларга қисқа муддатли кредитлар, бошқа корхоналардан олинган қарзлар, тайёрлов ташкилотларидан олинган бунақлар (аванслар) киради. Булар ишни мавсумийлигини ёки ишлаб чиқариш жарёнида содир бўлган камчиликларни қоплаш мақсадида вақтинчалик жалб қилинади.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш хўжаликларда бизнес-режа тузиш учун зарур элемент бўлиб ҳисобланади. Бунда маҳсулотларни режа таннархи ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун уруғлик, ем-хашак ва бошқа айланма маблағларни меъёр бўйича сарфланиши лозим бўлган миқдори ёрдамида айланма маблағларнинг умумий меъёри ҳисоблаб чиқилади. Масалан: 1 га ерга 200 кг галла уруғлиги сарфланса. Хўжаликда мавжуд бўлган 300 га ерга 600 ц. Уруғлик экилиши режалаштирилади.

Айланма маблағларни меъёрлаштиришнинг икки аҳамияти бор:

1) ишлаб чиқаришдаги аҳамияти – бунда хўжалик учун зарур бўлган айланма маблағлар энг кам миқдори натурал кўринишда сақланиши учун маълумотлар тўпланади;

2) молиявий аҳамияти – айланма маблағлар энг кам миқдорини ташкил қилиш учун уни таъминлаш манбалари аниқланади, яъни ўз маблағларини манбалари ва бу этишмаган ҳолда четдан жалб қилинган манбалар қулланилади.

Айланма маблағларни меъёрлаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1) тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари:

КУРСАТКИЧЛАР	Экин майдони ,га	Режа буй.1 га сарф.сўм	Жами сарфи, минг сўм
1. Кузги шудгорлаш	350	700	2.5
2. Кузги бугдой экиш	500	120	60.0
3. Ўғитлаш	1000	1500	1.5
ЖАМИ	1850	X	64,0

- 2) уруғлик ва кучат материалларини тайёрлаш;
- 3) керакли уруғлик материалларини тайёрлаш;
- 4) ем-хашак;
- 5) ёш чорва моллари;
- 6) минерал ўғитлар бўйича ҳам йиллик меъёрлар режалаштирилади;
- 7) 10-15 % суғурта фондига ажратилади ва ҳ.к.

Ўсимликчиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ўз маблағ манбаларининг меъёри йил давомида режалаштирилган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлар йиғиндисидан иборат. Бу тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари келгуси йил ҳосили таннархига қўшилади.

Чорва моллари (боқувдаги моллар, паррандалар, қуёнлар, асалари уяси ва бошқалар) бўйича меъёрини аниқлаш учун йил охиридаги бош сони режа таннархида баҳоланади.

Минерал ўғит, захарли химикатлар бўйича меъёрий қиймати йиллик сарф миқдорининг ўртача бир ойлик миқдори ёки 8,3 фоиз миқдорида белгиланади.

Қаттиқ ёқилғилар (қумир, ўтин) бўйича йиллик эҳтиёжнинг ўртача икки ойлиги ёки 16,6 фоиз миқдорида белгиланади.

Асосий воситаларни капитал таъмирлаш учун ажратиладиган айланма маблағлар меъёри асосий воситалар баланс қийматининг 0,6 фоиз миқдорида ажратилади.

Кассадаги нақд пул маблағларининг меъёри иш ҳақи фондининг 0,2 фоизи ҳажмида ҳисобланади.

Айланма маблағлар давлат корхоналарида меъёрлаштирилади, Қишлоқ хўжалик корхоналарда режалаштирилиши лозим. Айланма маблағлар меъёрлаштирилганда ёки режалаштирилганда турли хил баҳолаш усуллари қулланилади. Қишлоқ хўжалигининг ўзида етиштирилган айланма маблағлар ҳақиқий таннархида, сотиб олинган маблағлар ўзининг қийматига келтириш харажатлари қўшилиб, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳақиқий харажатлар бўйича, тайёр маҳсулот ва товарлар сотиш баҳосида баҳоланиб ҳисобга олинади. Саноат ёрдамчи корхоналар ва хизмат кўрсатувчи соҳа айланма маблағлари корхонанинг ҳаракатдаги улгуржи баҳо ва таърифлар бўйича баҳоланади.

Айланма маблағлар ҳам асосий воситалар каби, маълум бир санага бўлган ҳолати бўйича ва ўртача қиймати бўйича ҳисобга олинади. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, келгуси давр харажатлари, тайёр маҳсулот ва бошқаларнинг ўртача ойлик қолдиқ қиймати бўйича аниқланади. Бу ерда арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилади. Ўртача ойлик қолдиқ қиймати

асосида ўртача хронологик формуладан фойдаланиб, ўртача йиллик айланма маблағларнинг қолдиқ қиймати аниқланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш учун айланма маблағларнинг қишлоқ хужалиги яроқли ерларига тўғри келадиган қиймати, айланиш сони, айланиш муддати каби кўрсаткичлар ҳисобланади. *Ўртача юз гектар қишлоқ хўжалиги яроқли ерига тўғри келадиган айланма маблағлар қийматини* ҳисоблаш учун ўртача йиллик айланма маблағлар қолдиқ қиймати қишлоқ хўжалик яроқли ер майдонига бўлиниб, юзга кўпайтирилади.

Айланма маблағларнинг айланиш сонини ҳисоблаш учун сотилган маҳсулот қиймати айланма маблағлар қийматига бўлинади. *Айланма маблағларнинг айланиш муддатини* ҳисоблаш учун йиллик календар кунлар сонини айланма маблағлар айланиш сонига бўлиш лозим. Корхонада айланма маблағларнинг айланиш сони қанча кўп бўлиб, айланиш муддати қисқа бўлса, шунча самарали фойдаланган бўлади.

Айланма маблағларни ташкил этиш манбалари:

А. Ўз айланма маблағлари манбалари (Бухгалтерия балансининг пассив қисми биринчи бўлими).

Б. Барқарор пассивлар (иш ҳақи бўйича қарздорлар, вақтинча бўш турган иқтисодий рағботлантириш ва махсус белгиланган фондлар, давлат бюджетидан қарзлар).

В. Четдан жалб қилинган маблағлар (банк кредитлари, ҳамкорлардан олинган қарзлар, хориждан олинган қарзлар, банк кредитлари).

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: асосий фондлар, ишлаб чиқариш асосий фондлари, ноишлаб чиқариш асосий фондлари, фонд сиғими, фонд қайтими, амортизация меъёрлари, айланма маблағлар, айланма маблағларни айланиш сони, айланма маблағларни айланиш муддати, молиявий манбаларни диверсификациялаштириш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Асосий фондларнинг туркуми.
2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воситаларини гуруҳлаш.
3. Ишлаб чиқариш асосий воситаларини гуруҳлаш.
4. Асосий воситаларни баҳолаш турлари.
5. Асосий фондлар билан қуролланиш даражаси.
6. Асосий фондлар билан таъминланиш даражаси.
7. Фонд қайтими ва фонд сиғими нима?
8. Айланма маблағлар нима?
9. Айланма маблағларнинг асосий гуруҳлари.
10. Айланма маблағларни баҳолаш усуллари.
11. Айланма маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари.
12. Айланма маблағларни меъёрлаштириш
13. Айланма маблағларни меъёрлаштириш манбалари.

8-боб. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш.

Режа

- 8.1. Кредитнинг моҳияти ва зарурияти.
- 8.2. Кредитларни расмийлаштириш тартиби.
- 8.3. Кредитлаш устидан банк назорати.

8.1. Кредитнинг моҳияти ва зарурияти.

Бозор муносабатларига ўтиш, янги шароитда иқтисодий муаммоларни ечиш банк фаолияти ёки банкларнинг кредит тизимин яратишда янги босқични бошлаб берди.

Кредитнинг моҳияти ва зарурияти шу билан боғлиқки, яъни ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, асосий воситалар ва айланма маблағлар билан ишлаб чиқариш жараёнини ва муомала жараёнини таъминлаш, ўз харажатларини ўз маблағлари билан қоплаш, хўжалик ҳисобига ўтиш каби жараёнларда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги шароитда халқ хўжалик тармоқларини бир бирига мутаносиб ривожлантириш жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда корхоналарни маблағ билан таъминлаш, кредитга бўлган эҳтиёжи беқиёсдир. Хусусан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот етиштириб уни сотувга чиқаргунга қадар бир неча ой вақт ўтади. Ушбу даврда қилинадиган харажатга ҳамиша ҳам корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Шундай шароитда кредитга бўлган эҳтиёж туғилади.

Ушбу бобда кредитлаш, унинг моҳияти, ҳукумат томонидан чиқарилган қонун ва бошқа юридик ҳужжатлар билан танишиш, кредитни расмийлаштириш тартиби, кредит устидан банк назорати билан танишиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Кредит деганда вақтинча ўз эгалари қулида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатларни тушуниш керак.

Кредит субъектлари: Корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифа аҳоли

Кредит объектлари: ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга бериши мумкин бўлган пулдир.

Бўш пуллар ҳисобидан ссуда фонди ҳосил бўлиб, унга талаб юзага қелгач, кредит муносабатлари пайдо бўлади. Кредит 4 хил вазифани адо этади:

1. пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексель, чек, сертификат ва х.к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик айланмасига жорий этиш (вексель-қарзнинг мажбуриятномаси, чек банкдаги пулни беришни талаб қилувчи ҳужжат, сертификат – пул тўланганлиги ёки қарз берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат);

2. бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади деган қоидани амалга ошириш;

3. қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кучиб туришини таъминлаш;

4. қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағботлантириш;

Қарзга берилган пул ссуда дейилади. Агар қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш, даромад олиш учун ишлатилса, у ссуда (қарз) капитали кўринишини олади.

Кредитнинг асосий шарти – бу қарз учун ҳақ тўлаш. Қарз учун ҳақ тўлаш қарз қилинган суммага нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни қарз (кредит) фоизи деб юритилади. Қарз фоизи пул бозорида амал қилади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоиз бўлади.

Фоиз миқдори ёки даражаси олдиндан белгиланади. Фоиз даражаси (ФД) қарз фоиз суммасининг (ҚФ) берилган қарз миқдорига (ҚМ) бўлинган ва фоизларда ифодаланган нисбатидир

$$\text{ФД} = (\text{ҚФ} / \text{ҚМ}) * 100$$

Масалан: $\text{ФД} = (6 \text{ млн } \$ / 120 \text{ млн } \$) * 100 = 5 \%$

Қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлиқроқ қондирса, фоиз миқдори юқори бўлади, акс ҳолда у пасайиб кетади.

8.2. Кредитни расмийлаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик субъектларига банклар томонидан кредит берилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан чиқарилган низомга мувофиқ ажратилган кредитларни қайтариб тўлаш, таъминлаш, муддатли ва мақсадли фойдаланиш шарти билан тижорат банклари томонидан амалга оширилади.

Кредит юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик субъектларига, шунингдек юридик шахсни ташкил этмаган тадбиркорларга берилади. Тижорат банклари мулкчилик шаклидан қатъий назар шартнома асосларида хўжалик субъектларига кредит берилишини амалга оширадilar. Кредитлар миқдорининг талаб қилиб оладиган депозит ҳисоб варағига эга бўлган банк орқали берилади. Кредитларни бошқа банк миқдорларига беришга йўл қўйилмайди. Ноликвид балансга эга бўлган зарар билан ишловчи хўжалик субъектларига кредит берилмайди, илгари берилган ссудалар белгиланган тартибда муддатидан олдин ундирилади, бундай ҳолат кредит шартномасида мажбурий тартибда қайд этилган бўлиши керак. Кредит ресурсларидан узоқ муддатли молиявий бўшлиқларни, хўжасизликларни қоплашга йўл қўйилмайди. Тижорат банклари ссуда сармоясидан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлаган ҳолда қарз олувчилар билан муносабатларни бошқариб турадилар. Шунингдек, кредит бериладиган объектни аниқлаш кредит ёрдамида амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлигини ва шулар билан боғлиқ барча масалаларни мустақил равишда ҳал этадилар. Барча банклар хизмат кўрсатаётган миқдорининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мулкчилик шаклидан қатъий назар ички кредит сиёсати тўғрисидаги қондан ишлаб чиқаришлари ва уни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки билан келишиб олишлари шарт. Кредитлардан фойдаланиш муддатларига қараб қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредит 12 ойгача бўлган муддатгача бериладиган ссуда бўлиб унинг давомийлиги кредитга доир масалалар, тадбирларни ўтказиш муддатларидан унинг қопланиш ва бошқа шартларидан келиб чиқади. Бу кредит асосан айланма маблағлар ташкил қилиш, иш ҳақи бериш мақсадларида фойдаланилади.

Ўрта муддатли кредит 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга бериладиган ссуда бўлиб, бундай кредитларга бўлган талаб ишлаб чиқариш туркумининг ўзига хослиги ва битимларнинг шартларига қараб пайдо бўлади. Мазкур кредит хўжалик субъектларига янги маҳсулот турларини ва янги техника жараёнларини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни таъмирлаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ тез қопланадиган ва юқори самарали тадбирлар учун берилади.

Узоқ муддатли кредит ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий мақсадлар учун берилади. Барча кредитлар кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтариш шарти билан берилади. Бироқ улар амалда фойдаланиш шартига қараб муддатли, муддати ўзайтирилган ва муддати кечиктирилган бўлиши мумкин. Қайтадан расмийлаштирилган кредит сифатида балансда ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Муддатли кредит тўлаш муддати кредит шартномасига кўра хали бошланмаган ссудадир. *Муддати узайтирилган кредит* қарз олувчининг тўлаш муддати бошланишидан банкга тақдим этилган иқтисодий жиҳатдан асосланган ёзма тақдимномаси асосида банкнинг кредит Қўмитаси унинг қайта расмийлаштириш, яъни кредитни қайтариш муддатини янада кейингироқ вақтга ўтказиш тўғрисида айрим ҳолда қабул қилинган қарордир. Тижорат банки, кредит Қўмитасининг қарорига кўра миқдорга қарз олинган маблағлардан фойдаланиш давомийлигини 12 ойдан ошмаслиги шарти билан қисқа муддатли кредитларни тўлаш муддатини фақат бир марта узайтириб бериши мумкин. Кредитни тўлаш муддатини узайтириш асосий шартномага қўшимча битим билан илгари қабул қилинган кредитни қайтариш муддатини қайта расмийлаштиришдир. *Муддати кечиктирилган кредитларга* шартномада белгиланган вақтда қайтарилмаган кредитлар тушунилади.

Кредит пакетини шакллантириш жараёни ва уни таҳлил қилиш қуйидаги босқичларга бўлинади:

а) Кредит олиш учун аризаларни қуриб чиқиш ва булгуси қарз олувчи билан суҳбатлашиш.

б) қарз олувчининг кредит олишга қобилиги ва ссудани бериш билан боғлиқ хатарни баҳолаш;

в) кредит нархини белгилаш;

г) кредит шартномасини тайёрлаш ва тузиш.

Кредит олиш учун бўлажак қарз олувчи ўзининг қуйидагиларга нисбатан молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил этиб кўриши лозим.

1. ўз маҳсулотини сотиш бозори (талаб ва таклифни ўзгариши);
2. кредит олиш учун омил ҳисобланган товар моддий бойликларни етказиб бериш учун мол етказиб берувчилар билан тузилган контрактларни, ишлаб чиқариш харажатлари ёки хизматларни ва уларни сотишни таъминлаш;
3. кредит олинадиган тадбирларни самарадорлиги;
4. пул маблағлари қарз олувчининг ҳисоб варағига келиб тушишининг давомийлиги;
5. кредит ва кредит бўйича фоизларни узиш манбалари;
6. кредит учун эҳтимолий ҳақ ҳисоб-китоби ва унинг давомийлиги;
7. ўтган даврдаги (йил, чорак, ой) молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
8. жорий давр учун бизнес-режа тузиш.

Қарз олувчи таҳлилий ва бизнес-режа маълумотларидан келиб чиққан ҳолда кредит аризаси ва кредит олиш учун илтимоснома тайёрлайди. Илтимосномада кредит олиш зарурияти унинг самарадорлигини ошириш йўллари, кредитни қайтариш имкониятлари ва таъминланиши, ўз сармоясининг таркиби ва унинг кредит тадбирларидаги иштироки батафсил баён этилади. Миқдорнинг банкдаги кредит аризаларини рўйхатдан ўтказиш мажбурий тартибда махсус дафтарда юритилади ва у рақамланади, тикилади, раҳбар, бош бухгалтер ва кредит хизматининг бошлиги имзо чекиб, думалоқ муҳр қуйиш билан тасдиқлайди. Мазкур дафтарда мажбурий тартибда қуйидагилар бўлиши шарт: ариза берилган сана, сўралаётган кредит миқдори, кредит олишдан кўзланган мақсад, кредит хизмати хулосасини банк раҳбарига тақдим этиш муддати санаси, банк кредити Қўмитасининг кредит хизмати ижобий ҳал этилганлигининг асоси. Илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

а) кредит аризаси,

б) пул оқимининг таҳлили илова қилинган бизнес-режа,

в) давлат солиқ хизмати маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, ҳамда 90 кундан ошиб кетган қарзлар бўйича солиштирма далолатномаларни таҳлил этган, сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси,

г) фойда ва зарарлар ҳақида ҳисобот,

д) айланма маблағлар айланувганлиги ҳисоб-китоби,

е) бошқа кредиторларда қарз маблағларининг борлиги ҳақида маълумотнома,

ж) бошқа корхоналарни ташкил этишда ўз сармояси билан қатнашиши тўғрисида маълумот.

Кредит ходими ёки кредитлар пакетини ўрганиш билан шуғулланувчи шахс юқорида тилга олинган барча ҳужжатларни олгач, бир ҳафта ичида қуйидагиларни аниқлайди: субъектнинг кредитга қобиллигини ва тўловга қобиллигини, унинг рейтинг баҳосини, айланма маблағларни фойда келтиришини ва айланиш тезлигини шунингдек, кредитнинг мақсади устав фаолиятига мос келишини, кредитнинг турини. Кредитлар пакетини таҳлил этишда кредит битимининг нафақат турли жиҳатларига, шу билан бирга унинг раҳбарининг обрў-эътиборига, аввалги ишлаган жойларига, билимига, илгари олинган кредитни ўз вақтида қайтарганлигига, иқтисодиёт соҳасида илгари йўл қўйган хатти-ҳаракатига қонун бўйича таъқибларнинг йўқлиги ва ҳоказоларга ҳам баҳо бериш зарур.

Қарз олувчи кредитни тўлай олмаслик хатоларидан қочиш мақсадида ишончли кредитдан ташқари асосий талаби унинг реализация қилишдан иборат бўлган таъминлашга ҳам эга бўлиши керак. Қуйидагилар таъминлашнинг асосий турларидир:

а) мол-мулк;

б) қимматли қоғозларнинг гарови;

в) учинчи шахсларнинг кафиллиги;

г) қарз олувчи кредитни тўламаслиги хатарининг суғуртаси.

Тижорат банкларига кредитнинг қайтарилмаслиги хатарини олдини олиш учун, яъни таъминлаш сифатида «Ўзагросуғурта», «Мадад» ва «Ўзбекинвест» суғурта компанияларидан шунингдек бенефициар банкнинг фойдасига Ўздавсуғурта назоратининг лицензиясига эга бўлган бошқа суғурта компанияларидан ва кредитга қобиллик 2 тоифадан паст бўлмаган қарз олувчилардан суғурта полисларини қабул қилиб олиш тавсия этилади. Мулкчиликнинг барча шаклидан қатъий назар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитлар бўйича «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси суғурта полиси билан таъминлайди. Бунда кредит бериш фақат суғурта тўлови суғурта компаниясининг банк ҳисобварағига ўтказилганда ва қарз олувчи банкга суғурта полисини тақдим этгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Суғурта полисида қарз олувчи олинган қарзларни ва у бўйича фоизларни тўлай олмаган тақдирда суғурта ташкилоти кредитнинг барча суммасини ва у бўйича ҳисоблаб чиқилган фоизларни тўлаш маъсулиятини ўз зиммасига олади ва шу тўғрисида зарур ёзув бўлиши керак. Бериладиган кредит ҳисобига суғурта полисини тўлаш ман этилади.

Мол-мулкни гаровга қўйиш кредитни таъминлашнинг асосий шаклидир. Қарз олувчининг мулки бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мавжуд бўлган мол-мулк гаров ашёси бўлиши мумкин.

Тўла хўжалик ҳисобини юритиш учун мол-мулк бириктириб қўйилган қарз берувчи ушбу мол-мулк эгасининг ёки ваколат берган органнинг розилиги билан

гаровга беради. Мол-мулк ва қарз олувчининг банк олдидига мажбуриятларини таъминлашнинг бошқа шакллари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим. Бошқа гаровдан холи бўлиш, юқори ликвидликка эга бўлиш, узоқ вақт сақлаш қобилиятига эга бўлиши лозим. Тижорат банк мол-мулкни гаровга қуйиб кредитни расмийлаштиришда ссуда олувчи билан гаров ҳақидаги ёзма шартномани тузади ва бу шартнома нотарал жиҳатдан тасдиқланиши керак. Гаровга берувчи қарз олувчининг ўзи ёки учинчи шахс ҳам бўлиши мумкин.

Нотуражой бинолар ва иншоотлар гарови бўйича шартномалар давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари кўчмас мулкида, туражой бинолари ва иншоотлар гарови бўйича шартномалар эса мулкчилик шаклидан қатъий назар техникавий инвентарлаш бюросида қайд этилиши лозим. Гаров шартномасида гаровга қўйилган мол-мулк рўйхати, баҳоси ва турган жойи гаров билан таъминланадиган мажбуриятларни бажарилишини моҳияти, миқдори ва муддати кўрсатилади. Берилаётган кредитнинг миқдори гаровга қўйилган мол-мулк суғурта баҳосининг 80 фоизидан ошмаслиги керак. Мол-мулк гарови қарз олувчининг ихтиёрида қолади ва бенифициар банк фойдасига унинг суғурта органлари маблағлари ҳисобидан суғурта қилинган бўлиши мумкин.

Юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар ҳам гаров ашёси бўлиши мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

- давлатнинг қимматли қоғозлари;
- акциялар ва облигациялар;
- бошқа эмитентларнинг депозит сертификатлари.

Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар шартнома билан расмийлаштирилади ва қарз олувчи томонидан банкка сақлаш учун топширилади. Қарз олувчидан қабул қилиб олинган қимматли қоғозлар қарз олувчига кредит ва фоизлар тўлиқ тўланганидан кейингина берилади. Гаровга қўйилган қимматли қоғозларни қисман беришга йўл қўйилмайди. Кредитни таъминлашда товарлар, валюта, валюта бойликлари, шунингдек автотранспорт гаровга қабул қилиниши мумкин. Бу ҳолда гаровга қўйилган мол-мулк гаров сифатида банкка топширилади ва у нотариал жиҳатдан тасдиқланади. Кредит олувчининг тўлов қобилияти йўқлигида унинг қарзини учинчи шахс тўлашга розилик бериши кредитни таъминлашга хизмат қилади. Бундай мажбурият мустақил мажбурият – кафиллик тарзида расмийлаштирилади. Кафиллик қарздор билан кафиллик берувчи ўртасида бенифициар банк фойдасига ёзма шаклда кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Шартномада кафиллик берувчи бенифициар банк олдида ссудани қарзга олувчининг ушбу кредит бўйича мажбуриятларини, қарздор уни кредит шартномасида белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, бажариш юзасидан зиммасига мажбуриятлар олиши таъкидланади. Кафиллик берувчининг маъсулияти қарздорнинг қарз бўйича ҳисоблаб чиқарилган фоизларни ҳисобга олган ҳолда қарз миқдори билан чекланади. Юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам, кафилликни берувчилар бўлиши мумкин, лекин улар тўловга қобилиятли субъект бўлишига эга бўлиши керак. Кредитни таъминлаш юзасидан кафиллик шартномасини қабул қилар экан банк кафиллик берувчининг молиявий ҳолатини ҳамда, тўловга қобиллигини таҳлил қилиши лозим ва ижобий ҳал бўлганда кафиллик шартномасини берилаётган кредитни таъминлаш сифатида қабул қилиши керак. Кафиллик шартномасига қарздор томонидан қуйидагилар илова қилинади:

а) кафиллик берувчи банк ҳисобварағининг ҳолати тўғрисида маълумотнома, улардаги қолдиқни кўрсатган ҳолда.

б) кафиллик берувчининг ўз банкдан ссудалари ёки бошқа қарзлари йўқлиги тўғрисидаги 2-сонли қаротекани йўқлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларни синчиклаб ўргангандан кейин банк ходими кредит шартномасини тузиш имконияти бор-йўқлиги тўғрисида хулосани расмийлаштиради бунда қуйидагиларни кўрсатади:

- кредитга қобиллик,
- кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори,
- кредит қайтарилишини таъминланиши,
- фоиз ставкаси.

Банк кредит бўлими ходимининг имзоси қўйилган хулосаси илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш учун кредит Қўмитасига юборилади. Қўмита ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда уч кун ичида тегишли қарор қабул қилади. Мазкур хулоса кредит Қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади, шундан кейин *Кредит шартномаси* тузилади ёхуд қарз олувчига ёзма рад жавоб берилади.

Агар шартноманинг ўзида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, банк раҳбари ва қарз олувчи шартномани имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради. Кредит шартномасида қуйидагилар кўзда тутилади:

- кредитнинг мақсади ва миқдори, уни бериш ва узиш тартиби ҳамда шакли;
- мажбуриятларни, фоиз ставкаларини таъминлаш шакллари уларни ҳисоблаб чиқариш тартибларига кўра шакли;
- кредитни беришда ва узишда тарафларнинг ҳуқуқлари ва маъсулияти;
- кредитни бериш учун зарур бўлган маълумотномалар, ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг даврийлиги;
- банкнинг текширувини ҳисоб-китоб жойида ўтказиш, қайтарилишини таъминлаш имконияти ва бошқа масалалар.

Кредит шартномаси тузилгандан кейин кредит ходими муддатини ва фоиз ставкаларини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисобварағини очиш тўғрисида бухгалтерияга фармойиш беради. Ссуда бериш тўғрисида қарорни қабул қилиш билан бир вақтда қарз олувчининг кредит карточкиси очилади.

8.3. Кредит устидан банк назорати.

Тижорат банки ўзи хизмат кўрсатадиган мижозларининг фаолиятига оид ахборотларга доимий равишда эгалик қилиш, уларнинг кредитни тўлашга қобиллигини, тўлов интизомининг аҳволини таҳлил этиб туриши, яъни «маълумотлар банки»ни вужудга келтириш керак. Кредит бериш жараёнида иқтисодий фаолият кредит шартномасини бажаришда банк олинган кредитдан самарали фойдаланишнинг бутун муддати давомида ссудани қарзга олувчи билан яқин аълоқани сақлаб туриши лозим. Ана шу мақсадда мижознинг молиявий-хўжалик фаолияти, яъни тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот етказиб бериш ҳажмларини бажарилиши, ишлаб чиқариш харажатлари ва нобудгарчиликлар, муомила чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлик динамикаси, товар ва моддий бойликлар захираларининг ҳолати ва айланма маблағларнинг айланиш тезлиги таҳлил этилади. Банк қарз олувчининг кредитга қобиллигини мунтазам мониторинг қилиб боради, уни қарз олувчининг махсус досъесидан тизимлаштириб боради.

Жойларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати, баланс маълумотларини тўғрилиги ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳволи, шунингдек, банкга тақдим этилган гаровнинг ҳолати бўйича текширувлар ўтказилади. Қарз олувчининг молиявий хўжалик фаолияти ёмонлашган, банкнинг назоратидан буйин товлаган, ҳисобот маълумотларидаги нотўғри маълумотлар аниқланган ва бухгалтерия ҳисоб китоби ўз ҳолига ташлаб қўйилган тақдирда банк кейинги кредит беришни тўхтатиши ва кредит шартномаси шартларидан келиб чиқадиган кредитни таъминлаш мажбуриятларини амалга ошириш орқали илгари берилган кредитларни

қарз олувчининг маблағи ҳисобидан муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эга бўлади.

Гаровни тутувчи банкнинг гаровга қўйилган мол мулкга нисбатан талаблари «Фуқаролик кодекси» ва «Гаров тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қондирилади. Агар қарз олувчи кредит шартномасига кўра қарзни тўлаш мажбуриятини бажармаса, банк Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ банкротлик тўғрисида ишни кўзғатиш учун хўжалик судига мурожаат қилиши керак

Банклар амалдаги қоидага кўра кредитлар портфелининг сифатини мунтазам таҳлил этиб туришлари лозим. Ҳар бир кредитнинг хатар даражасини таснифлаб, уни қуйидаги 5 та тасниф разрядларидан бирига киритишлари керак :

- а) яхши,
- б) қониқарли,
- в) субстандарт,
- г) гумонли,
- д) ишончсиз.

Тижорат банки тамонидан ссудалар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун мажбурий тартибда заҳира ташкил этилади. Заҳирага ўтказиш амалдаги тартибга биноан амалга оширилади. Ссудалар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун заҳира хўжалик субъектларига берилган кредитларни таҳлил этиш ва банк хатари даражасига таъсир ўтказувчи омилларни аниқлаш асосида ташкил этилади. Заҳиранинг ҳажми хатар гуруҳини ҳисобга олган ҳолда ссуда миқдорига боғлиқ бўлади. Ссуда бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун заҳирага ҳар ойда берилган ссуда бўйича хатар гуруҳи ёмонлашганда маблағ ўтказилади. Банк ўз олдидаги мажбуриятларини бажармаётган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномасининг шартларидан келиб чиқиб қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

1) агар қарз олувчи банкнинг тавсияларини келишган муддатда бажармаса, унга кредит беришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантириш билан даъво хатини жўнатиш;

2) кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредит шартномасида белгиланган муддатда кредитни узиш истикболли бўлмаган тақдирда ссуда бўйича қарз қолдиғини муддатидан илгари ундириш, ссудани қарзга олувчига «банкротлик тўғрисида»ги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган жазо чораларини унга нисбатан қўллаш тўғрисида огоҳлантириб даъво хатини жўнатиш;

3) қарз олувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини бузганлик ҳоллари аниқланган тақдирда кредит беришни тўхтатиш ва бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар қилиш, шунингдек ҳисоб ва ҳисоботдаги бузилишларнинг сабабларини кўрсатган ҳолда тушунтиришнома олиш ва бундай қонун бузилишларни тугатиш бўйича тадбирларни банкга тақдим этишни талаб қилиш.

Кредитдан кўзланган мақсадда фойдаланмаганлик учун қарз олувчи банк фойдасига кредит шартномасида белгиланган миқдорда жарима тўлайди.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Кредит, кредит субъекти, кредит объекти, ссуда фонди, қиска, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар; муддатли, муддати узайтирилган ва муддати кечиктирилган кредитлар, кредит пакети, бенифициар банк, гаров шартномаси, кредит шартномаси, кафиллик хати.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Кредитнинг моҳияти ва вазифалари.
2. Кредит субъекти ва объекти.
3. Қарз (кредит) фоизи нима?
4. Кредитлар фойдаланиш муддатларига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
5. Кредитлар фойдаланиш шартларига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Кредит пакетини таҳлил қилиш босқичлари.
7. Қарз олувчи ўз молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил этиши.
8. Кредит олиш учун илова қилинадиган ҳужжатлар.
9. Кредитни таъминлашнинг асосий турлари.
10. Гаров шартномаси ҳақида тушунча.
11. Кафиллик шартномасини ким ва нима учун беради?
12. Кредит шартномасида нималар ифодаланади?
13. Кредит устидан банк назорати.

9-боб. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлар молияси ва уларни кредитлаш

Режа.

- 9.1. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларининг бюджетга тўловлари.
- 9.2. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига бюджетдан ташқари жамғармалардан кредит бериш тартиби.
- 9.3. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш тартиби.

9.1. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларнинг бюджетга тўловлари.

Ушбу бобда Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларини бюджет билан молиявий муносабатлари ва банк кредитларидан фойдаланиш тартиблари билан танишиб чиқамиз. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларининг бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва давлат хўжаликларидан ташкилий жиҳатдан биров фарқ қиладиган жиҳатлари бор. Хусусан, Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналари тўғрисидаги» ва «Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги» қонунларида таърифлар берилган. Жумладан, **деҳқон** хўжалиги деганда умрбод фойдаланиш учун беркитилган шахсий таморқа хўжаликлари тушунилади. Улар юридик шахс мақомига эга бўлиб банкларда алоҳида ҳисоб рақамлари очиб ёки юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин. **Қишлоқ хўжалик корхоналари** эса, юридик шахс мақомига эга бўлган, хўжалик аъзоларининг биргаликдаги меҳнати асосида узоқ муддатга ижарага берилган (10 йил ва ундан юқори) ер участкасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Ушбу бобнинг асосий мақсади деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджет билан молиявий муносабатлари, ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаш ва кредитлаш жараёни билан танишишдир. Ушбу мақсадда куйидаги вазифалар амалга оширилади:

- мавзуга таълуқли таянч тушунчаларни изоҳлаш,
- деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарини бюджетга тўлайдиган тўловлари,
- айланма маблағлар ва капитал кўйилмаларни кредитлаш тартиби билан танишиш, бу борада сўнгги вақтларда Вазирлар Маҳкамаси, Марказий Банк томонидан чиқарилган қарор ва низомлар билан танишиш.

Ҳозирги кунда Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари ҳам бюджетга солиқлар тўлайдилар. Хусусан, Қишлоқ хўжалиги 1999 йилдан бошлаб бюджетга ягона ер

солиғи тўловчи бўлиб ҳисобланади, яъни илгариги турли хил солиқлар ўрнига эндиликда фақат ягона ер солиғи тўлашмоқда.

Агар солиқ тўлаш муддати кечиктирилса, кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган миқдорида устама тўланади. Ягона ер солиғидан ташқари иш ҳақи даромадидан солиқ тўлашда ҳамма қатори ишчининг иш ҳақидан ойлик маошнинг энг кам иш ҳақи миқдоридан ошса солиқ солиш шкаласи бўйича тўлайди.

Агар Қишлоқ лар ўз маҳсулотини қайта ишласа ёки бошқа ишлаб чиқаришларни, тижорат ёки маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйса унда бюджетга алоҳида солиқ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик корхоналари Низоми ваколатли ташкилотларда қайд этилган кундан бошлаб 2 йилга қадар ягона ер солиғи тўлашдан озод этилади.

Дехқон хўжаликлари эса ягона ер солиғи тўловчи ҳисобланмайди. Улар «Дехқон хўжалиги тўғрисидаги» қонунга асосан ер солиғи, сув солиғи ва мол-мулк солиғи тўловчи ҳисобланади. Дехқон хўжаликлари ўз ихтиёрига кўра юридик ва жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Жисмоний ва юридик шахслар ер солиғи ва сув солиғини бир хил миқдорда тўлаб боришади. Фақат мол мулк солиғида юридик шахслар алоҳида белгиланган ставкада жисмоний шахслар эса алоҳида ставкада солиқ тўлашади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли қарорига асосан 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилди ва бу жамғармага тушадиган пул тушумларини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси зиммасига юклатилди. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари қуйидагича ҳисобланади:

- а) умумий иш ҳақи фондидан;
- б) фуқароларнинг иш ҳақидан;
- в) сотилган маҳсулотдан белгиланган миқдорда мажбурий тўлов тўланиб борилади.

Суғурта бадали тўлаб борилганда Қишлоқ хўжалик корхоналари ходимлари учун меҳнат стажи юритилади ҳамда уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тўланади.

Дехқон хўжаликлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 9 июлдаги қарори асосида ижтимоий суғурталанади ва ижтимоий таъминоти тайинланади. Фақат дехқон хўжалиги аъзолари ихтиёрийлик асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаб борадилар. Бу бадаллар ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Улар йилнинг ҳар чорагида ёки ундан кейинги ойнинг 8 кунидан кечикмай тўланиши шарт. Дехқон хўжалиги аъзоси йилнинг 9 ойи мобайнида бадалларни тўлаб борса, меҳнат стажига тўлиқ бир йил қўшилади. Дехқон хўжалиги аъзоси Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаб боргани учун унга меҳнат дафтарчаси юритилади ва меҳнат стажи расмийлаштирилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақалар олиш имкониятига эга бўлади. Жумладан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа; бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа; дафн маросими учун нафақа; ҳамда пенсия (ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияси, ёшга доир пенсия) олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

9.2. Қишлоқ ва дехқон хўжаликларига бюджетдан ташқари фондлардан кредит бериш тартиби.

Ҳозирги кунда Қишлоқ хўжалик корхоналар, дехқон хўжаликлар ёки яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тижоратчиларга асосан бюджетдан ташқари жамғармалардан кредитлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундай жамғармаларга «Дехқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарини қуллаб қувватлаш жамғармаси», «Меҳнат бандлик жамғармаси», «Молия вазирлиги қошида ташкил этилган жамғарма» ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари жамғармалардан кредит олишдан яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирма (кичик фирмалар, кичик ва ўрта корхоналар), Қишлоқ ва деҳқон хўжаликлари фойдаланади.

Тадбиркорлар ҳам ташкил этилиши жиҳатидан икки хил бўлади: 1.Яқка тадбиркор; 2.Ҳамкорликда иш юритувчи тадбиркор.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар ёлланма меҳнатдан фойдаланиши мумкин эмас. Булар туман ёки шаҳар ҳокимиятида давлат рўйхатидан ўтади ва тегишли гувоҳномага эга бўлади. Сўнгра солиқ инспекцияси ва пенсия фондидан рўйхатдан ўтади. Шундан сўнг банкдан ҳисоб рақами очилади. Амалдаги йўриқномаларга асосан тижорат банклари кичик ва ўрта бизнесга фақат мақсадли фойдаланиш учун кредитлар беришади. Жумладан, деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарга қуйидаги мақсадлар учун кредитлар берилади:

-Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, хусусан қишлоқ хўжалик техникалари, чорва моллари, уларга ем-хашак, дори-дармон, минерал ўғитлар сотиб олиш, иморат иншоотлар қуриш;

-хом-ашё ва материалларга бошланғич ишлов бериш ва ишлаб чиқариш;

-меҳнат қуруллари, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиш ва бошқа халқ хўжалик эҳтиёжларини қондириш мақсадларида.

Деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарга бериладиган кредитлар банк маржасини ҳисобга олган ҳолда имтиёзли берилади. Бундай имтиёзли кредитлаш Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига мутаносиб равишда фоизларда белгиланади. Жумладан, деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналари учун кредит фоиз ставкаси деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарини қуллаб қувватлаш жамғармасидан Марказий Банк қайта молиялаштириш ставкасининг 1/3 қисми миқдоридан бўлади. Бу ставканинг 50% тижорат банки маржаси бўлади. Меҳнат билан бандлик жамғармасидан бериладиган имтиёзли кредитлар Марказий Банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасига асосан қуйидагича белгиланади.

-деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарга Марказий Банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг 1/3 қисми миқдоридан;

-хом-ашёларни қайта ишлаш, маҳаллий саноатни ривожлантиришга Марказий Банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг 40%;

-бошқа мақсадларга берилган кредитлар Марказий Банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг 45% ;

«Меҳнат билан бандлик» жамғармасидан олинган кредитларда банк маржаси 50% миқдоридан бўлади.

Бунда банк маржаси белгиланган имтиёзли кредит фоизи таркибида бўлади. Масалан: Деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарни ривожлантириш, янги техникаларни сотиб олиш учун имтиёзли кредитлаш фоиз ставкасини белгилашда Марказий Банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси бир йилга ўртага 10% бўлса, у ҳолда «Деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарини қуллаб қувватлаш жамғармаси» ва «Меҳнат билан бандлик жамғармаси»нинг фоиз ставкалари, шу жумладан банк маржаси 2 фоиз бўлади.

Шундай қилиб деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарни ривожлантириш, янги техника ва технология сотиб олиш учун олинган кредит учун тўланган 4% лик фоиз ставкасининг, деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарини қуллаб қувватлаш фонди ва меҳнат билан бандлик фондига 2 фоизи берилади, қолган 2% тижорат банкнинг маржаси ҳисобида қолади.

Масалан: «Гулистон» ф/х 1 млн сўмлик кредитни 4 фоиз ставка билан икки йил мудатга «Сирдарё туман Пахта-Банк»идан олди. Буни пахта банк «Деҳқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарни қуллаб қувватлаш» жамғармасидан олади.

Ҳисобланган кредит фоизи икки йилга 80 минг сўм, шунинг 40 минг сўми банкнинг маржаси, қолган 40 минг сўми фоиз ставкаси ҳисобида жамғарманинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Дехқон ва Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб қувватлаш жамғармасидан имтиёзли кредит 3 йилгача муддатга берилиши мумкин. Бошқа бюджетдан ташқари фоизлардан бериладиган кредитлар уларнинг ўз низомидан келиб чиққан ҳолда тузилган кредит шартномалари асосида белгиланади. Яқка тадбиркорларга ҳам кредит 3 йил муддатгача берилади. Бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банкининг кредит линияси очиш бўйича бош битим (генеральное соглашение) тузилади. Бу битимда ўзаро мажбуриятлар келишилади, хусусан, инвестиция лойиҳасини кредитлаш муддати, кредитлашни имтиёзли даври, имтиёзли фоиз ставкаси, банк маржаси ва бошқалар кўрсатилади.

Бир бюджетдан ташқари фонд бир неча тижорат банклари билан ва бир тижорат банки бир неча фондлар билан битим тузиши мумкин.

Битим тузилгандан сўнг Фонд ва Бош тижорат Банки ўртасида кредит линияси очиш бўйича кредит шартномаси тузилади. Шундай кредит шартномаси юқори бошқарув муассасаларининг рухсати билан вилоятлардаги бўлимлари ўртасида ҳам тузилиши мумкин.

Фондлардан олинган кредит ресурсларининг фойдаланилмай қолган қисми учун ҳам тижорат банки Марказий Банк томонидан белгиланган қайта молиялаштириш фоиз ставкаси тўлайди.

Фондлардан олинган кредит ресурсларини қайтариш муддати тугаши билан миқозларга берилган кредитларнинг қайтиш қайтмаслигидан қатъий назар тижорат банкларининг ҳисоб рақамидан фондларнинг ҳисоб рақамига кредит фоизлари билан биргаликда қайтарилади.

Бюджетдан ташқари Фонд ходимлари тижорат банк вакиллари билан биргаликда жойларга чиқиб кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини назорат қилишлари ва айрим хатоларга йўл қўйилганда ёки мақсадли фойдаланилмаганда тижорат банкдан кредит суммасини ва унинг фоизини қайтарилишини талаб қилиши мумкин. Тижорат банклари бюджетдан ташқари фондларга ва Марказий Банк иқтисодий таҳлил департаментига ҳар ойига ҳисобот топширади.

Шунингдек бюджетдан ташқари Фонд ҳам ҳар ойига Молия Вазирлигига давлат маблағлари манбаси ҳисобидан берилган кредит маблағларини бериши ва қайтарилиши тўғрисида ҳисобот бериб боради.

Кредит линиясини очиш учун кредит аризасини кўриб чиқиш муддати: тижорат банклари бўлимларида 10 иш куни, вилоят бўлимида 15 иш куни, Республика Банкида 20 иш куни муддат белгиланган. Кредитни бериш жараёнида унинг муддатини белгилаш катта аҳамиятга эга. Чунки кредит қанчалик узоқ муддатга берилган бўлса, уни қайтариш билан боғлиқ хавф-хатар шунчалик юқори бўлади. Шу сабабли узоқ вақт оралиғида кредит олган миқознинг фаолиятида кўзда тутилмаган турли хил ҳолатлар юзага келиши мумкинки, буларнинг барчаси пировард натижада кредитни қайтаришни қийинлаштириб қўяди. Шуларни ҳисобга олиб, Жаҳон Банк амалиётида 3 йилгача муддатга бериладиган кредитлар тижорат банклари учун маъқул ва қулай кредитлар ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар учун энг асосий муаммолардан бири - берилган ссудаларни қайтарилмаслигидир. Ушбу муаммони қисман ҳал этиш, яъни миқоз томонидан кредитни қайтара олмаслик хавфини камайтириш йўлларида бири миқоз мулкнинг маълум қисмини берилган ссуда учун гаров сифатида талаб қилишдир. Банк ссудаларини таъминлашнинг ўта кенг тарқалган турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ер,
- ўзининг мол-мулки,
- қимматбаҳо қоғозлар,
- дебитор қарздорлик йиғинлари,
- тегишли хужжатлар билан бирга тақдим этилган товарлар,
- суғурта полислари.

Ер муҳим таъминлаш объекти бўлиб ҳисобланади. У ҳеч қачон ўз қийматини тўла йўқотмайди. Шу сабабли ер ишончли гаров ҳисобланади.

Қимматбаҳо қоғозлар – банклар учун маъқулироқ таъминлаш тури ҳисобланади. Чунки қимматбаҳо қоғозларни бозорда осонгина сотиш мумкин, банкда сақлаш учун харажатлар талаб қилинмайди. Шулар билан бир қаторда, уларни сотиш ва сотиб олишда ортиқча расмиятчиликнинг йўқлиги қимматбаҳо қоғозларни таъминланганлик объекти сифатида аҳамиятини оширади.

Дебиторлик қарздорлик йиғиндиси деганда, бу ерда очик счётлар бўйича ҳисоб-китоблардаги қарздорлик йиғиндиси тушинилади. Бу пул банкнинг мижози жўнатган товарлари учун харидорлардан олиши лозим бўлган пулдир. Бу турдаги таъминлаш объекти жаҳон амалиётида кенг қўлланилади.

Хом-ашё, материаллар ва тайер маҳсулотлар кўпчилик давлатларда, хусусан Республикамизда кредитнинг кенг қўлланиладиган таъминланиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Суғурта қилинувчи суғурта компаниясига бадал тўлаб боради. Суғурта муддати тугаши билан тўланган бадаллар йиғиндиси тўлаган шахсга қайтарилади. Банк *суғурта полисини* йиғилган бадаллар йиғиндиси миқдорида таъминланганлик учун қабул қилади.

Кредитнинг асосий шarti - бу қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ қарзга берилган ссуда миқдорида нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни қарз фоизи ёки кредитнинг фоиз ставкаси деб юритилади. Қарз фоизи пул бозорида амал қилади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоиз бўлади. Бошқа товарлардан фарқлироқ қарз пулининг нархи-бу унинг маълум тўлов эҳтиёжини қондиришдек хоссасидан фойдалангалик учун бериладиган ҳақ бўлади. Қарз пули капитал сифатида ёки одатдаги тўлов ёки харид воситасида ишлатилади. Мана шунинг учун ҳам қарздор шахс пул эгасига фоиз ставкасини тўлайди. Фоиз миқдори ёки даражаси олдиндан белгиланади.

Фоиз даражаси унга таъсир этувчи омиллар туфайли ўзгариб туради. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай миқдорда қарзга бериладиган пул чиқарилган. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф ошса у камаяди.
2. Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан кутиладиган наф даражаси, аниқроғи шу пулнинг истеъмол қиймати, қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса, фоиз юқори бўлади, акс ҳолда у пасайиб кетади.
3. Қарзни тўлаш муддати ва шarti. Агар қарз узоқ муддатга берилиб, уни секин-аста кичик-кичик қисмларга бўлиб, бемалол қайтариш мумкин бўлса, қарздор юқори фоизга рози бўлади. Агар қарз қисқа вақтга берилса ва уни тўлаш шарт бўлса, қарздор паст фоизни маъқул кўради. Гап шундаки, қарз қанчалик узоқ муддатга

берилса, шунчалик уни ишлатиб даромад кўриш мумкин ва шу ҳисобдан фоиз тўлаш энгил бўлади.

9.3. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларга микро кредитлар бериш тартиби.

Ўзбекистон Республика Марказий Банкнинг қарорига мувофиқ Қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби жорий қилинади. Бу тартиб юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган Қишлоқ хўжалик корхоналари ва юридик шахс мақомини олмасдан яқка тартибда фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари субъектларини ривожланиши учун шарт шароитлар яратишга йўналтирилган.

Тижорат банклари томонидан микрокредитларни бериш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Юридик шахс мақомини олиб ва юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган Қишлоқ ва деҳқон хўжалик субъектларига бериладиган микрокредитлар деганда кредит бериладиган кундан бошлаб Ўзбекистон Республика Марказий Банкнинг курси бўйича бир қарз олувчига 10 (ўн) минг АҚШ долларисидаги эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмдан миллий валютада бериладиган кредитлар тушунилади. Айрим ҳолларда, микрокредит миқдори кредит бериладиган кундан бошлаб Ўзбекистон Республика Марказий Банкнинг курси бўйича бир қарз олувчига миллий валютада 20 (йигирма) минг АҚШ долларисидаги эквивалент миқдоригача оширилиши мумкин. Бунда, микрокредитнинг 50% (10 минг АҚШ долларигача) банкнинг ўз ресурслари, яъни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Микрокредитлашнинг субъектлари бўлиб Қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар (ишлаб чиқариш соҳасида ўртача ходимлар сони 10 кишигача), кичик корхона (саноатда 40, қишлоқ хўжалигида 20, савдода 10 кишигача) кабилар ҳисобланади, шунингдек бу кредитлар фақат Ўзбекистон резидентларига (фуқароларига) берилади. Тижорат банклари микрокредитларини қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга беради. Кредитлар миқдорининг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

-кичик (мини) ускуналарни харид қилиш;

-хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омукта ем, ветеринария дори дармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалар ва минерал ўғитлар сотиб олиш;

-хом-ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;

-меҳнат қуроллари, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни харид қилиш;

-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

-кичик кўламдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

-тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари (хунармандчилик, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к).

Микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас:

-илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қоплаш;

-тамакичилик ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш;

-савдо воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

-ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган, шахсий мулкни харид қилиш.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалар миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида, аммо Марказий Банк томонидан расман ўрнатилган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкалар миқдорида белгиланади.

Махсус микрокредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаларини белгилаш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналар микрокредитлар олиш учун банкга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

-кредит буюртмаси;

-пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

-охирги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2-шакл), «Асосий воситалар ҳолати тўғрисидаги ҳисобот» (3-шакл), «пул оқими тўғрисидаги ҳисобот» (4-шакл), «хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-шакл) дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатга қарздорликни солиштириш далолатномалари.

Микрокредитни олиш учун яқка тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари томонидан банкга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

-сўралаётган микрокредит миқдори кўрсатилган ариза;

-бизнес-режа;

-шахсни тасдиқловчи паспорт нусхаси.

Олинган микрокредитни қайтармаслик хатарини олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкга қуйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;

-банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;

-учинчи шахснинг кафилиги;

-суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги полиси;

-фуқаролар йиғини маҳалла, қишлоқ, овул кенгашлари кафиллиги.

Банклар, ўзлари билан доимий алоқага эга бўлган, банк ҳисоб рақамида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, юқорида таъкидланган таъминотни талаб қилмай ишончли микрокредит бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Микрокредитларни қайтарилиш таъминоти шаклларида бири сифатида мол-мулк гарови хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан буюмлар ва мулк хуқуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин алмаштириладиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 % миқдорида мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кафиллик банк-бенифициар фойдасига қарз олувчи ва кафил ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади.

Фуқаролар йиғинининг маҳалла, қишлоқ, овул кенгаши, кафиллик шартномасига мувофиқ, қарз олувчининг мажбуриятлари бўйича ўз мулки билан жавоб беради.

Кредит сўраб барча зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилган аризанинг банкга келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан хулоса бериш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Кредит шартномаси тузилгандан сўнг кредит бўлим ходими, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисоб-рақамини очиш тўғрисида бухгалтерияга кўрсатма беради.

Микрокредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб қарз олувчига кредит варақчаси очилади ва унинг ёрдамида кредит устидан назорат амалга оширилади.

Кредитларни бериш миқдорнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича амалга оширилади. Кредитлар алоҳида ссуда ҳисоб рақамини очиш ва ушбу ҳисоб рақамидан қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида моддий товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан ажратилади. Қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қоплашни кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин.

Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисоб рақами орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-каротекага жойлаштирилади ва календар навбати тартибда қайтарилди. Бунда фоизлар кредит қарзларидан олдин қайтарилди. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим. Мониторинг жараёнида банкга берилган гаров ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш бўйича жойларга бориб текширувлар ўтказиб турилади.

Берилган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, банк фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мустақил равишда, судга мурожаат қилмасдан, гаров предмети тасаруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Чет эл валютасида микрокредитлар бериш тартиби. Тижорат банклари ўз Низомларига ва валюта операцияларини амалга ошириш учун уларга Ўзбекистон Республика Марказий Банк томонидан берилган лицензиядаги ҳуқуқларга мувофиқ равишда, фақат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун Республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, хом-ашё ва бутловчи қисмларни импорт йўли билан харид қилишга чет эл валютасида микрокредитлар беришлари мумкин.

Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги микрокредитлар ўз кредит ресурслари ва четдан жалб қилинган кредит маблағлари, шу жумладан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширилади.

Чет эл валютасидаги микрокредитлар банклар билан қарз олувчилар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида белгиланадиган тижорат шартлари асосида нақдсиз шаклда берилади.

Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови, тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Асосий қарзни тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади, қарздорнинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамида маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича миллий валютада тўланиши мумкин.

Четдан жалб қилинган кредит маблағлари ҳисобидан чет эл валютасида микрокредитлар бериш тижорат банкларига хорижий кредит линияларини ажратиш шартларига мувофиқ амалга оширилади. Қарз олувчиларга чет эл валютасида кредит бериш жараёнида кредитни қайтариш таъминотига эга бўлишлари, тижорат банкларидан олдин олинган кредитларга доир мажбуриятларни ўз вақтида бажарган бўлишлари лозим.

Қарз олувчи чет эл валютасида микрокредит олиш учун, юқорида қайд этилган хужжатлардан ташқари, хориждан сотиб олиннадиган маҳсулот тавсифи, у харид қилинадиган мамлакат, унинг қиймати, тўлов валютаси, ускуналар сотиб олиннадиган ҳолда зарур хом-ашё билан таъминланганлигига оид маълумотларни банкга тақдим этади. Микрокредит бўйича қарздорликни тўлаш чоғида, биринчи навбатда кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ундирилади. Чет эл валютасида берилган микрокредитлар белгиланган муддатларда камайтирилган тақдирда, тижорат банклари уни қонунчиликда белгиланган тартибда қарздорнинг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қарз олувчининг талаб қилиб олиннадиган депозит ҳисоб рақамидан маблағлар етарли бўлмаган ёки йўқ бўлган тақдирда микрокредитнинг суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда кафолат берувчининг ёки кафилнинг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан ундириб олинади. Тижорат банклари қарз олувчилар томонидан кредит шартномаларини бажарилиши, чет эл валютасидаги микрокредитдан мақсадли ва ўз вақтида фойдаланиши, унинг таъминланганлиги, қарз олувчиларнинг асосий қарз ва фоизларни ўз вақтида ва тўла тўлаши, мажбурият бўйича воситачилик ҳақининг тўланишини назорат қиладилар.

Тижорат банклари кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган қарз олувчиларга нисбатан қуйидаги чораларни кўришга ҳақлидир:

-кредитлашни вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш:

-берилган кредит бўйича қарзнинг бутун суммасини муддатидан олдин ундириб олиш.

Қарз олувчи кредит шартномаси шартларини мунтазам равишда бажармаса, тижорат банки кредит шартномаси шартларига мувофиқ қарз олувчига илгари берилган чет эл валютасидаги барча кредитларни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Ўзбекистон резиденти, депозит ҳисоб рақами, бенафициар банк, доимий мониторинг, банк маржаси, яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирма, кичик корхона, ўрта корхоналар, ремолиялаштириш, бюджетдан ташқари фондлар, кредит фоиз ставкаси.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг бюджетга тўловлари.
2. Деҳқон хўжаликларнинг бюджетга тўловлари.

3. Қишлоқ хўжалик корхоналарни миллий валютада микрокредитлаш.
4. Деҳқон хўжаликларни миллий валютада микрокредитлаш.
5. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларни хорижий валютада микрокредитлаш.
6. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўловлари.
7. Бюджетдан ташқари жамғармалардан тижорат банкларига кредит бериш тартиби.
8. Банк ссудаларини таъминлашнинг турлари ва уларга тавсиф беринг.
9. Қишлоқ хўжалик корхоналарига микрокредитлаш нима мақсадлар учун берилади?
10. Қишлоқ ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлашни олиш учун қандай ҳужжатлар илова қилинади?

10-боб. Молиявий (бизнес) режа

Р е ж а

10.1. Молиявий (бизнес) режанинг моҳияти.

Молиявий (бизнес) режадаги молиявий кўрсаткичлар.
Бизнес режанинг хулоса қисми.

10.1. Молиявий (бизнес) режанинг моҳияти

Бизнес режани тузишдан асосий мақсад қатъий ҳисоб-китобга асосланган ишлаб чиқариш лойиҳаси ёки тижорат масалаларини ҳал қилишдир.

Ушбу мақсадда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мўлжалланган.

- бизнес режани моҳияти ва мақсади,
- бизнес режада ифодаланадиган асосий кўрсаткичлар,
- бизнес режа хулоса қисмини ифодалаш.

Молиявий (бизнес) режа ҳар қандай корхона ишлаб чиқаришни ташкил қилиши, уни бошқариш ва тижорат билан шуғулланишининг барча томонлари, корхона ўз фаолияти даврида дуч келиши эҳтимоли бор ёки ечиши лозим бўлган муаммолар ва улардан қутулиш йўллари белгиловчи ҳужжатдир.

Бизнес режа корхона фаолиятини жорий йил ва яқин келажак (3-5 йил) учун режалаштириш дастуридир. Дастурда биринчи йил кўрсаткичлари ойма-ой, ҳар бир иш тури бўйича, иккинчи йил кўрсаткичлари чоракма-чорак, қолган йиллар эса йил кесимида ёритилгани маъқул. Бизнес режа тузишда асосан қўйидаги уч масалани ҳал қилишга эътибор берилади:

1. Бозорни ўрганиш - ундаги талаб ва таклиф ҳажми, рақобат қилиш шарт-шароитлари, бозорга мол олиб киришда зарар кўриш даражаси ва ҳоказолар;
2. Бўлажак бозор ҳақидаги ахборотга таяниб, корхона ишлаб чиқариш ҳамда тижорат фаолиятларининг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш;
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тижоратдан кўзда тутилган натижаларга эришиш оралиқларини қадамба-қадам аниқ режалаштириш, қилинадиган сарф ва олиннадиган даромадни қатъий ҳисоб-китоб қилиш ҳамда уларни молиявий режада акс эттириш.

Бизнес режа таркибини қўйидаги тартибда ифодалаш мумкин:

1. Бозорни ўрганиш.
 - маркетингни ташкил қилиш,
 - шахсий истеъмолни ўрганиш,
 - бозорни ўрганувчилар масаласига бўлган талаблар,
 - ишлаб чиқаришни бозор талабларига мослаш.

2. Бизнес режада корхона ишлаб чиқариш имкониятларини ёритиш.

- корхона ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил қилиш,
- маҳсулот таннархига таъсир кўрсатувчи омилларни шархлаш,
- моддий харажатларни камайтириш йўллари топиш.

3. Ишлаб чиқаришни режалаштириш.

- ишлаб чиқаришни маркетинг натижалари асосида режалаштириш,
- қилинадиган харажатларни ҳисоблаш ва таркибини асослаш,
- ўзгаришига мойил ишлаб чиқариш тизими ташкил қилиш,
- барча манба (ер, ишчи кучи, асосий ва айланма маблағлар ва ҳ.к.)лардан унумли фойдаланиш.

4. Лойиҳа (корхона) молиявий режасини тузиш.

- бизнес режа тузишда мутахассислар, илмий маслаҳатчилар хизматидан фойдаланиш мумкин, шу билан биргаликда корхона раҳбари ҳам фаол иштирок этиши лозим,

- агар раҳбар ўз лойиҳасини амалга ошириш даврининг ҳеч бўлмаса биринчи ва кейинги уч йилини олдиндан режалаштира билмаса, етиштирадиган маҳсулот қайси бозорда сотилишини мўлжалламаса, демак у ҳали тижоратга тайёр эмас ва бундай лойиҳанинг келажаги йўқ,

- халқ хўжалигининг асосий тармоғи – қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, тайёрлов, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ва турли мулкдорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда бош мезон – қаттиққўллик, ҳалол рақобат ва одилликка таянган фаолият бўлиши лозим.

Ҳозирги шароитда Қишлоқ хўжалик корхоналари олдида фақатгина маҳсулотлар ва хизматларнинг ялпи ҳажмини кўпайтириш, ортиғи билан бажариш эмас, балки харидоргир, рақобатдошлик, бозор талабларига бардош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар бажариш муаммоси қўйилмоқда. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар қандай корхона истеъмол бозорида юқори самара ва фойда олишни таъминлайдиган фаолият юритиши керак. Бу масалани муваффақиятли амалга ошириш энг аввало бизнес режанинг қай даражада тузилганлигига боғлиқдир.

10.2. Молиявий (бизнес) режадаги молиявий кўрсаткичлар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик корхоналари учун бизнес-режанинг қуйидаги таркибий тузилишини тавсия этади:

1-Жадвал «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун бир гектар ерга кетадиган меҳнат ва моддий харажатлар меъёри». Ушбу жадвалда экин турлари бўйича ҳосилдорлик, меҳнат сарфи, уруғлик, ёқилғи мойлаш материаллари ва ўғитлар бўйича бир гектарга белгиланган меъёр кўрсатилади.

2-Жадвал «Ердан фойдаланиш». Бунда хўжаликнинг экин майдонларининг тузилиши 1 ноябрга бўлган ҳолати бўйича ёзилади.

3-Жадвал «Дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи». Ушбу жадвалда ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи режалаштирилади, яъни хўжаликда экиладиган экин турлари бўйича экин майдони кўрсатилади ва 1-жадвалдаги меъёрлардан фойдаланиб ҳар бир экин тури бўйича жами харажат, шу жумладан иш ҳақи, уруғлик, ёқилғи мойлаш материаллари, ўғит, асосий воситаларни сақлаш харажатлари, иш ва хизматлар, суғурта тўловлари, давр харажатлари ва бошқа харажатлар келтирилади.

4-Жадвал «Моллар, паррандалар (бош сони) ва асалари оиласи сони мавжудлиги. Ушбу жадвалда чорва молларини турлари бўйича йил боши ва йил охиридаги бош сони, тирик вазни ва умумий баҳоси ёзилади.

5-Жадвал «Чорвачилик маҳсулотлари тўғрисида қўшимча маълумотлар»да моллар, паррандалар тирик вазни ва умумий баҳоси кўрсатилади. Бундан ташқари аҳолидан шартнома асосида олинган сут, жун ва бошқа маҳсулотлар натурал кўринишида ва қиймат кўринишида кўрсатилади.

6-Жадвал «Моллар ва паррандалар маҳсулдорлиги». Ушбу жадвалда бир бош сигирдан соғиб олинadиган ўртача йиллик сут маҳсулдорлиги, йил давомида олинadиган бўзоқлар бош сони, гўштга сотилadиган ҳар бир бош молнинг ўртача тирик вазни, юз бош молдан олинadиган бўзоқлар бош сони каби кўрсаткичлар берилadi.

7-Жадвал «Молларнинг ва паррандаларнинг озукага бўлган эҳтиёжи ва унинг таъминоти». Ушбу жадвалда чорва молларни турлари бўйича озукага бўлган эҳтиёжи аниқланади. Шунингдек, хўжаликнинг ўзида мавжуд озука миқдори, четдан сотиб олинadиган озука миқдори ҳамда 1 центнер маҳсулотга сарфланадиган озука бирлиги ҳисобланади.

8-Жадвал «Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи». Чорва молларнинг турлари бўйича ўртача йиллик бош сони кўрсатилади. Шунингдек, меъёрдан фойдаланган ҳолда жами харажатлар, шу жумладан иш ҳақи, озука миқдори, ёқилғи мойлаш материаллари, асосий воситаларни сақлаш харажатлари, иш ва хизматлар, суғурта тўловлари, давр харажатлари ва бошқа харажатлар берилadi.

9-Жадвал «Йил учун маҳсулот баланси»да ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулот турлари бўйича йил бошига мавжуд бўлган миқдори ва унинг қиймати; йил давомида ишлаб чиқариладиган, сотиб олинadиган ва бошқа киримлар; йил давомида тайёрлов ташкилотларига сотилadиган хўжалик аъзоларига берилadиган, бозорга сотилadиган, уруғлик учун сақланадиган ва бошқа хўжалик эҳтиёжи учун сарфланадиган чиқимлар; йил охирига қолдиқ миқдори режалаштирилади.

10-Жадвал «Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва сотиш». Ушбу жадвалда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материалларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва бошқа шу каби саноат ишлаб чиқариш маҳсулотларини миқдори, таннархи, улардан олинган даромад каби кўрсаткичлар ёзилади.

11-Жадвал «Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулоти (хизмат) ва сотиш». Транспорт хизмати, қурилиш хизмати, маҳсулотни қайта ишлаш хизмати, маданий оқартув ва маиший хизмат, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш каби ёрдамчи ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қилинадиган харажатлар ва улардан олинadиган даромад, фойда ҳисобланади.

12-Жадвал «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш». Ўсимликчилик маҳсулотлари (буғдой, арпа, пахта, тамаки, сабзаёт маҳсулотлари ва ҳ.к.), чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, жун, тухум, асал ва бошқалар) сотилadиган миқдори, унинг таннархи, сотишдан олинadиган пул даромади ва фойда кўрсатилади.

13-Жадвал «Умумхўжалик харажатларининг маҳсулот етиштирувчи бўлинмаларига тақсимоти». Умумхўжалик харажатлари (иш ҳақи, асосий воситаларни амортизацияси, материаллар, хизмат сафари харажатлари ва бошқалар) етиштириладиган маҳсулотлар қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. 100 сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган харажат суммаси ҳисобланади.

14-Жадвал «Ходимларнинг сони ва истеъмолга йўналтирилган меҳнат ҳақи фонди». Қишлоқ хўжалиги ишларида банд бўлган ишчилар, саноат корхоналарида ишловчилар, умумовқатланиш ва савдода ишловчилар, чорвачиликда хизмат қилувчилар ва бошқалар бўйича йиллик ўртача сони, уларга ҳисобланган иш ҳақи мукофот ва рағбатлантиришга ажратилadиган пул маблағлари кўрсатилади.

15-Жадвал «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари». Ушбу жадвалда харажат турлари бўйича асосий ишлаб чиқаришга, жумладан ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларига қилинадиган харажатлар ҳисобланади.

16-Жадвал «Ташқи иқтисодий фаолият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари» (маҳсулот ва хом-ашё). Маҳсулот турлари бўйича экспорт ва импорт товарларнинг миқдори ва қиймати режалаштирилади.

17-Жадвал «Мавжуд ва ҳаракатдаги валюта». Агар хўжалик хорижий валюта маблағига эга бўлса ушбу жадвалда кўрсатилади. Бундан йил охирида мавжуд қиймати, кўшимча фоизи, йил давомидаги сарфланиши, ҳамкор корхоналар тўлови келтирилади.

18-Жадвал «Бюджет тўланмалари». Бюджетга тўловлар, яъни солиқ турлари ҳисоб-китоби кўрсатилади.

19-Жадвал «Корхоналарнинг асосий иқтисодий кўрсаткичи». Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, шу жумладан ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулоти, корхонанинг товар маҳсулоти, қурилиш монтаж ишлари, товарни айланма ҳажми, ишчилар сони ҳамда ўртача йиллик бир ишчига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати каби кўрсаткичлар акс эттирилади.

20-Жадвал «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи даромади». Ялпи маҳсулот, маҳсулот сотишдан олинган фойда, зарар ҳамда маҳсулот таннархи, ялпи даромад ва бошқа кўрсаткичлар ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларига бўлиб кўрсатилади.

21-Жадвал «Молиявий натижалар». Ушбу жадвалда маҳсулот сотишдан тушган тушум, солиқлар, сотишдан олинган соф тушум, сотилган маҳсулот таннархи, сотишдан тушган ялпи молиявий натижа, сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар, умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси, солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа, ҳисобот давридаги соф фойда каби кўрсаткичлар акс эттирилади.

10.3. Бизнес режанинг хулоса қисми

Одатда бизнес режа унинг «Хулоса» қисмини ёритишдан бошланади. Албатта, хулоса қисм бизнес-режанинг бошқа бўлимлари ишлаб чиқарилгандан кейингина тўла шаклланади. Шунга қарамасдан: биринчи навбатда корхона раҳбари ўз қўл остидаги ходимлар ва четдан таклиф қилинган маслаҳатчилар билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш йўллари тўла ва равшан билиши лозим.

Хулоса қисмида ёзилган фикрлар ниҳоятда тиниқ, кўзланган мақсад аниқ, ҳатто номутаҳассислар ҳам бир ўқиганда тушунарли бўлсин.

Бошқача айтганда, баён қилинадиган асосий фикр лойиҳа мақсади нима? Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлардан фарқи нима? каби саволларга жавоб бериши лозим.

Хулоса қисмининг охири саҳифаси лойиҳани амалга оширишдан кўзланган молиявий натижаларга бағишланган бўлиб, унда яқин бир икки йил ичида сотиш мумкин бўлган маҳсулот ҳажми, сотишдан тушадиган тушум, фойдалилик даражаси ва ниҳоят, сармоялардан олинган қарзини узиш муддатлари ҳақида ахборот берилади.

Бизнес режани ўқийдиганларни (корхона ходимлари, сармоядорлар ёки ҳиссадорлар) доимо икки савол қизиқтиради:

1. Бизнес-режа муваффақиятли амалга оширилса мен нимага эга бўламан?
2. Қўшган сармоямни йўқотиш даражаси қай даражада?

Бизнес режанинг хулоса қисмини аниқроқ тасаввур қилиш учун қуйидаги бир тадбиркор тузган лойиҳанинг асосий шарҳи билан танишиб чиқамиз.

Энг аввало хусусий тадбиркорнинг, исми, фамилияси, манзили, банк реквизитлари кўрсатилади. Сўнгра лойиҳанинг асосий шарҳи (хулоса-резюме) берилади. Бунда қуйидагилар ифодаланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган тушум
1-йил - 620,0 минг сўм,
2 -йил – 710,0 минг сўм,
3 - йил – 923,0 минг сўм.
2. Ўз маблағлари ҳисобидан – 113,7 минг сўм.
3. Лойиҳани амалга ошириш муддати – 3 йил.
4. Кредит учун фоиз тўловлари миқдори – 12% йилига.
5. Кредит суммаси – 500,0 минг сўм.
6. Жами қайтариладиган сумма – 680,0 минг сўм.
Шу жумладан кредит тўлови – 500,0 минг сўм,
Фоиз тўлови – 180,0 минг сўм.
7. Янги ташкил этиладиган иш ўрни – 3 киши.
8. Йиллар бўйича соф фойда:
1 йил – 82,6 минг сўм,
2 йил – 255,2 минг сўм,
3 йил – 257,4 минг сўм.
9. Рентабеллик даражаси – 15 %.

Шунингдек, лойиҳа эгаси (корхона)нинг қисқача тавсифи берилади, жумладан, лойиҳани тузишдан мақсад, бошқа турдош корхоналарга нисбатан киритаётган янгилиги ва бошқа ижобий муваффақиятлари тўғрисида ёзилади.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Бизнес режа, фойдани ҳисоблаш, бозорни ўрганиш (маркетинг), ташқи ва ички бозор, ишлаб чиқаришни режалаштириш, маҳсулот таннархи, ҳуқуқшунослар хизмати, резюме.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Бизнес-режа тузишдан асосий мақсад нима?
2. Бизнес-режа тузишда қандай масалаларни ҳал этишга эътибор қаратилади?
3. Бизнес-режанинг умумий таркиби.
4. Қишлоқ хўжалик корхоналари бизнес-режасидаги меъёрий кўрсаткичлар нималардан иборат?
5. Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархи қандай режалаштирилади?
6. Бизнес-режадаги молиявий натижалар нималардан иборат?
7. Бизнес-режанинг резюме қисмида нималар акс эттирилади?

11-боб. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини мониторинги ва иқтисодий ночорлик белгилари

Режа

- 11.1. Қишлоқ хўжалик корхоналар молия хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили
- 11.2. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар

11.1. Қишлоқ хўжалик корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молия-хўжалик фаолиятининг мониторингини олиб боришдан мақсад корхонани иқтисодий ночорликка олиб келиши мумкин бўлган сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишдан ҳамда банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳуқумат комиссиясига киритиш учун банкротликнинг олдини олиш бўйича таклифларни тайёрлашдан иборат.

Қишлоқ хўжалик корхоналари молия-хўжалик ҳолати мониторингини ўтказишнинг асосий вазифалари:

- а) молия-хўжалик ҳолатини таҳлил қилиш;
- б) ночорлик белгиларига эга бўлган корхоналарни санациялаш, такроран тузиш ёки иқтисодий ночор (банкрот) корхоналарни тугатиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- в) корхоналар бўйича маълумотлар базасини яратиш йўли билан банкротликнинг олдини олиш ва тўловга қобилликни таъминлаш ҳисобланади.

Иқтисодий аҳволига қараб корхоналар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- бақувват корхоналар;
- «хавф-хатар» гуруҳидаги корхоналар;
- «танг» гуруҳидаги корхоналар;
- тўловга ноқобил корхоналар;
- «бўлажак корхоналар» (иқтисодий ночорлар) гуруҳидаги корхоналар.

Молия-хўжалик фаолияти мониторинги қуйидаги тартибда ўтказилади:

- а) тармоқ белгиси бўйича - тармоқ корхоналарнинг ҳолатига иқтисодий омиллар таъсирини аниқлаш учун;
- б) минтақавий (ҳудудий) белги бўйича – мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ҳолатига таъсир этувчи минтақавий тусдаги омилларни аниқлаш учун.

Муайян корхона молия-хўжалик ҳолатининг мониторинги унинг тўловга қобиллиги ёки умуман иқтисодий ҳолатини аниқлаш учун амалга оширилади. Корхоналар ҳолатини кузатиш тизими асосида олинган натижалар қўмита томонидан минтақалар ва тармоқлар бўйича умумлаштирилади. Мониторинг натижасида қўмита томонидан корхонани такрор тузиш учун аниқ таклифлар ва тадбирлар ишлаб чиқарилади.

Қуйидагилар мониторинг ўтказишнинг асосий усуллари:

а) «Экспресс- диагностика» - мезонлар тизими кўрсаткичларини таҳлил қилиш йўли билан корхоналарнинг потенциал тўловга қобиллигини аниқлаш ва корхоналарнинг макроиқтисодиёт даражасидаги мониторинги ҳамда таҳлилни ўтказишда, прогноз қилишда ва тармоқлар ҳамда умуман минтақалар бўйича иқтисодий ночор ва бақувват корхоналар динамикасини белгилашда ушбу усулни қўллаш;

б) муайян корхонанинг тўловга қобиллигини тиклаш ёки йўқотиш жараёнларини кузатиш, иқтисодий ночорликдан чиқиш ёки банкрот олдидаги ҳолат омилларининг кучайиши мақсадида унинг макроиқтисодий даражадаги молия-хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш.

Мониторинг ва таҳлилни ўтказиш ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- а) корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш ва ишлаш;
- б) тўпланган ахборот асосида корхонанинг молия-хўжалик ҳолатини таҳлили;
- в) таҳлил натижалари бўйича хулоса;
- г) тавсиялар.

Корхона молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили қуйидагиларни ўрганишни ўз ичига олади:

- молиявий ҳолат;
- молиявий барқарорлик;
- тўловга қобиллик;
- баланснинг ликвидлиги;
- молиявий коэффицентлар;
- молиявий натижалар.

Корхона молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили учун қуйидагилар ахборот манбалари ҳисобланади:

- бухгалтерия баланси, 1-шакл;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 2-шакл;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, 3-шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, 4-шакл;
- ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот, 5-шакл;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома, 2а-шакл.

Корхона тўғрисидаги маълумотлар ўрганилганда, асосий фондлар ва мол-мулкнинг ҳолати, уларнинг қувватларидан фойдаланиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг, шу жумладан тўлаш муддати ўтган қарзларнинг динамикаси тадқиқ қилинади. Таҳлил қилинаётган корхонанинг кучли ва заиф томонлари, мол-мулк ва мажбуриятлар қийматининг ўзаро нисбати, тўловга қобилликни тиклаш имконияти аниқланади.

Давлат улушига эга бўлган корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг мониторинги мунтазам равишда амалга оширилади, таҳлил эса қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- а) кредиторнинг аризаси бўйича;
- б) мулкдорнинг аризаси бўйича;
- в) қарздор корхона ихтиёрий равишда тугатилиши олдидан;
- г) ночорликнинг ташқи белгилари мавжуд бўлганида;
- д) давлат молиявий ёрдам кўрсатаётганда, санация даврида.

Таҳлил ўтказиш қўмигага кредиторнинг расмий аризаси тушганидан сўнг амалга оширилади. Қўмига кредитор аризасини олгандан кейин 3 кун давомида қарздор корхонага корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун бухгалтерия ҳужжатларини тақдим этиш тўғрисида хабарнома юборади (1-илова).

Зарур ҳужжатлар мажмуини олгандан кейин қўмига таҳлил ўтказилади, унинг натижалари бўйича амалдаги қонунларда белгиланган русум-қоидалар қўлланади.

Қарздорга доир алоҳида йиғма жилд очилади, корхона тўғрисидаги маълумотлар ва унинг молия-иқтисодий кўрсаткичлари қўмига маълумотлари базасига киритилади, сўнгра унинг иши устидан мониторинг ўрнатилади.

Мулкдор аризаси бўйича молия-хўжалик фаолияти мониторинги ва таҳлил қилиниши кредитор аризаси билан биргаликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қарздор корхонани ихтиёрий равишда тугатиш ва унинг ўзини банкрот деб эълон этиш тўғрисидаги қарор корхона раҳбари томонидан, кредитор билан ҳамкорликда қабул қилинади, бунда корхона ўз мажбуриятлари бўйича тўлай олмаслиги ва унинг тўловга қобиллигини тиклаб бўлмаслиги аниқланган иқтисодий таҳлили асос қилинади. Мазкур қарор қарздор корхона мол-мулкнинг эгаси ва

корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича кўмита томонидан тасдиқланади.

Қарздор корхона ўзини банкрот деб ихтиёрий равишда қарор қабул қилгандан сўнг 3 кун давомида кредиторлар билан келишилган таҳлил барча натижаларини, қабул қилинган қарор тасдиқномасини олиш учун кўмитага тақдим этади.

Қарздор корхона ва кредиторнинг ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш учун кўмита қарздор корхона молия- хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлилинини ўтказиши.

Агар қарздор корхона ва кредитор томонидан ўтказилган мониторинг ва таҳлил натижаси кўмита томонидан ўтказилган мониторинг ва таҳлил натижасига мос келса, ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарор тасдиқланади, акс ҳолда белгиланган тартибда корхонанинг ночорлиги тўғрисида иш қўзғатилади. Агар корхона мониторинги ва таҳлилининг натижаси унинг иқтисодий бақувватлигини аниқласа, қарздор корхонанинг мазкур ҳаракатлари ноҳақ, яъни тўлайдиган тўловларидан чегирма қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга ижозат олиш учун кредитларни янглиштириш мақсадида ўзининг ночорлиги тўғрисида атайлаб ёлғон (сохта) эълон бериш баҳоланиши мумкин.

Ночорликнинг ташқи белгилари бўйича даврий мониторинг ва таҳлил минтақалар ҳамда умуман тармоқларда корхоналар ҳолатини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Иқтисодий ночор корхоналар маълумотлар базаси асосида тармоқлар ва минтақалар бўйича иқтисодий ночор корхоналарга доир қонуниятлар, таркибий ўзгаришлар ўрганилади.

Бунда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар, тўлаш муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажмларидаги ўзгаришлар, ночор ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналар сонининг кўпайиш ёки камайиш тамойиллари таҳлил этилади.

Кўмита юқорида баён этилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида даврий мониторинг ҳамда таҳлилни ўтказиши ҳамда тармоқлар ва умуман минтақа бўйича корхоналар такроран тузиш, йўналишини қайтадан ўзгартириш ва тўловга қобиллигини теклаш бўйича чора ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Кўмита қарздор хўжалик юритувчи субъектлар санациясининг бориши ва маблағлардан санация ўтказиш учун фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади. Санациянинг белгиланган бутун муддати давомида кўмита томонидан корхона молиявий фаолиятининг мониторинги юритилади ва босқичма-босқич самародорлиги белгиланади.

Кўмита, зарурат туғилганда, санацияланаётган корхонага санация тадбирларини мувофақиятли бажариш бўйича масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади. Санациянинг боришига тўсқинлик қилаётган сабаблар чуқур ўрганилади ва санацияни давом эттириш ёки бундан кейинги санациянинг истиқболсиз эканлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Санация жараёнини тўхтатиш тўғрисидаги таклифларни кўмита санация бериш тўғрисида қарор чиқарган давлат органига тақдим этади.

Мониторинг ва таҳлил ўтказиш ҳамда улар натижаларини расмийлаштириш тартиби қуйидаги изчилликда амалга оширилади.

Кўмита Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика Кўмитаси, Давлат Солиқ Кўмитаси, тижорат банклари, хўжалик суди, вазирликлар, идоралар ва корхоналардан келиб тушаётган барча маълумотлар корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили бошқармасида юритиладиган рўйхатдан ўтказиш дафтарига киритилади.

Материалларга бирламчи ишлов бериш пайтида мониторинг юритилиши зарур бўлган корхоналар рўйхати белгиланади, сўнгра ана шу корхоналар раҳбарларига, шунингдек қарздор корхоналар раҳбарларига кредитор (мулкдор) аризаси бўйича мониторинг ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборилади.

Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш натижалари кўмита, кредиторлар ва қарздор корхона вакиллари иштирокида баённома билан расмийлаштирилади. Баённомага ҳуқуқат комиссияси томонидан банкрот деб эълон

қилиш ёки санация тақдим этиш мақсадида ишларни хўжалик судига топшириш тўғрисида қарор қилиниши учун кўмитанинг корхона молия-хўжалик фаолиятини таҳлил этиш натижалари тўғрисидаги хулосаси илова қилинади.

11.2. Иқтисодий ночорлик белгиларини аниқловчи мезонлар

Корхоналар иқтисодий аҳволига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- тaminланган;
- иқтисодий хавфли;
- иқтисодий ночор.

Иқтисодий хавф белгиларига эга корхоналарга Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланган муддатларда ўз молиявий хўжалик фаолиятини яхшилаш бўйича чора тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланади.

Иқтисодий ночор корхоналар молиявий аҳволига кўра санация қилинади ёки мажбурий ёки ихтиёрий тугатилиш бўйича банкрот деб эълон қилинади.

Иқтисодий аҳволини баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар (мезонлар) 3 гуруҳга бўлинади:

1) Молиявий-иқтисодий аҳволини баҳолаш мақсадида иқтисодий таҳлил қилиниши лозим корхоналарни танлаш учун:

- пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш кунидан 3 ойдан ортиқ муддати ўтган кредиторлик қарзларнинг мавжудлиги;
- корхоналар рентабеллиги (зарарлилиги)нинг манфий даражаси;

2) Корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқловчи асосий (мезонли) кўрсаткичлари:

- тўловга қобиллик ёки қоплаш коэффициенти –Тқк;
- ўз айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти -Ўак;

3) Қўшимча кўрсаткичлар (яқуний қарор қабул қилиш учун):

- активларнинг рентабеллик коэффициенти - Арк;
- ўз ва қарз маблағларининг нисбат коэффициентлари - Ўнк;
- қувватдан фойдаланиш коэффициенти - Қфк;
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициентлари - Авэк.

Корхоналарнинг иқтисодий аҳволини баҳоловчи кўрсаткичларнинг тавсифномаси.

1. Пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш муддати келган кундан бошлаб 3 ойдан ортиқ муддати ўтган қарз қонун ҳужжатлари ёки шартномаларга мувофиқ мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар ва кредиторларнинг пуллик мажбуриятлар бўйича талабларини амалга ошириш вақтидан бошлаб белгиланади.

Муддати 3 ойдан утган қарз ҳақидаги маълумотлар «Молиявий иқтисодий аҳвол тўғрисида ариза» 2-б молиявий ҳисобот шаклидан олинади.

2. Активларнинг рентабеллик (зарарлилик) коэффициенти корхонаниг молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган активларнинг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади:

Стф

Арк = ----- ;
БН

Бунда **Стф**- солиққа тортишгача бўлган фойда (зарар) «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-шаклнинг 170 сатри.

БН- баланс натижаси (310 сатр) ёки баланс пассиви (550 сатр)

Агар ҳисобот давридаги активларнинг рентабеллик коэффиценти 0 дан паст қийматга эга бўлса (манфий кўрсаткич), у ҳолда корхона зарар кўраётган ҳисобланади.

3.Тўловга қобиллик (қоплаш) коэффиценти нафақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай шароитда сотиш шарти билан балки бошқа моддий айланма маблағлар элементлари шароитида баҳоланувчи корхонанинг тўловга қобиллигини кўрсатади. Коэффицентнинг камайиши корхона тўлов имкониятларнинг пасайиши ҳақида хабар беради.

Коэффицент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$T_{\text{кк}} = \frac{A_2}{\text{П2} - (\text{Укк} + \text{Қкк} + \text{Ха})};$$

Бунда, **A2**- айланма активлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқалар), баланс активининг 2 бўлими 300 сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс пассивининг 2- бўлими 540 сатр;

Укк - узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар, баланс пассивининг 2-бўлими (400+410) сатрлар суммаси;

Қкк - қайтариш муддати келмаган қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар, баланс пассивининг 2-бўлими [420+430 минус қайтариш муддати ўтган қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар суммаси] сатрлар суммаси;

Ха - харидор ва буюртмачилардан олинган (мажбуриятларни бажариш муддати ўтмаган) бунақлар, баланс пассивининг 2- бўлими (440-сатр айирув мажбуриятларни бажаришнинг муддати ўтган бунақ тўловлари суммаси);

Агар тўловга қобиллик коэффиценти ҳисобот даври сўнггида 1 дан паст бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича ночор ҳисобланади.

Коэффицент меъёрий қийматининг ошиши айланма маблағлар айланмасининг секинлашуви ва молиявий ресурслардан омилкор фойдаланмаслик ҳақида гувоҳлик беради.

4. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти молиявий мустаҳкамлик, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларининг нисбати учун зарур бўлган корхонанинг ўз айланма маблағларининг мавжудлигидан далолат беради.

Коэффицент қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$U_{\text{ак}} = \frac{(\text{П1} + \text{Укк}) - A_1}{A_2};$$

A2

Бунда **A1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва б.), баланс активининг 1 бўлими, 110 сатр;

П1 - ўз маблағларининг манбалари (устав капитали, заҳира капитали, қўшимча капитал, тақсимланмаган фойда ва б.), баланс пассиви 1-бўлими натижаси, 390 сатр.

Ушбу қаср суръати корхонанинг қандай ўз маблағлари суммаси айланмага йўналтирилгани, махражи – барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати- 0,1 .

Агар ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 0,1 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда корхона ушбу кўрсаткич бўйича ночор ҳисобланади.

5. Ўз ва қарз маблағларининг нисбат коэффициенти қарз маблағларини ўз манбағлари орқали қайтариш билан таъминланганлик даражасини белгилайди. Коэффициентнинг пасайиши корхона молиявий хавфининг ошганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Унк} = \frac{\text{П1} + \text{Укк}}{\text{П2} - (\text{Укк} + \text{Ха})} ;$$

Агар ўз ва қарз маблағларининг нисбат коэффициенти ҳисобот даври сўнгида 2 дан паст қийматга эга бўлса, бу ҳол корхонада молиявий хавф мавжудлигидан гувоҳлик беради.

6. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти ишлаб чиқариш қувватларининг юксалиш даражасини билдирувчи кўрсаткичдир:

$$\text{Кфк} = \frac{\text{Q ҳақ.}}{\text{Q лойих.} - (\text{Q ижара} + \text{Q консерва.})} ;$$

Бунда, **Q ҳақ.**- таққосланадиган қиймат кўринишидаги ҳисобот даврида чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми;

Q лойих. - қиймат кўринишидаги белгиланган вақт давомида маҳсулот чиқариш (хизматлар кўрсатиш)нинг энг кўп ҳажми, унга асосий технологик ускуналардан тўлиқ фойдаланиш ва белгиланган иш режимига риоя қилиш орқали эришиш мумкин;

Q ижара - ижарага берилган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажмлари;

Q консерва. - консервацияланган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажмлари.

Агар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти ҳисобот даврида 0,5 дан ёки ўртача тармоқниқидан паст бўлса, у ҳолда корхона ушбу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночордир.

7. Ускунанинг эскириш коэффициенти асосий воситаларнинг эскириш даражасини билдирувчи ўртача кўрсаткичдир:

$$\text{Авэқ} = \frac{\text{Э}}{\text{А}} ;$$

Бунда **Э**- асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскириши, «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, 011-сатр маълумотлари,

А - асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бирламчи (тиклаш) қиймати, «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, 010-сатр маълумотлари.

Агар асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти кўрилатган давр охирида 0,5 қийматидан ошса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича ночор ҳисобланади.

1. Корхоналарни гуруҳлар бўйича ажратиш.

1. «Таъминланган корхоналар» гуруҳига «Иқтисодий хавфли» ва «Иқтисодий ночор» гуруҳларига кирмайдиган корхоналар мансубдир.
2. «Иқтисодий хавфли» гуруҳига мансуб корхоналар қуйидагилар мавжудлиги билан аниқланади:

-2 бўлим 1-3- бандларига кўрсатилган иқтисодий ночорлик белгилари;

-тўлаш муддатидан қатъи назар, қарз мажбуриятлари, яъни ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффиценти 2 дан кам бўлса.

Корхонанинг у ёки бу гуруҳчага таалуқлилиги ҳар бир коэффицентнинг алоҳида олинган қийматига боғлиқ.

Қуйидаги ҳолатларда корхоналар банкротликка яқин (тўловга ноқобил)дир:

- $T_{\text{кк}} + \dot{Y}_{\text{ак}} < 1$;

-пулли мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш кунидан 3 ойдан ортиқ муддати ўтган кредиторлик қарзларининг мавжудлиги.

Қуйидаги ҳолларда корхоналар шартли равишда банкрот ҳисобланади:

- $T_{\text{кк}} < 1$, $\dot{Y}_{\text{ак}} < 0,1$ ва $A_{\text{рк}} < 0$ (манфий кўрсаткич);

-пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш кунидан 3 ой дан ортиқ муддати утган кредиторлик қарзларининг мавжудлиги.

3. Узил-кесил қарорларни қабул қилиш учун $A_{\text{рк}}$, $Q_{\text{фк}}$, $A_{\text{вэк}}$ кўшимча кўрсаткичлар деб ҳисобланади.

Таянч иборалар ва такрорлаш учун саволлар

Таянч иборалар: Мониторинг; санация; иқтисодий ночорлик; банкротлик; ихтиёрий тугатиш; молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили; тўловга қобиллик коэффиценти; ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти; активларнинг рентабеллик коэффиценти; ўз ва қарз маблағларнинг нисбат коэффиценти; қувватдан фойдаланиш коэффиценти; ускуналарнинг эскириш коэффиценти.

Мониторинг - Корхонанинг молия- хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва умумлаштириш тизими;

Санация - Корхонанинг молия хўжалик фаолиятини соғломлаштириш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

Иқтисодий ночорлик – Корхонанинг пул мажбуриятлари, шу жумладан иш ҳақини тўлаш бўйича талабларга доир кредиторлар талабларини қондиришга шунингдек, ўзига тегишли мол-мулк ҳисобига бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қобил эмаслиги;

Банкротлик - Хўжалик суди томонидан Банкрот деб эълон қилинган корхонанинг иқтисодий ночорлигини белгиланган тартибда эътироф этиш;

Ихтиёрий тугатиш - Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ кредиторлар талабларини қондириш ва корхонанинг иқтисодий ночорлиги муносабати билан нохуш ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида қарздор корхона билан кредиторлар ўртасидаги ўзаро келишув бўйича суддан ташқари амалга ошириладиган русум қоида;

Молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили - молиявий кўрсаткичлар асосида корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллигини аниқлаш мақсадида уни комплекс тарзда тадқиқ қилиш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлилининг ўтказишнинг тур ва усуллари.

2. Мониторинг ва таҳлилнинг ўтказиш босқичлари.

3. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлилининг ўтказиш шакллари.

4. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлили натижаларини расмийлаштириш.

5. Корхоналар иқтисодий аҳволини мўлжалга кўра баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар гуруҳи.

6. Корхоналар иқтисодий ночорлик белгиларини аниқловчи асосий кўрсаткичлар.

7. Корхоналар иқтисодий ночорлик белгиларини аниқловчи қўшимча кўрсаткичлар.

8. Корхоналарни иқтисодий ночорлик белгиларини аниқловчи кўрсаткичлар бўйича гуруҳлаш.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент-2002й.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фуқораларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида». Тошкент-1993 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Тошкент-1995й.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Марказий банки тўғрисида», Тошкент-1996 й.
5. Ўзбекистон Республкасининг қонуни «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», Тошкент-1995 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» Тошкент-1997 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Лизинг тўғрисида» Тошкент-1999 й.
8. Ўзбекистон Республкасининг қонуни «Бюджет тизими тўғрисида». Тошкент-2000 й.
9. Ўзбекистон Республкасининг қонуни «Кредит уюшмалари тўғрисида». Тошкент-2001 й.
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Қишлоқ хўжалик корхоналари тўғрисида». Тошкент-2004 й.
11. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Солиқ кодекси». Тошкент-2007 й.
12. Ўзбекистон Республкаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони.
13. Ўзбекистон Республкаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони.
14. Ўзбекистон Республкаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда Қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Корхоналар банкротлиги ҳақидаги қонунларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1658-сон Фармони.
16. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз, «Халқ сўзи» 2002 й. 15.01.
17. Каримов И.А. Ислохатлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халқ сўзи», 2003 й. 18.02.
18. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т. «Ўзбекистон» 2005 й.
19. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида эмиссия, касса иши, пул тушумини инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқнома. Тошкент-1998 й.
20. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом, Тошкент-1998 й.
21. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласини ташкил этиш ишлари бўйича йўриқнома. Тошкент-1998 й.
22. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш талаблари тўғрисида Низом, Тошкент-1998 й.

23. Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом, Тошкент – 2003 й.
24. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2000 йил 22-февралдаги 464-сонли қарори «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган Қишлоқ хўжалик корхоналари ва кичик бизнесни бошқа субъектларнинг миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» тўғрисида.
25. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ҳамда ажратмаларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. Тошкент-2001 й.
26. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом, Тошкент-2002 й.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги «Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар тўлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 7-ноябрдаги 383-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
30. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 8 ноябрдаги 124-сонли «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» қарори.
31. Абдуллаев Ё. Қоралиев Т., Пул, Тошкент-1996 й.
32. Абдуллаев Ё. Бобоқулов Т., Кредит, Тошкент-1996 й.
33. Абдуллаева Ш.З., «Пул, кредит ва банклар», Тошкент-2000 й.
34. Нурмурадов Х. Ўзбекистонда пул муомаласи ва банк тизими тарихидан. БПК журнали, 2001 йил 8-9 сонлар
35. Муллажанов Ф. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими, БПК журнали, 2001 йил 8 сон.
36. Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари фондлар ҳисобига кредит линияларини очиб хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида Низом, Тошкент-2001й.
37. Холбоев Д. Молиявий менежмент, Самарқанд-2003 й.
38. Холбоев Д. «Молиявий ҳисобот» Самарқанд-2005 й.
39. Холбоев Д. «Пул муомаласи, кредит ва молия».Самарқанд-2008й.
40. Холмурзаев М.,Остонақулов О. Кредитлаш муаммо ва имтиёзлари. «Қишлоқ » газетаси, 2004 йил 8-сон.
41. Шавкиев Э. Ўзбекистон Республикасида молия ва молия тизими. Самарқанд-2000 й.
42. Тожиев С.М. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр тузилмаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқоти. Диссертация. Тошкент-2004 й.
43. Ғозибеков А. Инвестицияларни молиялаш масалалари. Тошкент- 2003 йил.
44. Ғозибеков А. ва бош. Лизинг муносабатларининг назарияси ва амалиёти. Тошкент-2004 йил.

